Для северных стран вырабатывать солнечную энергию невыгодно. Конструкции дорогие, в них применяются редкие материалы. Для высокой выработки солнечной энергии требуются огромные площади. В Италии, Японии, Индии, Бразилии ведутся работы по использованию солнечных батарей. Их устанавливают на беспилотные автомобили и самолеты, обычные калькуляторы и часы, а также космические станции и спутники. [3]

Солнечная энергетика применяется больше там, где она дешевле обычной.

Ветроэнергетика. С давних времен человеку служила энергия ветра. Еще две тысячи лет назад в Китае, Египте и Индии применяли примитивные ветровые двигатели. Запасы энергии ветра превышают в 100 раз запасы энергии всех рек на Земле. Ветровые станции помогают преобразовывать ветер в электрическую, тепловую и механическую энергию. Главное преимущество ветровой энергии – чистота. К достоинствам этого вида энергии относится и ее возобновимость, эргономичность и экономичность.

Мощность всех ветровых генераторов обогнала суммарную установленную мощность атомной энергетики.

Главный недостаток ветровой энергии в том, что сила ветра непостоянна, а значит может быть маломощной и достаточно дорогой. Ветровые генераторы очень сильно «шумят», создавая низкочастотные звуки, которые отрицательно влияют на животных и человека, поэтому одним из условий является их удаленность от населенных пунктов. Строительство ветроэнергетических станций возможно в труднодоступных местах: горах, арктических островах.

Геотермальная энергия или энергия земных недр еще один нетрадиционный ресурс альтернативной энергетики. На сегодняшний день технические возможности позволяют использовать энергию земных недр на тех территориях, где есть естественные выходы горячего пара и термальных вод с перепадом температур 80-100 градусов. Геотермальные станции ставят так же в вулканических районах, где вода находится у поверхности или добраться до неё

можно пробуравив скважину (от 3 до 10 км.). [3] Извлекаемая вода отапливает здания напрямую или через теплообменный блок. Преимущества этой энергии в том, что геотермальные станции экологичны, возобновляемы, они имеют свой собственный цикл восстановления, и они постоянны. К недостаткам геотермальной энергии можно отнести токсичность вод, из-за этого обычный сброс воды в наземные водоемы не осуществляется. По этой же причине приходится усложнять процесс возобновимости цикла.[4] В основном геотермальные источники находятся в сейсмически активных местах планеты, следовательно, такое «месторождение» может в один момент «захлопнуться». Геотермальная энергия очень хрупкая энергия, но ее активно используют на геотермальных станциях западных регионов США, Италии, Мексики, Исландии, Новой Зеландии, Японии.

Энергия приливов и отливов. Эту энергию берут от естественного подъёма и спада уровня воды. Электростанции ставят только вдоль берега, а перепад воды должен быть не меньше 5 метров. Энергия приливов является возобновляемой и помогает восполнять энергетические затраты жителям прибрежных поселений. Для генерации электричества строят приливные станции, дамбы и турбины. Но установка одной такой станции требует огромных затрат. Мощность приливной электростанции (ПЭС) сильно меняется в течение суток из –за того что приливы непостоянны. Дороговизна и переменная мощность это еще не самые основные недостатки приливных станций. ПЭС наносят вред экологической среде, они нарушают нормальный обмен соленой и пресной воды, а также условия жизни морской флоры и фауны.[1]

Строительство ГЭС неэффективно в равнинных районах. Засуха резко снижает и даже прерывает производство электроэнергии на ГЭС. Плотина может нарушить нерестовый цикл рыбы, но эта проблема решаема, путем сооружения рыбоподъемников в плотине или перемещением рыбы в места нереста с помощью ловушек и сетей. Строить ГЭС дороже и сложнее относительно обычных электростанций, но цена электричества в два раза ниже. Турбины могут работать в разных режимах мощности и контролировать выработку электричества. Крупнейший производитель гидроэнергетики в мире сегодня это Китай, затем Бразилия, США, Россия. Огромный гидроэнергетический потенциал планеты используется сегодня в мире всего лишь на 1/5 часть. [3]

Регион	млрд к Вт .ч	%
Страны СНГ	1100	11,
Зарубежная Европа	710	7,3

Зарубежная Азия	2670	27,3
Африка	1600	16,4
Северная Америка	1600	16,4
Латинская Америка	1900	19,4
Австралия и Океания	200	2,0
Весь мир	10000	100

По прогнозам ученых гидроэнергетика, из –за своего изобилия, будет доминирующим энергетическим ресурсом в мире на многие годы вперед.

Бесспорно, что у любого вида энергии есть свои достоинства и недостатки. «Совершенно очевидно, что мы достигли внешних пределов, до которых может расти глобальная экономика, построенная на базе нефти и других видов ископаемого топлива». Но альтернативная энергия будет развиваться еще больше в условиях жёсткого дефицита нефти, газа и угля. Экологические преимущества при образовании тепла и электричества у альтернативного топлива. Одной из главных задач разработчиков станций для выработки альтернативной энергии является снижение себестоимости установок. Используя альтернативную энергию человечество не только сохранит планету для будущих поколений, но и сможет значительно улучшить ее экологию.

Список литературы

1. М.В.Голицын, А.М.Голицын, Н.В.Пронина. [«Альтернативные энергоносители»](#). Изд. Наука, Москва, 2014 г.,
2. Сидорович В. Мировая энергетическая революция: Как возобновляемые источники энергии изменят наш мир / Владимир Сидорович — М.: Альпина Паблишер, 2019. — 208 с.
3. Kiehl, J. T., Kevin E. Trenberth, 1997: Earth's Annual Global Mean Energy Budget. Bull. Amer. Meteor. Soc., 78, 197–208.
4. Безруких, П. П. Справочник ресурсов возобновляемых источников энергии России и местных видов топлива. Показатели по территориям / П. П. Безруких. — Москва : Энергия, Институт энергетической стратегии, 2007. - 272 с.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ВА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН Фойдаланишда айрим экологик муаммоларининг салбий Таъсири

С.О.Саидов, магистрант С.О.Каримова (БухДУ)

Ушбу мақола илгари эълон қилинган [1,2] ишларимизнинг мантикий давоми сифатида чоп этилмоқда.

Мавжуд экологик муаммолар тизимида энергетика етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 21 аснинг сўнги 10 йиллигида қайта тикланувчи энергия манбаларини (ҚТЭМ) амалиётга кенг жалб этиш унинг экологик таъсир жиҳатларига эътибор қаратишни тақозо қилмоқда. ҚТЭМ ҳисобига электр энергиясини ишлаб чиқариш экологик нуқтаи назардан абсолют «тоза» вариант сифатида фикр юритилади, аммо бу унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, ушбу энергия манбалари анъанавий энергетик қурилмалар (органик, минерал, гидравлик ва бошқа ёқилғиларда ишловчи)нинг атроф муҳитга кўрсатадиган экологик таъсиридан тамомила бошқа спектрдаги таъсирларга эгадир. Иккинчи томондан, ҳозирги кунда ушбу ноанъанавий ва ҚТЭМ ларидан фойдаланувчи энергетик қурилма ва тизимларнинг вақт ўтиши билан атроф муҳитга экологик таъсирининг барча қирралари тўла очилмаган. Ҳозирги кунда барча ноанъанавий ва ҚТЭМ дан фойдаланувчи, нисбатан арзон, энергиянинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган комплексларнинг техник мукамаллик даражасини ошириш масалаларига нисбатан устивор ҳолда қаралмоқда [3,4].

Қуёш электр станциялари (фотоэлектрик станциялар) ни ҳам тўла тўқис ўрганилган ва экологик соф электростанциялар дейишга, бизнинг фикримизча ҳали эрта. Ушбу станцияларни ишлатиш босқичинигина қисман соф экологик тоза дейиш мумкин. Бундай энергетиканинг энг ноқулай томони, керакли мақсадлар учун хизмат қиладиган қуёш электр станциясини қуриш учун жуда катта ер ресурсларини талаб этишидир. Ўртача ер сарфи 0,001 дан 0,006 га/кВт гача, ўртача эҳтимолий қийматлари эса 0,003 дан 0,004 га/кВт ташкил этади. Албатта, бу ер майдонлари ГЭС қуриш учун нисбатан кам бўлсада, Иссиқлик электр станциялари ва Атом электр станцияларини қуриш учун талаб этиладиган ер майдонларидан анча каттадир. Бундай иншоотларни қуришда сезиларли катта экологик таъсирлардан бири ушбу станцияларнинг жуда кўплаб сондаги металлоконструкциялар, шиша ва бетон блоклардан ташкил топганлиги оқибатида, ер катламлари структурасини ўзгартиришга зарурат ва эҳтиёжнинг туғилиши, натижада, ер қазиш ишларида жараёнида ер ости сувлари экологиясининг бузилишидир. Иккинчидан, кутиладиган салбий оқибатларга жуда

кўплаб сондаги куёш панелларининг ерга сояси туфайли, унумдор ер катламларида кузатиладиган ўзгаришларни ҳам киритиш мумкин. Учинчидан, куёш панелларидан ўтувчи куёш нурланиши ушбу ҳудудда ҳароратнинг сезиларли кўтарилиши оқибатида иссиқлик баланси, ҳаво намлигининг ўзгаришига олиб келади. Айрим ҳолларда ҳудуд ҳароратининг бундай ўзгариши концентраторларнинг қизиб ишдан чиқиши, ёнғин келтириб чиқаришига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Фотоэлектрик станцияларнинг айримларида секин қайновчи суюқликларнинг узоқ вақт давомида ишлатилиши ичимлик суви экологиясига салбий таъсир ўтказади, хроматлар ва нитритлар эса юқори токсик хусусиятга эга эканлиги билан экологияга катта салбий таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда гелиотехника атроф муҳит ва экологияга билвосита таъсир кўрсатади.

Ўтган аср 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида кўплаб мамлакатлар ҚТЭМ ларини ривожлантиришга қаратилган, ҳукумат томонидан молиялаштириладиган дастурларни қабул қила бошладилар. Молиявий ёрдам турли йўллар ва форматларда кўрсатилди, шунинг учун ҳукуматлар турли хил қўллаб-қувватлаш усулларининг самарадорлигини назорат қилиш тизимини яратдилар. Талаблардан бири Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан белгиланган ҚТЭМ ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш даражаси стандарти эди. Аммо белгиланган ва қабул қилинган миллий кўрсаткичларга эришиш учун Европа Иттифоқининг умумий қоидалари андоза бўла олмайди. ҚТЭМ фойдаланишни рағбатлантиришнинг муҳим воситалари орасида "яшил" сертификатлаш тизимини келтириш мумкин. "Яшил" сертификатлаш тизими мамлакатда ишлатиладиган ёқилғининг таркиби ва турлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаштириш ва тасдиқлашга асосланган ва электр энергиясининг келиб чиқиши, ҳаракати ҳақидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлайди. Бундан ташқари, ушбу сертификатлар товарларни маркалаш учун ҳам ишлатилади. "Яшил" сертификатлар ҚТЭМ ларини рағбатлантириш учун ҳам қўлланилади, чунки уларнинг асосида давлат ҚТЭМ ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва етказиб берувчиларга субсидиялар, имтиёзлар ва бошқа турдаги молиявий ёрдам беради. Корпорацияларнинг ихтиёрий мажбуриятларини ишлаб чиқиш учун ҚТЭМ лари учун гаров сертификатлари қўлланилади, улар компаниялар нафақат давлат, балки бошқа баъзи компаниялар томонидан ҳам экологик ва ижтимоий мажбуриятларини бажарганлигини текшириш учун ишлатилади. ҚТЭМ ларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг яна бир муҳим механизми - бу дунёнинг 65 дан ортиқ мамлакатларида жорий қилинган «яшил тариф» дир. «Яшил тариф» - бу қайта

тикланадиган энергия технологияларига инвестицияларни жалб қилиш учун мўлжалланган иқтисодий механизмдир. Қўллаб-қувватлаш чоралари доирасида ушбу мезонларга жавоб берадиган энергия етказиб берувчилар: тармоққа уланиш кафолати, ҚТЭМ ларидан энергияни сотиб олиш бўйича узоқ муддатли шартнома, ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш кафолатини шз зиммасига олиши лозим. Уланиш ставкалари нафақат турли хил ҚТЭМ лари учун, балки ҚТЭМ ларининг ўрнатилган қувватига қараб ҳам фарқ қилиши мумкин. Қоида тариқасида, ҳосил қилинган электр энергияси учун қўшимча ҳақ ва лойиҳа инвестициялар қайтишини таъминлаш ҳамда фойда қилиш, етарлича узоқ вақт (10-25 йил) учун тўланади. Кўпгина ҳолларда, ушбу ёндашув ҚТЭМ ларидан электр энергиясини сотиб олиш янада фойдали бўлишига олиб келади. ҚТЭМ ларидан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ салбий омилларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистонда экологик тоза ҚТЭМ лари улушини ошириш учун бир қатор иқтисодий рағбатлантириш механизмларини, шу жумладан, «яшил» сертификатлаш тизимларини, «яшил» тарифларни, бонусли тарифларни (тарифдаги тариф, грантлар ва субсидиялар, солиқ имтиёзлари) жорий этиш мақсадга мувофиқдир).

Ўзбекистонда атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҚТ ва муқобил ЭМ ларининг мавжудлиги туфайли яқин келажакда энергиянинг бу турларидан фойдаланишга қизиқиш ортиши табиий. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг кўпайиши ялпи ички маҳсулот ва аҳоли сонининг ўсиши шароитида қазилма ёқилғи ва энергия манбаларига бўлган талабни камайтиришга ёрдам беради, мамлакатимизнинг импорт қилинадиган энергия ташувчиларга қарамлигини камайтиради, иқтисодиётнинг янги тармоқлари учун энергия манбаларини етказиб беришга имкон беради ва шунингдек, атмосферага CO₂ ва бошқа зарарли модда ва чиқиндиларни ташлашни камайтиради, натижада энергетиканинг иқлим ўзгаришларига таъсири юмшатилади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. С.О. Саидов, Н.Х.қ. Каримова. Перспективы использования возобновляемых источников энергии в Узбекистане. Тафаккур ва талқин мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тўплами. Иқтидорли талабалар, магистрантлар, таянч докторантлар ва докторантларнинг илмий мақолалар тўплами. 2021 й. Бухоро давлат университети. 99-102 б.

2. С.О. Саидов, Н.Х.қ. Каримова. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг айрим долзарб масалалари. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САММИТИ. 2022 й. 22-февраль. Тошкент. Танланган мақолалар

тўплами. https://t.me/ITS_in_UZBEKISTAN.

3. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М., Составление программного обеспечения, алгоритм и расчет математической модели применения свойств солнечного опреснителя к точкам заправки топливом.// Молодой ученый, (2018) С 50-53.

4. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М. Изучение принципа работы устройстванасосного гелио-водоопреснителя.//Международный научный журнал «Молодой ученый», 26 (2018) С 48-49.

КИЧИК ГИБРИД ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

*т.ф.д., проф Р.Алиев, 23-ИДУМ ўқитувчиси Н.М.Миркомилова,
доктаранти О.О.Миркомиллов (АндМИ)*

Электр энергиясига бўлган талабнинг ортиши сабабли уни олиш, етказиб бериш ва тежаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан энергия тежамкорлигини ошириш, экологик қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланиш атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатувчи ёқилғилардан фойдаланишга барҳам бериб, табиатни, инсониятни ва ўсимлик дунёсини соғлом бўлишига катта имкониятлар яратиб беради[1].

Республикамизда аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориши, турли ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайиши билан бир қаторда электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Аҳолини электр энергияси билан етарли даражада узлуксиз таъминлаш учун қурилган эски ИЭС, ГЭС ларнинг қуввати етарли даражада бўлмаганлиги, уларга техник хизмат кўрсатишда йўл қўйилган камчиликлар туфайли уларни ишдан чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Юқоридаги салбий ҳолатлар истеъмолчилар томонидан ҳар хил турдаги электр токини ишлаб чиқарувчи кичик қурилмалардан фойдаланишни талаб қилмоқда ва зарурат юзасидан улардан фойдаланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда электр токини ишлаб чиқарувчи бундай кичик қурилмалар Республикамиз бозорларига чет (Хитой, Германия, Россия)дан кириб келган бўлиб, уларда ёқилғи сифатида бензин ва дизель ёқилғисидан фойдаланилади. Булардан ташқари электр токи олиш учун қуёш панеллари ҳам кириб келган, улар ҳам истеъмолчилар орасида маълум даражада фойдаланиб келинмоқда.

Аҳоли томонидан қўлланиб келинаётган кичик электр станциялар асосан бензин ёки дизель ёқилғисида ишлаб, улар электр линияларида узилишлар содир

бўлган пайтларда, электр линиялари тортилмаган айрим узоқ хуудларда, чорвачилик ва парандачилик фермалари, дам олиш масканларида истеъмолчиларни электр токи билан маълум даражада вақтинчалик таъминлаш учун қўлланилиб келинмоқда. Улар атроф муҳитга ёқилғини ёнишидан ҳосил бўлган захарли газларни чиқариб, экологияга зарар етказди. Шунинг билан бир қаторда, бу турдаги электр токини ишлаб чиқарувчи кичик қурилмалар истеъмолчиларнинг бюджетига ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан гибрид шаклдаги (Кичик ГЭС ва қуёш панелларини бирлаштирган ҳолда) кичик электр ишлаб чиқарувчи қурилмалардан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади [2].



1-расм. Кичик ГЭС ва қуёш панелларини бирлаштирилган схемаси.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қурилмаларни ишлатиш ва уларни ўрнига қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиб электр токи ишлаб чиқарувчи кичик гибрид электр станцияларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, ҳисоблаш ишларини бажаришда ҳозирги кунда мавжуд бўлган, қуввати бир-бирига яқин бўлган бензин, дизел ёқилғисиди ишлайдиган ва қуёш панеллари ҳамда сув оқимидан фойдаланиб электр энергияси ишлаб чиқарувчи қурилмаларнинг техник тавсифлари (1 жадвал) интернет материаллари асосида ҳисобланди[4].

1-жадвал

Нархлар 2022 йил март ойи ҳолатига олинган

№	Элек тр станциялар нинг турлари	Мах сулот нархи USD/сўм	К ичик станция нинг қуввати (кВт)	Ёқилғи сарфи (литр)		Йи ллик ёқилғи нархи, (сўм)	Йи ллик энергия миқдори, (кВт)
				Кунл ик	Йилл ик		
.	Дизе ль электр станцияси	980/ 11123000 сум	7	.7	990	71 910000	32 900

Бенз ин элект станцияси	1050 / 11917000 сум	5	7.	.6	1 5840	10 2960000	33 000
Гибр ид электр станцияси	6200 / 70370000 сум		7				84 9240

Юқорида келтирилган жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кичик гибрид электр станцияда ишлаб чиқарилган электр энергияси ёқилғи электр станцияларига нисбатан 24-25 мартагача кўпроқ бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари кичик гидро электр станциялари сутка давомида 24 соат давомида ишлаш имкониятига эга, электр токи ишлаб чиқариш учун ёқилғи талаб қилмайди, атроф мухитни ифлослантормайди. Қуёш панеллари ҳам экологик тоза бўлиб, атроф мухитга салбий таъсир кўрсатмайди, бироқ ишлаш вақти чегараланган яъни улардан қуёш чиққан пайтларда фойдаланилади[3].

Юқорида келтирилганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1.Бензин ва дизель ёқилғисидан ишлайдиган кичик электр токи ишлаб чиқарувчи қурилмалар атроф мухитга зарарли газларни чиқариши билан бир қаторда, юқори миқдорда харажат қилишни талаб қилади.

2.Гибрид электр станциялар ёрдамида электр токи ишлаб чиқариш экологик жиҳатдан тоза, ёқилғида ишлайдиган қурилмаларга нисбатан электр энергиясини ишлаб чиқариш 24-25 баробар кўп бўлиши билан бир қаторда уларни тўхтовсиз ишлатиш имконияти мавжуд.

Шундай экан, гибрид электр станциялар ёрдамида электр токи ишлаб чиқариш объектив заруратдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 26 майдаги “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори.

2.D.D. Alijanov, I.M. Boltaboyev. (2020). Development of automated analytical systems for physical and chemical parameters of petroleum products. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 631-635.

3.Saitov, E.B. Fotoelektrik batareyalar va qurilmalar texnologiyalari o'quv qo'llanma - Toshkent: Tafakkur nashriyoti, 2020.

4.<https://pikabu.ru/> , <https://ecotechnica.com.ua/>.

КОРРОЗИЕСТОЙКИЕ ЭЛЕКТРОДЫ ДЛЯ ВАНАДИЕВЫХ ПРОТОЧНЫХ АККУМУЛЯТОРОВ

*Ш.Ч. Искандаров, Х.Б. Ашуров, Т.К. Турдалиев, У.Ф. Бердиев,
Ш.Ф.Хазратов (Институт ионно-плазменных и лазерных технологий имени У.А.
Арифова)*

Основным недостатком возобновляемых источников энергии, таких как солнечные фотоэлектрические станции, ветреные электрогенераторы, является неравномерность их энергетических показателей [1]. По мере интеграции солнечных фотоэлектрических станций и других альтернативных источников электрической энергии, актуальной становится проблема создания долговечных и доступных электрохимических систем хранения энергии. Одним из перспективных направлений в этой области является аккумуляторы редокс типа, работа которых основана на одновременно протекающих в электролитах окислительные-восстановительных процессах [2]. В рисунке 1 приведена схема такой системы.




Рисунок 1 Схема работы редокс-аккумулятора

Принцип работы его заключается в редукционной полу реакции идущей на одном электроде которая извлекает электроны и ионы из одного электролита, и полу реакции окисления, которая на другом электроде рекомбинирует их в другой электролит. В самом простом варианте ячейка редокс аккумулятора состоит из протон обменной мембраны, изоляционно-герметизирующей прокладки и электродов (Рисунок 2). Электроды обычно выполняются в виде биполярных пластин с каналами для протекания электролитов. Основной проблемой электрода является то, что во время процесса подзарядки-разрядки происходит взаимодействия его поверхности с химически агрессивным электролитом, который из себя представляет сильно кислотный раствор.

Из-за химической агрессивности электролитов, в роли электродов возможно использование ограниченного количества материалов. Например, электроды можно изготовить из графита, как обычно и принято делать такого рода

конструкциях, но графит очень хрупок и процесс изволения трудоемок, к тому же за счет плохой проводимости увеличиваются потери, и кто муже сам графит тоже подвержен электрохимической эрозии. Одним из вариантов улучшения как коррозиестойкости, так и электрических параметров, это изготовление многослойных электролитов. Например, корпус биполярной пластины изготавливается из дешевого и легкообрабатываемого материала на рабочую поверхность которого, наносится сначала слой меди вакуумно-дуговым методом, который выполняет роль токоотвода, сверх медного покрытия таким же способом наносится слой графита, затем наносится слой карбид хрома, который обеспечит коррозиестойкость.




Рисунок 2 Мембранно-электродный блок вид 3D формате

ЛИТЕРАТУРА

[1] Kh. B. Ashurov, Sh.Ch. Iskandarov, T.K. Turdaliev et.all “Solving the problem of energy storage for solar photovoltaic plants (review)”, Applied Solar Energy Vol. 55 No.2 2019. 119-125 p doi: 10.3103/S0003701X19020038

[2] T.Shigematsu, “Redox flow batteries for energy storage”, SEI Technical Review 2011, 73:4–13.

КЎП ПОҒОНАЛИ ҚУЁШ СУВ ЧУЧИТГИЧИДАГИ ИССИҚЛИК АЛМАШИНИШ ЖАРАЁНЛАРНИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

катта илмий ходим К.А.Самиев (ФТИ), доц.О.С.Комилов(БухМТИ), катта ўқит.М.С.Мирзаев(БухДУ).

Сув ер юзидаги мавжуд бўлган асосий элементлардан бири бўлиб, у ер юзининг тўртдан уч қисмини қамраб олади. Аммо ердаги сувнинг аксарият қисми океанларда шўр сув шаклида топилган. Бу сувлар ичиш учун ишлатилмайди ва шу билан бирга экинларни етиштириш учун ёки кўплаб саноат мақсадларида ишлатишга яроқсиз. Ишлатишга яроқли бўлган сувлар дарёлар, кўллар, сув ҳавзалари ва ер ости сувларида мавжуд. Мавжуд бўлган сув захиралари

жойлашган ҳудудлар, ер юзидаги инсонларни кундалик эҳтиёжига нисбатан мутаносиб тақсимланмаган. Бу эса ўз-ўзидан ичимлик суви муаммосни келтириб чиқоради. Ичимлик суви муаммосини ҳал этишни арзон ва оддий усули сифатида қуёш сув чучитгич қурилмаларидан самарали фойдаланишдир [1,2].

Ичимлик суви муаммосини қуёш энергиясидан фойдаланиб ҳал қилиш ўтган асрнинг 50- йилларидан ўзининг янги ривожланиш босқичига ўтганини кузатиш мумкин. Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Физика-Қуёш” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Физика-техника институти, ҳозирги Бухоро давлат университети ва Қарши давлат университетларида илмий мактаблар томонидан назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказилган. Натижада, қуёш сув чучитгич қурилмаларининг кўплаб вариантлари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган[3,4,5].

Қуёш сув чучитгичида содир бўладиган иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини математик моделлаштириш, кўп поғонали қуёш сув чучитгич қурилмасининг лаборатория маделидан фойдаланиб, ҳар бир элемент учун алоҳида иссиқлик баланси тенгламаларини ёзамиз:

шаффоф сирт (шиша) учун иссиқлик баланси тенгламаси


$$\alpha_n q_{nad} + q_{pe} + q_{ke} + q_{ue} = q_{pn} + q_{kn}, \quad (1)$$

қурилма ичидаги сув учун иссиқлик баланси тенгламаси

$$cm \frac{dT_s}{dt} = (\tau\alpha)_{\text{эфф1}} F_s q_{nad} + q_{de} - (q_{pe} + q_{ke} + q_{ue}) - q_{\sigma}, \quad (2)$$

қурилма асоси учун иссиқлик баланси тенгламаси

$$(\tau\alpha)_{\text{эфф2}} q_{nad} = q_{de} + q_{do}. \quad (3)$$



1-расм. Қуёш сув чучитгич қурилмасининг лаборатория мадели
(1)-(3) тенгламаларда келтирилган иссиқлик оқимлари зичлиги учун қуйидаги тенгламалар ўринлидир:

сувдан шаффоф сирт (шиша)га нурланиш йўли билан узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{p\epsilon} = h_{p\epsilon}(T_{\epsilon} - T_n), \quad (4)$$

судан шаффоф сирт (шиша)га конвекция йўли билан узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{к\epsilon} = h_{к\epsilon}(T_{\epsilon} - T_n), \quad (5)$$

судан шаффоф сирт (шиша)га буғланиш йўли билан узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{u\epsilon} = h_{u\epsilon}(T_{\epsilon} - T_n) \quad (6)$$

шаффоф сирт(шиша) дан атропога нурланиш йўли билан узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{pn} = h_{pn}(T_n - T_o), \quad (7)$$

шаффоф сирт(шиша) дан атропога конвекция йўли билан узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{kn} = h_k(T_n - T_o), \quad (8)$$

судан атропога ён деворлар орқали узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{\delta} = U_{\delta}(T_{\epsilon} - T_o), \quad (9)$$

қурилма асосидан сувга конвекция йўли билан узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{\delta\epsilon} = h_{\delta\epsilon}(T_{\delta} - T_{\epsilon}), \quad (10)$$

қурилма асосидан атропога узатиладиган иссиқлик миқдори

$$q_{\delta o} = U_{\delta o}(T_{\delta} - T_o). \quad (11)$$

(1) тенгламани T_n га нисбатан ечиб қуйидагига эга бўламиз

$$T_n = \frac{(h_{p\epsilon} + h_{к\epsilon} + h_{u\epsilon})T_{\epsilon} + h_{pn}T_n + h_k T_o + \alpha_n q_{na\delta}}{h_{p\epsilon} + h_{к\epsilon} + h_{u\epsilon} + h_{pn} + h_k}. \quad (12)$$

(3) дан қурилма асоси температураси қуйидагича аниқланади

$$T_{\delta} = \frac{h_{\delta\epsilon}T_{\epsilon} + U_{\delta o}T_o + (\tau\alpha)_{\text{эфф}} q_{na\delta}}{h_{\delta\epsilon} + U_{\delta o}}. \quad (13)$$

(2) тенгламани қуйидаги кўринишга келтирамиз ва ҳосил бўлган тенгламани Лаплас алмаштиришлари орқали ечамиз

$$\frac{dT_{\epsilon}}{dt} + aT_{\epsilon} = F, \quad T_{\epsilon} = \frac{F}{a}[1 - \exp(-at)] + T_{\epsilon o} \exp(-at), \quad (14)$$

бунда, $a = (cm)^{-1}[(h_{\delta\epsilon} + h_{p\epsilon} + h_{к\epsilon} + h_{u\epsilon})F_{\delta} + U_{\delta}F_{\delta}]$,

$$F = (cm)^{-1}[(\tau\alpha)_{\text{эфф}}F_{\delta}q_{na\delta} + F_{\delta}h_{\delta\epsilon}T_{\delta} + (h_{p\epsilon} + h_{к\epsilon} + h_{u\epsilon})F_{\epsilon}T_{\epsilon} + U_{\delta}F_{\delta}T_o].$$

(12), (13) ва (14) тенгламаларни биргаликда ечишда кетма-кет яқинлашиш усулидан фойдаланиб, қурилма элементлари температураларининг кунлик

ўзгаришини аниқлаймиз.

(12)-(14) алоҳида иссиқлик баланси тенгламалари учун қуйидаги ифодалар ўринлидир, сув ва шаффоф қатлам орасидаги конвекция йўли билан иссиқлик алмашилиш коэффициенти

$$h_{кв} = 0.884 \left[(T_g - T_n) + (T_g + 273) \frac{P_g - P_n}{268.9 \cdot 10^3 - P_g} \right]^{1/3}, \quad (15)$$

$$P_g = \exp\left(25.317 - \frac{5144}{T_g + 273}\right), \quad P_n = \exp\left(25.317 - \frac{5144}{T_n + 273}\right), \quad (16)$$

сув ва шаффоф қатлам орасидаги нурланиш йўли билан иссиқлик алмашилиш коэффициенти

$$h_{пв} = \varepsilon_{эфф} \sigma \left[(T_g + 273)^2 + (T_n + 273)^2 \right] (T_g + T_n + 546) \quad (16) \quad \varepsilon_{эфф} = \left(\frac{1}{\varepsilon_n} + \frac{1}{\varepsilon_g} - 1 \right)^{-1}, \quad (17)$$

сув ва шаффоф қатлам орасидаги буғланиш йўли билан иссиқлик алмашилиш коэффициенти

$$h_{ув} = 16.273 \cdot 10^{-3} h_{кв} \frac{P_g - P_n}{T_g - T_n}. \quad (18)$$

Буғланиш натижасида содир бўлган конденсат массасининг соатлик миқдори

$$M_{ув} = \frac{q_{ув}}{L} \times 3600 = h_{ув} \frac{T_g - T_n}{L} \times 3600. \quad (19)$$

Шаффоф қатлам ва атропоф орасидаги нурланиш йўли билан иссиқлик алмашилув коэффициенти

$$h_{пн} = \frac{\varepsilon_n \sigma (T_n^4 - T_n^4)}{T_n - T_o}, \quad (20)$$

бунда, атропофнинг радиацион температураси

$$T_n = T_o [0.711 + 0.0056 T_{mp} + 0.000073 T_{mp}^2 + 0.013 \cos(15t)]^{1/4} \quad (22)$$

Шаффоф қатлам ва атропоф орасида конвекция йўли билан иссиқлик алмашилиш коэффициенти

$$h_k = 2.8 + 3.0 \cdot V. \quad (23)$$

Сувдан атропофга ён деворлар орқали иссиқлик узатиш коэффициенти

$$U_{\delta} = \left(\frac{\delta_{\delta}}{\lambda_{\delta}} + \frac{1}{h_k} \right)^{-1}. \quad (24)$$

Асосдан атропофга иссиқлик узатиш коэффициенти

$$U_{\delta\delta} = \left(\frac{\delta_{\delta}}{\lambda_{\delta}} + \frac{1}{h_{ен}} + \frac{1}{h_k} \right)^{-1}. \quad (25)$$

Кўп поғонали қуёш сув чуқитгич қурилмасининг лаборатория маделини ҳар

бир элементи учун алоҳида иссиқлик баланси тенгламалари, иссиқлик алмашилиш коэффициенти, иссиқлик узатиш коэффициенти ҳисоблаб чиқилди.

Адабиётлар

1. G.N. Tiwari, Vimal Dimri and Arvind Chel, “Parametric study of an active and passive solar distillation system: Energy and exergy analysis”, 2008. Center for Energy Studies, Indian Institute of Technology Delhi, Hauz Khas, New Delhi-110016, India

2. Abu-Hijleh B, Mousa H. Water film cooling over the glass cover of a solar still including evaporation effect. Energy 1997;2:43–8.

3. Авезов Р.Р., Ахатов Ж.С. Коэффициент использования тепла солнечных водоопреснительных установок с многоступенчатыми испарительно-конденсационными камерами // Гелиотехника. 2007. № 2. С. 3-7.

4. Авезов Р.Р., Клычев Ш.И., Ахатов Ж.С. Расчетно – экспериментальное исследование теплотехнических характеристик многоступенчатой испарительно-конденсационной камеры солнечной опреснительной установки // Гелиотехника. 2005. №3. С. 30-34.

5. Ахатов Ж.С., Самиев К.А., Мирзаев М.С., А.Э.Ибраимов А.Э. Исследование теплотехнических характеристик солнечной комбинированной опреснительно-сушильной установки // Гелиотехника. 2018. № 1. С.20 -29.

ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИНИ ЎЗИНИ ЎЗИ ДРЕНАЖ ҚИЛИШИДА ВЕНТУРИ ҚУВУРИ БИЛАН, ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ВА ИШОНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

т.ф.д проф. Ю.К.Рашидов, Доктарант Ш.Ш.Қаршиев (ТАКИ)

Қуёш коллекторлари ўзини-ўзи дренаж қиладиган ҳам қишки ва ёзги мавсумларда циркуляция насоси тўхтаганда Вентури қувурини қуёш иссиқлик таъминоти тизимларида, тўлиқ дренаж бўлиши туфайли энергия сарфини тежаб қуёш коллекторларининг бузилишдан ҳимояси таъминланади. Ёқилғи ресурслари чекланганлиги захираларининг камайиб, таннархининг ошиб бориши ва энергетик қурилмалар органик ёқилғида ишлаганда вужудга келаётган экология муаммолари табиий тежамкор ресурсларидан бири ҳисобланган қайта тикланадиган қуёш энергия манбаларидан фойдаланишнинг аҳамияти салмоқли бўлиб, бугунги куннинг долзарб, ечимини кутаётган вазифаси ҳисобланади. Республикамизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан қуёш энергиясидан фойдаланиш юқори самара беради.[1].Қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги энг фойдали

йўналишлардан бири бу биноларни қуёш билан иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларидир. Бироқ бу тизимлар республикада кенг қўламда татбиқ қилинмаяпти. Қуёш энергиясидан биноларни иситиш мақсадида фойдаланиш масштабини кенгайтмаслигига сабаб, асосан амалда фойдаланилаётган манбалар тизимига солиштирганда геотизим қурилиши учун кетадиган капитал сарфларнинг юқорилигидир.[2].

Ўзини-ўзи дренаж қилувчи гелиоконтурлар иситиш тизимларида қуёш коллекторларини қиш пайтида музлашдан ҳимоя қилиш учун амалиётда жуда кенг қўлланилмоқда. Дунёнинг бир қатор етакчи компаниялари ўзини- ўзи дренаж қиладиган гелиоқурилмаларининг алоҳида қисмларини ҳамда яхлит комплект блокларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бундай қурилмалар техник ечимларининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар иссиқлик ташувчисини циркуляция қилишга катта миқдорда электр энергиясини сарф этади. Бунинг сабаби гелиоконтурдаги иссиқлик ташувчисининг айланиши оқим узулиши билан содир бўлади ва насос қуёш коллекторлари ҳамда дренаж баки орасидаги баландликка тенг бўлган масофага хар доим сувни кўтаради.Ўзини-ўзи дренаж қилувчи гелиоқурилмаларнинг самарадорлигини ошириш учун бир қатор ихтиролар ишлаб чиқилган. Улар орасида гелиоконтурда оқим узулишини унга маҳаллий қаршилик киритиш билан олдини оладиган техник ечимлардан фойдаланиш илмий ва амалий нуқтаий назардан қизиқарлидир. Маҳаллий қаршилик сифатида Вентури қувуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки унда босим йўқолишини минимал қийматларга келтириш мумкин.

Гелиоконтурларда иссиқлик ташувчиларнинг сарфи кичик бўлгани сабабли Вентури қувурининг кенг ва торайган қисмлари диаметрларининг нисбати ўзини-ўзи сувдан бўшатувчи гелиоқурилмаларда катта бўлади, одатда 2 дан 5 гача, шунинг учун бундай чегаралардаги Вентури қувурининг маҳаллий қаршилик коэффициентларининг қийматларини аниқлаш зарур.

Вентури қувури мавжуд ўзини-ўзи дренаж қилувчи гелиоконтур энергетик самарадорлигини аниқлаш учун Вентури қувури мавжуд бўлган ўзини-ўзи дренаж қилувчи гелиоконтурнинг энергетик самарадорлиги оддий ўзини-ўзи дренаж қиладиган, иссиқлик ташувчисининг айланиши оқим узилиши билан амалга ошириладиган ҳамда Вентури қувури мавжуд бўлган гелиоконтурлардаги насосларнинг ишлаши учун сарфланадиган энергиясининг нисбий тежалишига кўра баҳоланади, яъни:

$$\Delta \bar{\mathcal{E}}_B = \frac{\mathcal{E}_0 - \mathcal{E}_B}{\mathcal{E}_0} = 1 - \frac{G \Delta p_{Нас}^B n}{\rho \eta_{Нас}} \bigg/ \frac{G \Delta p_{Нас}^0 n}{\rho \eta_{Нас}} = 1 - \frac{\Delta p_{Нас}^B}{\Delta p_{Нас}^0} \quad (1.0)$$

бу ерда $\bar{\mathcal{E}}_0, \bar{\mathcal{E}}_B$ – оддий ўзини-ўзи дренаж қиладиган ва Вентури қузури мавжуд бўлган гелиоконтурлардаги насосларнинг ишлашига сарфланадиган энергия миқдорлари, Вт/ч/йил; $\Delta p_{Нас}^0, \Delta p_{Нас}^B$ – оддий ўзини-ўзи дренаж қиладиган ҳамда Вентури қузури мавжуд бўлган гелиоконтурлардаги насослар томонидан ҳосил қиладиган босимлар фарқи, Па; n – бир йилда насосларнинг ишлаш соати; $\eta_{Нас}$ – насос қурилмасининг ФИК[3].


$$\frac{D}{d} = \sqrt[4]{1 + \frac{2gH}{W_2^{*2}}} \quad (1.1)$$

Вентури қузури диаметри D/d нинг иссиқлик билан таъминлаш тизими қувурларидаги иссиқлик ташувчиси ҳаракатининг рухсат этилган тезликларидаги ўзини-ўзи дренаж қиладиган гелиоконтур геометрик баландлиги H нисбатига боғлиқлик графиги $W^*= 1; 1,5$ м/с (1,1) формула бўйича қурилган ва 1-расмда келтирилган. Вентури қузури мавжуд бўлган ўзини-ўзи дренаж қиладиган гелиоконтурда насос ўтказгичидаги энергия нисбий тежалиши формуласини оламиз:

Қуёш воситасида иситиш иссиқлик ташувчининг кам сарфлари билан тавсифланади, бунинг натижасида гелиоконтурда қўлланиладиган кам ҳажмли торайтирувчи мослама учун санаб ўтилган талаблар бажарилишининг имкони йўқ. Бундан ташқари, сув сўрилиши жадаллигини ва тайёрлаш технологиклигини ошириш учун мослама мос равишда ўзгартирилиши лозим.

$$\Delta \bar{\mathcal{E}}_B = \frac{\left(\frac{D}{d}\right)^4 \left(\frac{\alpha_1}{\alpha_2} - \frac{1}{\alpha_2} \zeta_B\right) - 1}{\frac{\alpha_1}{\alpha_2} \left(\frac{D}{d}\right)^4 + \frac{1}{\alpha_2} \zeta_{prg}} \quad (1.2)$$

Шу сабабли, гелиоконтур учун кичик ҳажмли торайтирувчи мосламани ҳисоблашда Вентури стандарт соплоси гидродинамик тавсифларидан уларни аниқлаштирмасдан фойдаланишнинг имконияти йўқ.



1-расм. Вентури қувири диаметрининг иссиқлик билан таъминлаш тизими қувурларидаги иссиқлик ташувчиси ҳаракатининг рухсат этилган тезликларидаги ўзини-ўзи дренаж қиладиган гелиоконтур геометрик баландлиги нисбатига боғлиқлик графиги.

Б.И.Яньшин томонидан турли шаклдаги конфузур-диффузур ўтказгичлардаги босим йўқотилишини аниқлаш бўйича кенг тадқиқотлар ўтказилган. Унинг маълумотларига кўра, конуссимон бурчакли тўғри чизиқли диффузори $\alpha_{\varnothing} = 7 \div 10$ мавжуд бўлган Вентури қувири энг кичи қаршиликка эга, радиуси бўйича конфузур $\alpha_k = 30 \div 40^\circ$, ёки бирикиш бурчакли тўғри чизиқли конфузур $R_k = 0,5 \div 1,5d$, бунда: $\alpha_{\varnothing} = 7^\circ$ ва $\alpha_k = 30^\circ$ ёки $R_k = 0,5 \div 1,5d$ ли ўтказгичлар оқилонга бўлиб ҳисобланади[4].

Вентури қувири мавжуд бўлган ўзини-ўзи дренаж қилувчи гелиоконтур энергетик самарадорлиги назарий йўл билан аниқланди.

Вентури қувири диаметрининг иссиқлик билан таъминлаш тизими қувурларидаги иссиқлик ташувчиси ҳаракатининг рухсат этилган тезликларидаги ўзини-ўзи дренаж қиладиган гелиоконтур геометрик баландлигига боғлиқлик нисбати аниқланди.

Вентури қувири жойлашган жойини ўзини-ўзи дренаж қиладиган гелиоконтурни гидродинамик тавсифларига таъсири баҳоланди. Вентури қувиридаги босим йўқотилиши, уларнинг оқилонга шакллари ва маҳаллий қаршилик коэффициентлари аниқланди. Ўзини-ўзи дренаж қилувчи гелиоконтурларидаги Вентури қувирининг геометрик ўлчамлари ва гидродинамик кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари таҳлил қилинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Рашидов Ю.К., Каршиев Ш.Ш. Разработка способов защиты самодренлируемых гелиоустановок от гидравлических ударов при пуске и остановке циркуляционных насосов. //2019 yilning 29-30 mart. Farg'ona politexnika institutida “Muxandislik kommunikatsiyalari loyihalash, qurish va foydalanishda

innovatsion texnologiyalar” mavzusidagi, Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjumani. 69-72 bet.

2. Қаршиев Ш.Ш. Энергия тежамкор инновацион яратилган лаборатория стендини куёш иссиқлик таъминоти тизимларида синаб кўриш усуллари // Архитектура, курилиш ва дизайн илмий-амалий журнали. – Ташкент: ТАҚИ, 2021. – №3, 190-194 бет

3. Рашидов Ю.К., Каршиев Ш.Ш., Исмоилов М.М. Повышение эффективности плоских солнечных коллекторов в системах теплоснабжения путём оптимизации их режимных параметров. //Международная научно-практическая конференция «Экологическая, промышленная и энергетическая безопасность–2019», Севастополь 23-26 сентября 2019 года, стр.1366-1371.

4. Рашидов Ю.К., Каршиев Ш.Ш.Самодренируемые гелиоустановки особенности защиты от гидравлических ударов при пуске и остановке циркуляционных насосов. //Международная научно-практическая конференция «Экологическая, промышленная и энергетическая безопасность–2019», Севастополь 23-26 сентября 2019 года, стр.1383-1387.

ҚУЁШ ЭНЕРГЕТИКАСИ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС БЎГИНИ

доц. Т.Мамажанов, доц.в.б. С.Р.Нурманов (ТАКИ)

Қуёш энергетикаси - ноанъанавий энергетикани йўналиши бўлиб, турли кўринишдаги энергияни олиш учун тўғридан-тўғри куёш нуридан фойдаланишга асосланган. Қуёш энергетикасида битмас-туганмас энергия манбаидан фойдаланилади ва экологик тоза ҳисобланади, яъни атроф- муҳитни ифлослантирувчи чиқиндилар чиқармайди. Қуёш электростанциялари томонидан энергияни ишлаб чиқариш, тақсимланган энергия ишлаб чиқариш конценцияси билан яхши мутаносиблашади [1].


Қуёш электростанциялари куёш радиациясини электр энергиясига айлантириб бериш учун хизмат кўрсатувчи муҳандислик иншооти ҳисобланади. Қуёш радиациясини электр энергиясига айлантириб бериш усуллари турлича бўлиб, у электростанциянинг конструкциясига боғлиқ бўлади.

Замонавий куёш электростанцияларининг ишлаш принципи. Замонавий куёш электростанцияларининг ишлаш принципи (ЗҚЭ) ойна ёрдамида қайтариш орқали концентрацияланган куёш нурларини қабул қилгичда йиғишга асосланган. Қабул қилгич куёш энергиясини йиғади ва уни иссиқлик энергиясига айлантиради. Йиғилган иссиқлик энергиясидан, электр энергиясини ишлаб

чиқарувчи электр генераторини ҳаракатга келтирувчи буғ турбинасида фойдаланиш мумкин [2].

Жаҳонда анча вақтдан бери қуёш энергиясидан электр энергиясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Олимларнинг ҳозирги кундаги асосий вазифаси, бу бор технологияларни мукамаллаштириб имкони борича усқунани фойдали иш коэффициентини (ФИК) оширишдан иборатдир [3].

Қуёш энергиясидан электр энергиясини ишлаб чиқариш бугунги кунда аксарият давлатлар учун жуда долзарб мавзудир. Кичик қуёш станциялари электр энергияси билан турар жой биноларини, корхоналарни, жамоат биноларини таъминлаш билан бир қаторда ер ости бойликларини сақлаб қолиш имконини яратади.



Расм 1. Қуёш электростанциясининг принципиал схемаси

Катта қувватга эга қуёш энергетик тизимлари беҳисоб миқдорда электр энергияси ишлаб чиқариши имкониятига эга бўлиб, дунё миқёсида электроэнергетик соҳани ривожлантирилишига ўз ҳиссасини қўша олади

Шунингдек фотоэлектрик элементлардан фойдаланилган ҳолда ҳам қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш мумкин.

Олимлар орасида қуёш элементлари деб аталадиган фотоэлектрик элементлар, ярим ўтказгичли материаллардан тайёрланган жиҳозлар бўлиб электр энергиясини ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. Фотоэлектрик элементлар турли ўлчамларга, ҳажмга ва шаклга эга бўлади. Аксарият ҳолларда улар ўз аро йиғилиб фотоэлектрик модулар яратилади. Фотоэлектрик модулардан эса фотоэлектрик

батареялар йиғилади.

Фотоэлектрик (PV) элементлар, фотомодулла ва жиҳозлар қуёш нурини электр энергиясига айлантиради.

Ёруғлик нурини электр энергиясига айлантирувчи жиҳозлар ва фотоэлектрик материаллар машҳур француз физиги Эдмон Беккерель томонидан 1839 йил ихтиро қилинган [4].

Беккерель қаттиқ материалдан фойдаланган ҳолда, қуёш нуридан электр токини олиш жараёнини кашф қилди.

Аммо олимлар бу жараённи тушуниши ва фотоэлектрик ёки фотогальваник эффект маълум бир материалларгина ёруғлик энергиясини электр энергиясига айлантириш қобилияти борлигини тўла қонли билиши учун ярим асрдан ортиқроқ вақт талаб қилинди [4].

Бугунги кунда фотоэлектрик тизимлар кунлик турмуш тарзимизни ажралмас бир қисми бўлиб қолди. Мини қуёш электростанциялари кичик асбоб ускуналар, калькуляторлар, соатлар ёки қўл телефонлари учун зарядлаш ускуналарини электр энергияси билан таъминлашда кенг қўлланилмоқда. Мураккаброқ тизимлардан эса ер йўлдошлари орқали алоқа, сув насослари, ташқи ёритиш тизимларида ва маиший жиҳозларни электр энергияси билан таъминлашда қўлланилиб келмоқда. Шунингдек кўпгина йўллар ва йўл белгилари ҳам фотоэлектрик элементлар ёки модулла ёрдамида ишламоқда.

Ўзбекистондаги илк «Навоий Нур» қуёш электр станцияси 268 гектар ер майдонда 292 мингта қуёш панелига эга бўлиб, 600дан ортиқ инвертер ва 1000 км.дан ортиқ турли кабелларлардан ташкил топган 110 млн долларлик объект, режа бўйича 2022 йилнинг 3-чорагида фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Қуввати 100 МВт бўлган электр станцияси ўртача 31 минг оиланинг электр энергиясига бўлган талабини қондира олади. Станцияда ишлаб чиқарилган электр энергия республиканинг барча ҳудудларини ўзаро боғловчи юқори кучланишли тармоқларга уланади [5].

Фотоэлектр станциясининг ишга туширилиши натижасида йилига 260 млн кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ҳамда 79 млн м³ табиий газ иқтисод қилинишига эришилади [5].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mills, D. Boom-time for renewable energy in Europe // Solar Progress. – 2000. – Vol. 21, № 2. – P. 14.
2. «Перспективы развития возобновляемой энергетики в Узбекистане» Журнал ПРООН. 2007 г.
3. Дж. Твайделл, А. Уэйр «Возобновляемые источники энергии» М.

Энергоатомиздат 1990 г.

4. <http://www.gigavat.com/>

5. <http://www.lex.uz/>

СУВ ОМБОРЛАРИНИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯНИ ЎРНИ

доц. Г.А.Бекмамадова (ТАКИ)

Кириш. Сув омборлар ресурсларидан муқобил энергия мақсадида ГЭС ларда фойдаланиш ҳозирги вақтда кенг қўлланиб келинмоқда. Сув хўжалиги тизими – бу одамларнинг сувдаги иқтисодий, ижтимоий, ва экологик эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда ишлайдиган табиий ва сунъий равишда яратилган сув ҳавзалари ва муҳандислик иншоотларининг географик мажмуасидир.

2019 – 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комплекс дастури тасдиқланди. Комплекс дастурга мувофиқ, 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари улуши электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидан 25 фоизгача етказилади.

Сув хўжалигини асосий муаммолари (сув сифатининг ёмонлашуви; сувдан нооқилона фойдаланиш жараёнларини чуқурлашуви; сув олиш иншоотларининг қониқарсиз техник ҳолати; инвестицион фаоллигининг пастлиги) турли соҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини камайтиради.

Ўзбекистонда аҳоли сони ўсиб, иқтисодий фаоллиги кенгая борган сари сув таъминоти инқироз муаммосига айланган ҳудудлар сони ортиб боради.

Ижтимоий-иқтисодий комплексни сув билан таъминлаш муаммоси асосан дарё оқимини тартибга солиш ва ҳовузлараро қайта тақсимлаш, ҳамда сув захираларини тўплаш (сақлаш) ва дарё оқимини тартибга солиш учун сунъий сув ҳовузи бўлган сув омборлар ресурслари орқали ҳал этилади.

Дарё оқимини тартибга солиш дарёлардан оқилона фойдаланишнинг зарурий шарти бўлиб, сув фойдаланувчилар талабларига мувофиқ вақт ўтиши билан табиий оқим ҳажмини қайта тақсимлаб сув омборлари орқали амалга оширилади. [1]

Сув омборлар орқали дарё оқимини тартибга солиш бу сувдан фойдаланиш ва сув сарфи учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Масалан, 1.1-расмда кўрсатилган сув омборлар сув кўп ёки тошқин

ходисалари вақтида дарё оқимининг кескин кўпайиши оқибатида сув тошқинларининг олдини олиш учун ҳам қўлланилади.



1.1-расм. Ўрта Осиёда сув омборларини жойлашиш схемаси

Сув омборлари икки турга бўлинади: ўзанли ва қўйилмали. Қўйилмали туридаги сув омборлари учун сув ресурсларнинг ҳосил бўлиши физик хоссалари билан ўзанли сув омбор хоссаларидан анча фарқ қилади. Аксарият сув омборлари АҚШга қурилган бўлиб, сунъий сув омборлари сони 5000 дан ошади, улардан 700 дан кўпи жуда катта ҳажмга эга. Ривожланаётган мамлакатларга келсак, сув омборлари сони кам бўлса-да, у ортиб бормоқда. Сув омборлар сув юзаси майдони, ҳажми, узунлиги, кенглиги ва чуқурлиги каби параметрлар билан бири-бирдан фарқ қилади. Улар конфигурация, тартибга солиш характери, термик (иссиқлик) режими, техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва бошқалар билан ҳам фарқланади. Иншоот (тўғон) билан ўзанни тўсиш натижасида ҳосил қилган сув омборлар дарё водийларда энг кенг тарқалган. Дарё водийсини сув оқимини тусувчи иншоотдан (тўғон) юқори сув тўлдириш натижасида сув сатҳи ошади ва турли мақсадларда янада фойдаланиш учун сувнинг катта захиралари тўпланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув юзаси энг катта сув омборлари бу Чимкўрғон, Каттакўрғон, Қуюмозор, Тудакўл, Ҳисорак, Тўполанг каби сув омборларни киритишимиз мумкин. Сув омборлари узунлиги катта сув омборлари учун бир неча юз километрдан, кичик сув омборлари учун бир неча километргача ўзгариб туради. Кенглиги бир неча ўн километрдан, баъзи тор жойларда 3-5 км гача, баъзан эса ундан камроқ бўлиши мумкин. Сув омборларининг чуқурлигига ҳам кенг ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ўртача чуқурлик 2 дан 90 м гача бўлиши мумкин, лекин одатда кўп ҳолларда чуқурлиги 10 м дан кам бўлган жойлар камдан-кам ҳолларда учрайди. Сув омборларидан нафақат дарё сувларни тартибга солиш, гидроэлектр станциялар қуриш орқали электр энергия ҳосил қилиш учун, балки ичимлик ва саноат сув таъминоти учун ҳам фойдаланиш истиқболли ҳисобланади.

Сув омборларида сув ҳавзаларини ичидаги жараёнлари таъсирида сувнинг

ранги ва оксидланувчанлиги камайиб, сув омборларида сув алмашинуви жадаллигига тескари пропорционал бўлади. [2]

Сув оқимининг ўзгаришига қараганда сув омборларида кўпроқ даражада оксидланувчанлик ва сув рангини йил мобайнида ўзгарувчанлиги нисбатан сиқин равишда содир бўлади. Бу ҳолат сув омборларидаги сув аралашув жараёнини секинроқ бўлишига қараганда аҳамиятлидир. Сув омборларида ёзда органик моддалар балансидаги асосий улуш органик моддаларнинг транзит хусусияти билан боғлиқ. Ушбу жараён органик моддалар балансининг кириш қисмидаги моддалар ва сувни пастки чўқиндилардан органик моддаларни аралашиб кетишига олиб келади.

Авакян А.Б. томонидан сув омборларини қўйидаги энг муҳим хусусиятларга ажратилган. [1]

1. Сув омборлари инсонлар томонидан яратилган ва бошқариладиган объектлардир, лекин айни пайтда уларга табиий омиллар энг кўчли таъсирини ҳам ўтказидади. Шу сабабли сув омборлар “табиий” ва “техник” қурилмалар ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди, бошқача қилиб айтганда, улар табиий – техник омиллар таъсирида ҳосил бўлади.

2. Сув омборларининг атроф-муҳитга таъсири жуда муҳим ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

3. Сув омборлар сув хавзаларида учрайдиган гидрофизик, гидрохимёвий ва гидробиологик деб аталадиган махсус жараёнлар тизими билан тавсифланади.

4. Сув омборлар - иқтисодиётнинг турли тармоқлари томонидан энг тўлиқ фойдаланиладиган ва айрим ҳудудлар сув хўжалиги мажмуасининг энг характерли хусусиятларини ташкил этадиган сув объектларидир.

5. Сув омборлар уларинг сув режимини белгиловчи гидрометеорологик жараёнларнинг ўзгарувчанлиги, иқтисодиётнинг табиий муҳитга таъсирининг тез ўзгариши, сув омборлари ишлаш режимида (турли сабабларга кўра) ўзгариши туфайли ривожланишининг ўта юқори динамикаси билан ажралиб туради.

Ф.Э. Рубинованинг таъкидлашича сув омборларини ўрганиш доирасида сув омбори ҳосил бўлиш манбаи бўлган Марказий Осиёдаги дарёлар оқими бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилган.

Биринчи босқичда суғориладиган майдонларни кенгайтириш билан боғлиқ оқим сарфларининг ортиши буғланиш бўйича самарасиз йўқотишларнинг камайиши билан қопланади ва қўйи қисми оралиғидаги дарё оқими деярли ўзгармайди.

Иккинчи босқичда мошлаштирувчи омилларнинг таъсири ҳали катта, дарёларнинг йиллик оқими ўзгармайди, бироқ йил ичида ва оқим бўйлаб

сезиларли даражада қайта тақсимланиши кузатилади.

Учинчи босқичда антропоген таъсир кескин ортади, компенсацияловчи омиллар таъсири деярли сезилмайди ва дарё оқими вақт ўтиши билан ва оқим бўйлаб камаяди.

Ф.Э. Рубинова, И.А. Шикломанов, В.А. Духовный ва бошқалар томонидан таъкидланганидек, Марказий Осиё дарё оқимида таъсир қиладиган барча комплекс чора-тадбирлардан асосийси бу суғориш, худуд ерларининг сув ўтказувчанлик хусусияти билан, ҳамда оқимни сув омборлари билан тартибга солишга боғлиқ тадқиқотлар олиб борилган.

Шу билан биргаликда дарё ўзанларида шакллантирилган ва ирригация мақсадларида шакллантирилиб ҳозирги кунда комплекс: ирригация, энергетика ва саноат ишлаб чиқаришини сув таъминоти мақсадларида фойдаланилаётган сув омборларидан ичимлик суви манбасига айлантириш муаммоси мавжуд. Айниқса ушбу муаммо арид иқлим шароити бўлган яъний қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши суғорма деҳқончиликга асосланган Ўзбекистон Республикаси шароитида сув омборлари сувларини ичимлик суви манбасига айлантириш ўта мураккаб ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларни республикамиз миқёсида ҳал қилинса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.[3]

Фойдаланилган адабиётлар.

[1] . Авакян А.Б., Салтанкин В.П., Шарапов В.А.: Водохранилища.-М.: Мысль, 1987, 325 стр.

[2] .Бекмамадова Г.А., Садиев У.А. Ўзбекистон худудида жойлашган сув омборларидан оқилон фойдаланишнинг аҳамияти. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали №4 Тошкент 2020 йил, 42-43 бет.

[3]. Бекмамадова Г.А. Экономика строительного комплексам и городского хозяйства материалъ международной научно-практической конференции МИНСК 3-6 декабрь БНТУ 2019 г. 20-25ст.Вопросы рационального использования водохранилищ, эксплуатируемых в ирригационном и энергическом режимах.

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИ ҚУРИШДА ГЭС ЎРНИ (Тўполанг сув омбори мисолида)

Доцент Г.А. Бекмамадова (ТАКИ)

Кириш. Ичимлик сув таъминоти тизимларида сув олиш иншоотлари танлаш ва лойиҳалаш вақтида сув омборларининг меъёрий ишлаши ва ГЭС қуриш аҳолини сув билан барқарор таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Сув олиш

иншооти (ёки сув олиш тугуни) хўжалик ёки ичимлик мақсадларида кейинчалик фойдаланиш мақсадида, манбадан сув олиш учун гидротехник қурилма ҳисобланади. [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил Сурхандарё вилоятига ташрифи давомидаги 30-сон йиғилиш баёнининг 1-бандида “Тўполанг сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича тегишли қарор лойиҳасини бажариш бўйича топшириқ берилди. Ушбу қарорни ижро этиш мақсадида дастлабки ҳисоб-китобларга асосан умумий қиймати 138,1 млн. доллар маблағ эвазига қуввати суткасига 200 минг м³ бўлган “Тўполанг” сув тозалаш иншоотини қуриш, диаметри 426-1420 мм бўлган 361 км ўзи оқувчи магистрал ичимлик сув қувурини қуриш ишларини 2021-2024 йилларда амалга оширилиши белгиланган.

Тўполанг сув омбори қурилиши 1982 йил бошланган сув омбори сув ҳажмининг 500 млн м³ га тенг.

Вилоятнинг Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Бандихон, Шеробод, Музработ, Қизирик, Жарқўрғон, Термиз ва Ангор туманлари ҳамда Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи 1,7 млн. нафар аҳоли узлуксиз марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланишига эришиш белгиланган.

Тўполанг сув омбори - Сурхондарё вилоятида 329 минг гектар суғориладиган ер майдони бўлиб, ушбу майдоннинг 112,9 минг гектари Тўполанг сув омборидан чиқаётган сув билан суғорилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги № ПП-311 Фармойиши асосида Тўполанг сув омборини қурилиши 120 млн м³ ҳажмда вақтинча тўхтатилган. Вазирлар Маҳамасининг 31.05.2010 йилдаги йиғилиш қарори асосида тўғонни 3 м га кўтариш, катта ГЭС сув ўтказиш туннелини очиш ва санитар қурилиш иншоотини ишга тушириш топшириқлари берилган.

Лойиҳа бўйича сув омбори тўғони баландлиги 185 м бўлиб, ҳозирда тўғон қурилиши ишлари 70 % га бажарилган ва тўғон баландлиги 122 м га етказилган.

Тўполанг сув омбори сув ҳажмининг 500 млн м³ га етказишнинг муҳим аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- ҳозирги шароитдаги сув омборини хавфли вазиятдан чиқаради ва қўшимча 350 млн. м³ сув йиғиш имкониятини беради;

- Шеробод, Қизирик, Музробод туманларига 30-35 м³/сек сувнинг ўзи оқиб боришига ва натижада Шеробод насос станцияси, Бандихон 1-2 ва Дўстлик насос станцияларини ишлатмаслик имкониятига эришилади, катта миқдорда электр энергиясини иқтисод қилинади;

- Тоҷикистон Республикасидан келадиган Қоратоғ дарёсининг суви камайган даврларда Сарносиё ва Узун туманлари ҳамда Жанубий Сурхон сув омборига қўшимча 90,0 млн. м³ сув етказиб бериш имкониятини беради;

- катта 175 Мвтли ГЭС ни ишлатиш имкониятини бериб, сув таннархини пасайтиради;

- баҳор ва ёзги сел тошқини даврида тоғдан келадиган 300 м³/сек ортик бўлган сел оқимини ушлаб, уни нормал ҳолатда чиқаради, бу эса Тўполанг дарёсига яқин ҳудудларда сел хавфи содир бўлишининг олдини олади;

- кузги-қишги мавсумда қишлоқ ва халқ хўжалиги истеъмолига керак бўлган 250-300 млн м³ миқдорида сув таъминлаш имкониятини беради ва яна бир нечта кичик ГЭС қуриш имкониятини яратади.

Сув ўтказиш тармоғи - 886 метр масофали ушбу тармоқда, сув кириш (водоприемник), сув чиқариш, кичик ГЭС сув қабул қилиш, КРЗ ва санитар-қурилиш иншоотлари жойлашган.

Сув омбор ресурсларидан ичимлик хўжалик ва ГЭС қуришда сув олиш иншоотини ишончли ишлаши учун қуйидаги категорияларга бўлинади.

Сув олиш иншоотининг ишлаши бўйича:

- кичик (1 м³/с дан кам);
- ўрта (1 дан 6 м³/с гача);
- катта (6 м³/с дан ортик) қуввати;

Истеъмолчиларга сувни етказиб бериш бўйича сув олиш иншоотларининг ишончлилик тоифалари 1-жадвалга келтирилган.

1—жадвал

Истеъмолчиларга сувни етказиб бериш бўйича сув олиш иншоотларининг ишончлилик тоифалари

Сув олиш категорияси	Сувни етказиб бериш зарурли режимини таснифи	Таъминланганлиги %		
		Сувни минимал истеъмоли	Манбада сувни тахминий даражаси	
			Максимал	Минимал
I	3 кун ичида хисобий сув истеъмолидан 30 % га камайтиришга рўхсат берилади. Сув таъминотидаги	95	1	97

	тўхтатилишига 10 дақиқагача рўхсат берилади.			
II	10 кун ичида хисобий сув истеъмолидан 30 % га камайтиришга рўхсат берилади. Сув таъминотидаги тўхтатилишига 6-соатгача рўхсат берилади.	90	3	95
II I	Сувни етказиб бериш истеъмолини пасайтириш 15-кундан ошмаслик керак. Сув таъминотидаги тўхтатилишига 24-соатдан ошмаслиги керак.	85	5	90

Эслатма. 50 мингдан ортиқ аҳоли бўлган аҳоли пунктларини ичимлик суви ва саноат суви билан таъминлаш тизимлари I тоифага кириши керак; 5 дан 50 минггача - II тоифага; 5 мингдан кам одам - III тоифага киритилиши лозим

Асосий тузилмалар тартиби бўйича:

- комбинацияланган (улар битта иншоотда бирлаштиради, масалан, I кўтарув насос станцияси билан биргаликдаги жойлашиши) ва алоҳида (иншоотлар мажмуаси) тузулмалар.

турғун турига кўра: стационар тузилмалар ва стационар бўлмаган, одатда вақтинчалик (фуникуляр, сузувчи ва бошқалар.).

Бошқа гидротехник иншоотлари билан тартибга солиш турига кўра: сув омбори устидаги тўғон ёки портлар билан бирга боғланган сув қабул қилиш иншоот турларига бўлиниши мумкин. [2].

Бундай иншоотлар сув оқимини иншоотга етказишни таъминловчи ёрдамчи (кўшимча) иншоотларнинг мавжудлиги бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

- Таъминлаш каналлари ва сув қабул қилиш ковушлари бўлган сув олиш иншоотлари.

Табиий манбадан сув олишга мўлжалланган сув олиш иншоотлари, ҳудудда сув истеъмолининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда маълум миқдорда сув таъминоти ҳамда унинг талаб қилинадиган сифатини кафолатлаши керак. [3].

Хулоса. Ичимлик сув таъминоти тизимлари ва иншоотлари мавжуд 6 та сув ўзатиш иншооти ва 47,6 км сув тармоғини реконструкция қилиш ҳамда 4 дона сув иншооти ва 115,7 км сув тармоғи қуриш ҳамда Термиз шаҳридаги 37 та маҳалла

фуқаролар йиғини истиқомат қилувчи 182 900 нафар аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида мавжуд 56 км сув тармоғини реконструкция қилиш ҳамда янгидан 207 км сув тармоғи қуриш ишларини амалга ошириш лозим бўлади.

Натижада вилоят аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 59,6 фоиздан 84,1 фоизгача оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

[1]. Скрыльников В.А., Кеберле С.И., Белесков Б.И. (1987). Повышение эффективности эксплуатации водохранилищ. Ташкент: Издательство «Мехнат», 244 с.

[2]. Бекмамадова Г.А. Экономика строительного комплексам и городского хозяйства материалъ международной научно-практической конференции МИНСК 3-6 декабрь БНТУ 2019 г. 20-25ст.Вопросы рационального использования водохранилищ, эксплуатируемых в ирригационном и энергическом режимах.

[3.Бекмамадова Г.А., Садиев У.А. Ўзбекистон худудида жойлашган сув омборларидан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали №4 Тошкент 2020 йил, 42-43 бет.

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Доцент Г.А. Бекмамадова (ТАКИ)

Кириш.Сув олиш иншоотлари сув омборларининг меъёрий ишлаши ва аҳолини сув билан барқарор таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Сув олиш иншооти (ёки сув олиш тугуни) хўжалик ёки ичимлик мақсадларида кейинчалик фойдаланиш мақсадида, манбадан сув олиш учун гидротехник қурилма ҳисобланади. Сув олиш ер усти манбаларидан: дарёлар, кўллар, сув омборлардан; шунингдек ер ости манбаларидан: кудуқлар ва булоқлардан амалга оширилиши мумкин.

Сув олиш иншоотлари қуйидаги мезонларга кўра таснифланади:

Мақсади бўйича:

- хўжалик-маиший ёки саноат сув таъминоти учун;

Манба тури бўйича:

- дарё;

- денгиз;

- сув омборлари;

- кўллар ва бошқа манбалардаги ва бунга кўра янада кичик бўлинмаларга

ажратилади (масалан, денгизда портнинг атрофида сув қабул қилиш иншоотлари);

Сув олиш иншоотининг ишлаши бўйича:

- кичик (1 м³/с дан кам);
- ўрта (1 дан 6 м³/с гача);
- катта (6 м³/с дан ортиқ) қуввати;

Истеъмолчиларга сувни етказиб бериш бўйича сув олиш иншоотларининг ишончлилиқ тоифалари 1-жадвалга келтирилган.

1–жадвал

Истеъмолчиларга сувни етказиб бериш бўйича сув олиш иншоотларининг ишончлилиқ тоифалари

Сув олиш категори яси	Сувни етказиб бериш зарурли режимини таснифи	Таъминланганлиги %		
		Сувни минимал истеъмо ли	Манбада сувни тахминий даражаси	
			Макси мал	Минимал
I	3 кун ичида ҳисобий сув истеъмолидан 30 % га камайтиришга рўхсат берилади. Сув таъминотидаги тўхтатилишига 10 дақиқагача рўхсат берилади.	95	1	97
II	10 кун ичида ҳисобий сув истеъмолидан 30 % га камайтиришга рўхсат берилади. Сув таъминотидаги тўхтатилишига 6-соатгача рўхсат берилади.	90	3	95
III	Сувни етказиб бериш истеъмолини пасайтириш 15-кундан ошмаслик керак. Сув таъминотидаги тўхтатилишига 24-соатдан ошмаслиги керак.	5	90	

Эслатма. 50 мингдан ортиқ аҳоли бўлган аҳоли пунктларини ичимлик суви

ва саноат суви билан таъминлаш тизимлари I тоифага кириши керак; 5 дан 50 минггача - II тоифага; 5 мингдан кам одам - III тоифага киритилиши лозим

Асосий тузилмалар тартиби бўйича:

- комбинацияланган (улар битта иншоотда бирлаштиради, масалан, I кўтарув насос станцияси билан биргаликдаги жойлашиши) ва алоҳида (иншоотлар мажмуаси) тузилмалар.

турғун турига кўра: стационар тузилмалар ва стационар бўлмаган, одатда вақтинчалик (фуникуляр, сузувчи ва бошқалар.).

Бошқа гидротехник тузилмалар билан тартибга солиш турига кўра: сув омбори устидаги тўғон билан ёки портлар ва бошқалар билан бирга боғланган сув қабул қилиш иншоотлари. [1].

Сув оқимини сув олиш сув иншоотга етказишни таъминловчи ёрдамчи (кўшимча) иншоотларнинг мавжудлиги бўйича:

- Таъминлаш каналлари ва сув қабул қилиш ковушлари бўлган сув олиш иншоотлари.

Табиий манбадан сув олишга мўлжалланган сув олиш иншоотлари, худудда сув истеъмолининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда маълум миқдорда сув таъминоти ҳамда унинг талаб қилинадиган сифатини кафолатлаши керак.

Хўжалик-ичимлик эҳтиёжлари учун сув олиш иншоотлари, санитария муҳофаза зоналарини ташкил қилиш мумкин бўлган табиий манбанинг ўша жойларида жойлашган бўлиши керак. Сув олиш иншоотларини чиқинди сувлар чиқариб юбориладиган, кемалар ва қайиқлар тўхташ пунктлари ёки транспорт ва товар омборлари жойлашган жойларга ўрнатилмаслиги лозим.

Сув олиш иншоотининг тури сув таъминоти манбасининг гидрогеологик ва гидрологик хусусиятлари билан белгиланади. [2].

Сув олиш иншоотларининг турини танлаш қуйидаги маҳаллий омиллар мажмуасига боғлиқ:

- сув олиш шароитлари; сув таъминоти ишончилиги талаблари;
- сув манбаининг умумий сув таркиби;
- сув олиш миқдорлари ва сув сифати талаблари;
- морфологик, геологик ва бошқа маҳаллий экологик шароитлар;
- қурилиш ва эксплуатацион шароитлар.

Сув қабул қилиш иншоотининг жойи сув олиш мақсадига ва сув таъминлаш манбаига қараб танланади, аммо барча шароитларда у қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- сувнинг миқдори ва сифати сув фойдаланувчи талабларга жавоб бериши керак;

- сув олиш иншооти сув олиш манбаининг маиший ва саноат оқова сувлари билан ифлосланиш имкониятини истисно этувчи ва қулай санитария шароитларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланувчига иложи борича яқин жойлашган бўлиши керак;

- сув қабул қилиш иншоотининг танланган жойи ичимлик суви таъминоти учун санитария муҳофазаси зоналарини яратиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда сув олиш учун энг тежамли ва ишончли техник ечимга жавоб бериши керак;

- топографик, геологик, гидрогеологик ва гидрологик шароитлар лойиҳалаш даврида белгиланган иншоотларни қуриш ва ишлатиш учун мақбул бўлиши керак;

- сув олиш тартиби ҳудуддаги бошқа барча сув ишлатишлар билан мувофиқлаштирилиши керак (кемалар катнови, суғориш, балиқчилик ва бошқалар.).

Сув олиш иншоотларининг қурилмаси манбадаги сув режимининг бузилишига олиб келмаслиги керак. Шу билан биргаликда сув манбаида сув фойдаланувчилар учун маълум бир босимда ва узлуксиз миқдорда ва сифатда сув билан таъминланиши зарур. [3].

Сув ҳавзасининг санитария муҳофаза зонаси, шу жумладан сув таъминоти каналининг биринчи зонаси чегаралари белгиланиши керак:

- юқори оқим учун - сув олиш иншоотидан камида 200 м масофада;
- қуйи оқим учун - сув олиш иншоотидан камида 100 м масофада;
- ёзги-кузги қурғоқчилик мавсумида сув кесиш чизигидан камида 100 м масофада сув олиш туташган қирғоқда.

Қарама-қарши қирғоқ томон йўналишида сув оқими санитария муҳофаза зонасининг биринчи камарининг чегаралари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- ёз-куз қуруқ мавсумида бутун сув майдони ва қарама-қарши қирғоқ сув четидан 50 м кенгликда ва сув оқимининг кенглиги 100 м дан кам;
- кенглиги камида 100 м бўлган сув оқими кенглиги камида 100м бўлган сув майдони.

Сув оқимининг санитария муҳофаза зонасининг иккинчи камарининг чегаралари қуйидагича белгиланиши керак:

- дарёнинг юқори қисмида, жумладан ирмоқларда, сув оқимининг кенглиги ва узунлиги бўйича ёки унинг алоҳида участкалари бўйича ўртача сув оқими тезлигига асосланиб, сувнинг камар чегарасидан сув олиш иншоотгача ўртача ойли оқими 95 % бўлган сув оқими вақти камида 5 кунни ташкил қилиши керак;
- қуйи оқим - сув олиш иншоотидан камида 250 м масофада;

- текис рельеф учун четдаги чегараларга – ёз-куз фаслида сувнинг четидан камида 500 м масофада;

Сув оқимининг санитария муҳофазаси зонасининг учинчи камарининг чегаралари сув оқимининг юқори ва куйи кисмида иккинчи камар билан бир хил бўлиши керак. Санитария муҳофазаси зонасининг ён чегаралари сув ҳавзалари бўйлаб, ирмоқлар билан бирга, 3-5 км оралиғида ўрнатилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар.

[1]. Скрыльников В.А., Кеберле С.И., Белесков Б.И. (1987). Повышение эффективности эксплуатации водохранилищ. Ташкент: Издательство «Мехнат», 244 с.

[2]. Бекмамадова Г.А. Экономика строительного комплексам и городского хозяйства материалъ международной научно-практической конференции МИНСК 3-6 декабрь БНТУ 2019 г. 20-25ст. Вопросы рационального использования водохранилищ, эксплуатируемых в ирригационном и энергическом режимах.

[3] .Бекмамадова Г.А., Садиев У.А. Ўзбекистон худудида жойлашган сув омборларидан оқилон фойдаланишнинг аҳамияти. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали №4 Тошкент 2020 йил, 42-43 бет.

МАХАЛЛИЙ “КАЛАНХОЭ” ГУЛИНИ АВЖЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИК УСУЛНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

*PhD. Д.Юсупов, магистр. Н.Акрамов, асс Г.Эргашев,
асс.Р.Юлдашев(НамМҚИ)*

Ҳозирги кунда барча соҳаларда бўлгани каби гулчиликда ҳам бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улар гулларни соғлом ҳолатда парваришлаш ҳисобланади. Махаллий гулларни парваришлаш жараёнидаги касалликлар турлича кўринишда бўлиб, асосан гулнинг илдиз тизимида, баргларида ҳамда тупроқ таркибларини мос келмаслиги билан келиб чиқади. Шу жумладан замбуруғ (грибок), шира, зарарли оқ пашша, серая гниль (Ботритис), мучнистая роса, ржавчина, питнистность (Антракноз), паутиный клещь ва бошқалар. Ҳозирги кунда, замбуруғга, ва бошка касалликларга қарши препарат, яъни фунгицид, фитоспорин, спорагин, фундазол, берилиб муаммони бартараф этиб келиняпти.

Бундай касалликларни олдини олиш ва даволашда кимёвий ишловлардан холи бўлган экологик соф электротехнологик усулда “тупроқ-уруғ-ўсимлик” ларга тизимли ишлов беришда электротехнологик жараёнларни энг мақбул таъсирларини аниқлаш бўйича Наманган мухандислик-қурилиш институти Энергетика кафедрасини илмий –тадқиқот лабораториясида тадқиқотлар

ўтказилди. Ультрабинафша нурланиш тирик организмлар таъсирида ўсимлик тўқималарининг юқори қатламларида сўрилади.

Ультрабинафша нурланишининг кичик дозалари гулларга фойдали таъсир кўрсатади - уларда витаминларнинг шаклланишига хисса қўшади, гулларнинг иммунобиологик хусусиятларини яхшилаш. Гул уруғларини, уни экиладиган тупроқ тизимини, кўчатларини ультрабинафша нурланишни ($\lambda = 254$ нм гача ва $\lambda = 280-320$ нм гача бўлган тўлқин узунликларини энг мақбул қийматларини қўллаш билан тупроқдаги жараён илдиз тизими касалланишни барг ва тана қисмдаги хар хил касалликлардан зарарсизлантириб, соғлом гулларни парваришлаш мумкин. Ультрабинафша нурланиш ўсимликларнинг микроорганизмлари ва маданий хужайраларига ҳалокатли ва мутаген таъсир кўрсатади (280-240 нм диапазонидаги ультрабинафша нурланиш энг самарали ҳисобланади)[1, 2]. Ультрабинафша нур билан ишлов берилганда гул билан бирга унинг тупроқ тизимида ҳам унумдорлигида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлади. Нур берилган тупроқ намунасини таҳлил қилинганда Гумус-3,54%, Харакатчан Фосфор-77,1 Мг/кг, Алмашувчан Калий-1000 Мг/кг натижа олинди. Бу натижа нафақат тупроқ унумдорлиги ошганлигини ва шу билан бирга тупроқ таркиби зарарли замбурут ва бактериялардан холи эканлигини билдиради.


Ўтказилган тадқиқотлар “Каланхоэ” гули мисолида ўрганилиб, уларни қуйидаги вариантлар асосида электротехнологик усулда ишловлар берилди ва унинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-Жадвал

№	Вариантлар	аргл ар сони , дона	Ишлов дан сўнги барглар лар сони, дона	Кур таклар сони, дона	Ил дизлар сони, дона	Илд излар уздлиги см
	Назорат	5	17	2	35	2
	УФ(А)-1 минут, баладнлик h- 1м, курук холда	4	20	-	43	3,5
	УФ(А)-1мин, баладнлик h-1м, сув билан	4	20	1	35	2
	УФ(Б)- 2мин, баладнлик h-1м,		20	-	40	4

	курук холда	5				
5	УФ(Б)- 2мин, баладнлик h-1м, сув билан	5	20	4	54	3,5
6	УФ(А)- 1 мин, УФ(Б)- 2мин, баладнлик h-1м, курук холда	5	22	7	65	5
	УФ(А)- 1 мин, УФ(Б)- 2мин, баладнлик h-1м, сув билан	5	20	-	51	4

Илова: УФ(А)-ультрабинафша нур (тўлқин узунлиги 254 нм), УФ(Б)-ультрабинафша нур (тўлқин узунлиги 280-320 нм)



Хулоса

Ўтказилган амалий тадқиқотга хулоса қилиб, гулларда электр таъсирларни мақбул таъсири 5 ва 6 вариантлиги аниқланди. 5-Вариантда УФ(Б)- $\lambda = 280-320$ нм тўлқин узунлигида гул баргларига электр активлашган сув “католит” пуркалган холда 2 минут вақт давомида нур берилди ва назоратга нисбатан гулдаги ўзгаришлар барглари сони 3 тага кўп илдиз қисми назоратга нисбатан яхши ривожланган ва илдизлар сони 19 тага кўп ва 1,5 см га узайганлиги, куртаклар сони назоратга нисбатан 2 тага кўплиги аниқланди. 6-Вариантда эса УФ(Б)- $\lambda=280-320$ нм 2 минут ва УФ(А)- $\lambda = 254$ нм 1 минут вақт давомида курук холда нур берилди ва назоратга нисбатан гулдаги ўзгаришлар барглари сони 4 тага кўп илдиз қисми назоратга нисбатан яхши ривожланган ва илдизлар сони 30 тага кўп ва 3 см га узайганлиги, куртаклар сони назоратга нисбатан 5 тага кўплиги аниқланди. Мазкур олинган натижалар гулларга ишлов берилган кундан 1 ойдан сўнг олинди.

Адабиётлар

1. МУХАММАДИЕВ, А., УРИШЕВ, Г., ДЖАБАРОВ, Н. Г., ТАРУШКИН, В. И., НИЯЗКУЛОВ, А. А., & БУРЛАКОВ, В. Г. (1989). Способ подготовки к посеву семян хлопчатника.
2. Юсупов Д. Р., Беркинов Э. Х. Ультрафиолетовое облучение зерна пшеницы для получения кормовой патоки //Вестник Науки и Творчества. – 2017. – №. 3. – С. 161-166.

МНОГОКРИТЕРИАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ АЛЬТЕРНАТИВНОЙ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКИ УЗБЕКИСТАНА

*проф Р.А. Ситдиқов., доц. Радионов О.В., докторант О.Х. Полвонов,
докторант Х.З. Сиддиқов (ТГТУ)*

Системный анализ позволил выработать научно-обоснованный подход к повышению эффективности электроэнергетики Республики Узбекистан при широком использовании альтернативных и возобновляемых источников энергии (АВИЭ). Анализ зарубежного опыта и проведенных у нас в стране пилотных проектов показал, что наибольшая эффективность достигается использованием многокритериального подхода к принятию решений в сфере электроэнергетических систем (ЭЭС) с АВИЭ. Практически все основные задачи, связанные с моделированием, управлением и эксплуатацией таких ЭЭС и её элементов являются многокритериальными, многофакторными и требуют

использования соответствующих подходов, методов и алгоритмов их решения. Очевидно также, что использование обычных скалярных методов принятия решений по одному критерию малоэффективно, так как при этом недостаточно учитываются или совсем не учитывают многие существенные факторы, в том числе связанные с конструкциями и режимами ЭЭС, с различными видами АВИЭ. Среди них такие факторы, как производительность, срок окупаемости, надежность, качество электроэнергии, влияние на экологию и другие.

Многокритериальные методы и алгоритмы в сочетании с системами искусственного интеллекта в виде экспертных систем (ЭКС) позволяют комплексно и оптимально осуществлять эффективное решение многих задач и процессов, происходящих в ЭЭС с АВИЭ и её элементах, особенно в условиях цифровизации и интеллектуализации электроэнергетики.

Обозначим структуру задач, связанных с повышением энергоэффективности электроэнергетики с АВИЭ, для решения которых целесообразно использование многокритериального подхода (рис.1).




Рис.1. Структура многокритериального подхода к задачам повышения энергоэффективности электроэнергетики с АВИЭ

Анализ и разработка вышеприведенной структуры, комплексно

охватывающей все основные аспекты развития и эксплуатации ЭЭС с АВИЭ, позволяет сделать следующие выводы:

1. Использование многокритериального подхода в качестве одного из современных системных методов позволяет осуществить эффективное развитие электроэнергетики при широком использовании АВИЭ.

2. Многокритериальный подход позволяет разработать агрегированную многоуровневую модель для перехода к цифровой интеллектуальной энергетике, пригодную для применения на различных территориальных, временных и функциональных уровнях ЭЭС с АВИЭ.

3. Многокритериальный подход к повышению энергоэффективности таких ЭЭС позволяет более точно согласовывать выработку, передачу и потребление мощности и энергии различными источниками и потребителями. Таким образом, снижаются общие издержки на производство, передачу и использование электроэнергии при выполнении требований экологии.

4. Многокритериальный подход к повышению эффективности ЭЭС с АВИЭ является детищем технического прогресса, требует координации усилий государства, бизнеса, производителей и потребителей электроэнергии для обеспечения выгоды всем сторонам и участникам процесса.

МОДЕЛИРОВАНИЕ ТЕПЛООБМЕННЫЕ ПРОЦЕССОВ В МЕТАНТЕНКЕ БИОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ УСТАНОВКИ ДЛЯ ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПОЛЬЗОВАНИЯ

О.С.Комилов, О.О.Юлиев, Ж.А.Мажитов (БИТИ)

Введение. В настоящее время в экономически развитых и развивающихся странах ускоренными темпами ведутся разработки по практическому использованию альтернативных источников энергии как важнейшего фактора устойчивого развития и повышения конкурентоспособности экономик в условиях сокращения мировых запасов углеводородного сырья. Биомасса является одним из наиболее распространенных альтернативных источников энергии. [1,2,3,4,5].

В Узбекистане накоплен значительный опыт проведения научных и экспериментальных исследований в области применения альтернативных источников энергии, прежде всего солнечной и биогазовой энергии, по которым разработки проводятся в течение многих десятилетий. Согласно стратегии инновационного развития Республики Узбекистан, к 2025 году предусматривается увеличение доли производства электрической энергии с использованием возобновляемых и альтернативных источников энергии более чем на 25% и одним

из основных направлений в реализации данной задачи, является освоение энергетических альтернативных и возобновляемых ресурсов. [2,5,6,7].

Методика исследования и анализ существующей проблемы.

На сегодняшний день существуют различные методики оценки работы опытных и промышленных установок производства биогаза, совокупности их принципов, методов и процессов, а также средств их реализации. Многими авторами отмечено, что на процесс производства биогаза влияют различные факторы, такие, как потенциал исходного сырья, конструкция биогазовой установки, физико-механические свойства загружаемого органического отхода, периодичность загрузки, внутренние и внешние механизмы для поддержания температуры и влажности и тд. Но кроме этого необходимо отметить важность человеческого фактора в правильности работы процесса выработки биогаза и органических удобрений [6,7].

Пути решения. Изменение структуры сельскохозяйственного производства в связи переходом на рыночные условия обусловило увеличения количество частных дехканских и фермерских хозяйств. При решении вопросов энергообеспечение быта индивидуальные и фермерские хозяйства в отдаленных местностях Узбекистана, не имеющих централизованных электро и газоснабжения, испытывают потребность в привозных топливных материалах [8,9].

Однако при описании конструкций МТ (метантенка-биореактора) и технологии сбраживание биомассы в них не затрагивается вопросы их аналитического описания, а также процесса теплообмена в МТ и с окружающей средой. Так, как процесс нагревания субстрата зависит от многих факторов: термического сопротивления стенок реактора, вида и массы субстрата, его теплофизических свойств, температуры теплоносителей, размеров и конструкции теплообменных аппаратов, режима перемешивания субстрата.

Настоящая работа посвящена разработке математических моделей процессов теплообмена протекающих во время сбраживание субстрата в биогазовых реакторах.

Результаты исследования

Для анализа процессов теплообмена, рассмотрим биогазовой реактор цилиндрической формы. Для поддержания температуры в реакторе в качестве нагревателя используется теплообменник в виде труб, спирально навитых с внутренней стороны реактора, по которому циркулирует горячего теплоноситель (вода). Для минимизации потерь тепла в окружающую среду реактор покрыты слоем изоляции. Также реактор оборудован лопастной мешалкой Рис.1.




Рис.1. Биогазовый реактор с лопастной мешалкой и теплообменником 1.,5-загрузочный и выгрузочный люки ; 2- лопастная мешалка; 3- трубопровод отвода биогаза; 4-утепленный корпус; 5-обратный трубопровод теплоносителя; 6-подающий трубопровод теплоносителя.

Температура среды в биогазовых реакторе есть функция от времени $t_1 = f(\tau)$.

Примем постоянными температуру теплоносителя на подаче t_1^1 , который передает субстрату тепло Q_2 , термическое сопротивление стенки реактора R , площадь теплообменной поверхности нагревателя (теплообменника) F_2 , площадь боковой поверхности реактора F_1 по которой происходят потери тепла Q_1 окружающему среду, объем реактора W .

Переменными величинами являются температура воды t_2^1 на выходе из теплообменника-нагревателя; коэффициент теплопередачи от нагревателя к сбраживаемую биомассе K_2 ,зависит от теплофизических свойств субстрата и теплоносителя, режима отмыывания теплообменной поверхности; внешняя температура $t_{вн}$. Дифференциальное уравнение теплового баланса реактора при нестационарных условиях работы запишем в виде:

$$W \cdot \rho \cdot c_1 \frac{\partial t_1}{\partial \tau} = G_2 \cdot G_2 (t_1^1 - t_2^1) - \frac{F_1}{R} \cdot (t_1 - t_{вн}) \quad (1)$$

где ρ - плотность субстрата; c_2 - теплоемкость теплоносителя; c_1 - теплоемкость субстрата. Теплофизические свойства субстрата найдем согласно уравнениям, приведенным в [6]:

$$\rho = 1000 + 2,4 \cdot s \quad (2)$$

$$c_1 = c_{сух} \cdot s + c_{в} \cdot (1 - s) \quad (3)$$

$$\mu = \mu_B \cdot [1 + 10 \left(\frac{10(c-2)}{11-\beta_u \cdot c} \right) + c] \quad (4)$$

где s - содержание сухих веществ 2 ... 15%;

$C_{\text{сух}}$ - теплоемкость сухого вещества субстрата; C_B - теплоемкость воды; μ_B - вязкость воды при определенной температуре; β_u - коэффициент, зависящий от вида стоков и составляет 0,7 ... 0,75 для крупного рогатого скота.

В связи с не стационарностью процесса переменной также температура обратной воды t_2^1 , значение которой найдем из теплового баланса теплообменного аппарата[7].

$$dQ = G_2 \cdot c_2 (t_1^1 - t_2^1) d\tau = F_2 \cdot K_2 \cdot \Delta t_c \cdot d\tau \quad (5)$$

Средний температурный напор в теплообменнике найдем по известной формуле

Литература

1. Vondra, M., Touš, M., Teng, S.Y. Digestate evaporation treatment in biogas plants: A techno-economic assessment by Monte Carlo, neural networks and decision trees (2019) Journal of Cleaner Production, 238, статья № 117870
2. Tikhonravov V.S. Resource-saving biotechnologies for the production of alternative fuels in animal husbandry // Scientific and Analytical Review - FGBNU Rosinformagrotekh - Moscow, 2011. - 52 p.
3. Nesse, A.S., Sogn, T., Børresen, T., Foereid, B. Peat replacement in horticultural growth media: the adequacy of coir, paper sludge and biogas digestate as growth medium constituents for tomato (*Solanum lycopersicum* L.) and lettuce (*Lactuca sativa* L.) (2019) Acta Agriculturae Scandinavica Section B: Soil and Plant Science, 69 (4), pp. 287-294.
4. Комилов О.С. Шарипов М.З. Тиллоев Л.И. Исследование биогазовой установки с системой солнечного обогрева. Развитие науки и технологий. 2015. №1. с. 76-79.
5. Биркин С.М. Совершенствование технологии и технических средств утилизации навоза крупного рогатого скота. Автореф. дис. ... к-та. наук. Волгоград, 2009. С 20.
6. Сердюк В.Р., Франишена С.Ю. Энергосбережение в строительстве - требование сегодняшнего дня // Вестник ВПИ. - 2009. - № 4. - С. 17- 21 - ISSN 1997-9266.
7. Комплексная государственная программа энергосбережения Украины. Офиц. текст по состоянию на 15.11.2009 [Электронный ресурс]. - Режим доступа:

<http://naer.gov.ua/?p=451> 8. биогаза: Теория и практика / Баадер Б., Дон Э., Брендерфер М.; Пер. с нем. М. И. Серебрянного. - М.: Колос, 1982. - 148 с.

QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYA MANBALARINI IQTSODIYOT TARMOQLARIDA QO'LLASH ISTIQBOLLARI

*PhD, kat.i.x. Kadirov K.Sh. (O'zR FA Energetika muammolari instituti)
Magistrant. Karimqulov S. Y (TDTU)*

Hozirgi shiddat bilan rivojlanib borayotgan davrda nafaqat dunyo miqyosida balkim mamlakatimizda ham elektr energiyasiga bo'lgan talab kun sayin ortib bormoqda. So'ngi yillarda respublikamizda ko'plab sanoat korxonalari, turar joy va noturar joy binolari qad rostlamoqda. Bu o'z o'rnida elektr energiyasiga bo'lgan ehtiyojni yana ortishini anglatadi.

Bugungi kunda respublikada iqtisodiyotni barqaror o'sishini ta'minlashga va aholining faravonlik darajasini oshirishga, yoqilg'i energetika resurslariga bo'lgan talab-ehtiyojni uzluksiz qanoatlantirishga qaratilgan neft-gaz, elektr energetika, ko'mir, kimyo, qurilish industriyasini rivojlantirishning uzoq muddatli strategiyasi amalga oshirilmoqda. Ilg'or xorijiy tajribani inobatga olib, mavjud resurslarni va ishga solinmagan salohiyatni jalb etish orqali energiya samaradorligini oshirish, energiya tejovchi texnologiyalar va qayta tiklanuvchi energiya manbalarini keng joriy etish, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohaning energiya sarfi xajmini keskin kamaytirish borasidagi ishlarni kompleks tashkil etish, shuningdek, yoqilg'i-energetika resurslari oqilona va samarali foydalanish maqsadida qator ishlar olib borilmoqda [1].

Mamlakatimizda, prezidentimiz tashabbuslari bilan ushbu yuqoridagi kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha chora tadbirlar olib borilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 26-maydagi «2017-2021 yillarda qayta tiklanuvchi energetikani yanada rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi» PQ-3012-son misolida ko'rish mumkin [1].

Energetika: energiyaning har xil turlarini hosil qilish, ularni bir turdan ikkinchi turga o'zgartirgan holda, muayyan masofaga uzatish va yetkazib berish, ulardan barcha sohalarda foydalanishni hamda shular bilan bog'liq nazariy va amaliy muammolarni hal qilishni o'z ichiga olgan xalq xo'jaligi, fan va texnika sohasidir [2].

Gidro elektr stansiyalar (GES): Har qanday elektr stansiyasidan yagona ustunlik jihati bor – Gidro elektr stansiyalar qayta tiklanuvchi manba bilan ishlaydi. Masalan, issiqlik elektr stansiyalarining manbasi bir kun kelib tugashi mumkin. Lekin gidro elektr stansiyalarda sarflanayotgan suv tabiiy ravishda har yili qayta to'planadi. Gidrotexnik

jihozlar suvni ma'lum bosimda jo'natib turadi. GESlar jahonda ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasining 63 foizini yetkazib beradi [3]. Bu sohada Xitoy, Kanada va Braziliya yetakchilikni ushlab turibdi. Eng asosiysi esa atrof-muhitga va suvga umuman zarar yetkazmaydi. Hidro elektr stansiyalarning kamchiliklari joylashgan joydagi muxitni (releftni) o'zgartirib yuboradi va yer osti suvlarini ko'tarilishiga sabab bo'ladi.

Shamol elektr stansiyasi: Shamolning katta kuchi xisobiga ekologik toza elektr energiya ishlab chiqarish hozirgi vaqtda katta ahamiyatga ega. Bugungi kunda yurtimizning Buxoro va Navoiy viloyatlarida ikkita shamol elektr stansiyalarining qurilish ishlari boshlab yuborilgan. Loyihaning umumiy qiymati 1 milliard AQSH dollari deb baholanmoqda. 2019 yilning 20-sentyabrida Toshkentda bo'lib o'tgan Markaziy Osiyo energetika investitsion forumi doirasida Energetika vazirligi va Saudiya Arabistonining "ACWA Power" kompaniyasi o'rtasida quvvati 500 MVtdan 1000 MVtgacha bo'lgan shamol elektr stansiyasi qurish bo'yicha kelishuvga erishilgan edi. Mazkur kelishuvga asosan joriy yilning 5-mart kuni Energetika vazirligi va "ACWA Power" (Saudiya Arabistoni) kompaniyasi o'rtasida O'zbekiston Respublikasida umumiy quvvati 500 – 1000 MVt bo'lgan shamol elektr stansiyasini qurish loyahasini amalga oshirish kelishuvi imzolandi [5].

Quyosh elektr stansiyasi: quyosh radiatsiyasi nurini yutib, uning energiyasini issiqlik yoki elektr energiyasiga aylantiruvchi qurilmalar majmuidir. Hozirgi kunda foydalanib kelinayotgan energiya manbalari asosan ko'mir, neft, tabiiy gaz, suv va boshqa tabiiy resurslar hisobiga olinib, katta harajatlar hisobiga ishlab chiqariladi. Shu sababli tiklanadigan energiyadan foydalanishning afzalliklarini ayniqsa quyosh energiyasidan unumli foydalana olish yo'llarini o'rganib chiqish, ularni takomillashtirish va qulay optimal variantlarini hayotga tadbiiq qilish shu kunning talabi hisoblanadi. Quyosh issiqlik qozonlari faqat tabiiy gazni ishlatishni 60 foizgacha kamaytiradi. Bu uskunarlar asosan aholi, xususiy sektor va byudjet tashkilotlari tomonidan foydalanish maqsadlarida ishlab chiqarilib, keng qo'llaniladigan energiya manbalariga nisbatan 50-70 foiz arzoniga tushadi. O'zbekistonda iqtisodiyotning yangi tarmog'i, avvalambor, qayta tiklanadigan energiya manbalarini umumiy salohiyatining qariyb 99 foizini tashkil etadigan quyosh energitikasini keng ko'lamda rivojlantirish uchun, mamlakatimiz tabiatining musaffoligini ta'minlashga qulay asos yaratishi mumkin. Quyosh elektr stansiyalarining asosiy kamchiliklari katta miqdorda joy talab qilishi va uskunalarining hamisha toza turishi [4].

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, xozirgi kunda ishlab chiqarilayotgan ekekr va issiqlik energiyasining deyarli xammasi organik yoqilg'ilar yoqish ya'ni gaz, neft, ko'mir va shunga o'xshashlarni yoqish xisobiga olinmoqda. Ammo bu yer osti boyliklari qayta tiklanmas bo'lib, ularning miqdori chegaralangan. Insoniyat esa yildan yilga

ko'payib bormoqda. Shu bois insoniyat oldida turgan katta muommalardan biri yangi energiya manbalarini topish. Bu ishlar ustida dunyo olimlari bosh qotirishmoqda va ko'plab ijobiy natijalarga erishishmoqda. O'zbekistonda elektr energiyasi hozirda asosan qayta tiklanmaydigan energiya manbalaridan olinadi. Bu esa elektr energiyasini tannarxi qimmat bo'lishiga va tabiiy zaxiralarimizni tugashiga olib keladi. Bu yerning tabiiy zaxirasini kelajak avlodlarga ham qolishi va qolaversa elektr energiya tannarxi arzonlashishiga olib keladi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 22-avgustdagi PQ-4422-son qarori 1,2,3,4,5,6,7-ilovalari. Ziyonet
2. A.U.Alimbayev "Issiqlik elektr ta'minoti va issiqlik tarmoqlari" Toshkent 1997.
3. Q.Q.Dadaboyev (2022). "Issiqlik Elektr stansiyalarida texnik suv isrofini bartaraf etish". 2(1), 41-47. <https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-1-41-47>
4. T.SH.Majidov "Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari"
5. Energetika vazirligi matbuot xizmati. <http://uza.uz/posts/29608>

QISHLOQ XO'JALIGIDA ENERGETIKANING O'RNI VA AHAMIYATI

*Katta o'qit. S.K.Vahobova, talabalar B.N.Umarov(NamMQI),
B.N.Umarova("TIQXMMI" MTU)*

Elektr energiyasiz qishloq xo'jaligi garmonik faoliyat yuritishi mumkin emas. Elektr energiyasi qishloq xo'jaligida elektr mashinalarning elektr yurit-malarida, xonalarni yoritish va isitishda hamda ko'plab texnologik jarayonlarda qo'llaniladi. Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi o'z tabiati bo'yicha uzluksizdir va shu sababli uni oqimga aylantirish imkoniyatlari mavjud. Lekin sanoat bilan qishloq xo'jaligi orasida bir nechta to'g'rilanmaydigan farqlar mavjud. Ular-dan asosiysi shuki, qishloq xo'jaligida asosiy mehnat ob'ekti tirik organizmlar hisoblanadi va ular ishlab chiqarish jarayonlarida o'zlarining hayot funktsiya-larini saqlab qoladilar. Sanoatda esa mehnat predmetini asosan jonsiz ob'ekt-lar tashkil etadi. Shuning uchun sanoatda texnologik jarayonlar asosan kimyo-viy va fizik jarayonlarga va qishloq xo'jaligida esa biologik jarayonlarga asoslanadi. Kimyoviy va fizik jarayonlar biologik jarayonlarga nisbatan oson va yengil rostlanadi. Biologik jarayonlar atrof muhit sharoitiga (yorug'lik, harorat, suv, havo muhitini kimyoviy tuzilishi, namlik va boshqalarga) bog'liq bo'ladi. Shuning uchun qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi tarmog'ini industrial asosga o'tkazish yengil bo'ladi, chunki atrof-muhit sharoitini rostlash kam mehnat talab qilishi bilan bog'liq. Bunday tarmoqlarga chorvachilik,

parranda-chilik, yopiq sharoitda mahsulot yetishtirish, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash va shu kabilar. Liniyali ishlab chiqarishni tashkil etish uchun qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishning progressiv texnologiya-larini va elektrlashtirilgan mashinalarning avtomatik boshqarish tizimlarini ta'minlashni yaratish zarur [1].

Ma'lumki, barcha o'simliklarga asosan yerdan tashqari manbalardan tushadigan umumiy va radiatsion nurlar ta'sir ko'rsatadi. Odatda bunday manba-lar barqaror ishlamaydi, ya'ni yerga tushadigan nur energiyasi vaqt o'tishi bilan o'zgaradi. Shu sababli vaqti-vaqti bilan o'simliklarga ta'sir etadigan nur energiyasi juda kichik qiymatga ega bo'lib qoladi, bunday hollarda yorug'likni ma'lum bir darajada saqlab turish zarurati yuzaga keladi. Bizning planetamizga koinotdan keladigan energiya maxsus chastotali elektromagnit to'lqinlari ko'rinishida, ya'ni radio to'lqinlardan boshlab nurlanishgacha bo'lgan chastotaga ega bo'ladi. Gamma nurlanishlar tabiatan bir xil bo'lsalar ham, chastotasi turlichadir. Tuproqning sathi-dagi o'simliklarga esa barcha chastotadagi radio to'lqinlar o'z ta'sirini ko'rsatadi. Shu sababli o'simliklar genetik jihatdan barcha chastotadagi energiyani o'zlash-tirishga moslashganlar. Biroq, bironta elektromagnit to'lqinlari chastota-sining jadalligi o'zgarsa, bu hol o'simliklarning rivojlanish va hosildorligiga turlicha ta'sir etishi mumkin. O'simliklarning ustki qismi quyosh radiatsiyasining barcha nurlarini o'zlashtirib, rivojlanadi, o'simlik ildizlariga esa quyosh nurlari bevosita tushmaydi, ularga faqat nurlarning infraqizil qismigina yetib boradi.

Yuqoridagi manbalarga tayanib shunday xulosaga kelishimiz mumkinki, ul'trabinafsha nurlari bilan nurlantirish o'simliklarning rivojlanishini jadallashtirish uchun ham va ularni zararkunandalardan himoyalash uchun ham qo'llash mumkin. Har ikkala holda o'simliklarga elektr bilan jonlantirilgan (faol-lashtirilgan) suv hamda ul'trabinafsha nurlar bilan ta'sir ko'rsatiladi. Elektr jonlantirilgan suvni purkash bilan bir vaqtning o'zida nurlatish texnologiyasini amalga oshirish uchun texnik imkoniyatlar bo'lmagan hollarda uni bir vaqtning o'zida qator oralariga ishlov berish bilan o'simliklarni o'g'itlar bilan oziqlantirish paytida amalga oshirish mumkin. Bu holda o'simliklarni ham qator oralariga ishlov berguncha, ham ishlov bergandan so'ng elektr jonlantirilgan suv bilan purkash mumkin. Hozirgi vaqtda ekologik toza texnologik operatsiyalar yaratish hayotiy zaruriyat bo'lib qolmoqda. Bu sohasida elektr energiyasidan foydalanish zararsiz va arzon usuldir [2].

Bugungi kunda qishloq xo'jalik ekinlari maxsuldorligini genetik potentsial darajasi tamom bo'lgan emas. Faqat o'simliklarni genetik potentsial imkoniyat-larini o'rganish bilan qishloq xo'jalik ekinlarini, o'simliklarini maxsuldorligi oshirish mumkin. Bu yo'nalishda bir qancha ilmiy tadqiqot ishlari olib borildi. Shu narsa

aniqlandiki, nafaqat urug'ga majmuy va bosqichli elektr ta'sir ettirish, balki vegetativ organlariga ta'sir ettirish natijasida ham qishloq xo'jalik ekinlari hosildorligini oshirish mumkin. Ko'p tadqiqotchilar fikricha ushbu ta'sir ettirishlar, urug'larni tashqi tuproq iqlim sharoitlar ta'siriga ko'proq chidamli bo'lishini sababini aniqlab bunga sabab elektr energiyasining ta'siridir deb o'z xulosalarini bildirishgan.


Elektrotexnologiya elektr energiyasini texnologik jarayonda ham o'zga-rishini ifodalaydi. Bundan tashqari elektrotexnologiya elektrofizik ta'sir imkoniyatini tirik organizm turli usullaridan farqlaydi, tartibga keltirishni kuchaytiradi. Yangi elektrotexnologiya yordamida urug'ga ishlov berish, o'simlik-ni kasalliklarga chidamliligini oshiradi va qishloq xo'jalik ekinlari hosilini yetilishini 7-10 kunga tezlashtiradi, hosildorlikni oshishini ta'minladi, shuningdek maxsulotning sifat ko'rsatkichini 15-20% ga oshiradi [3].

Taklif etilayotgan yana bir ilmiy izlanish ishlarida tukli chigitni avvalo ul'trabinafsha nurlantirishdan o'tkazishni, so'ngra namlash ikki stadiyada: birinchi elektroaktivlashtirilgan suv (anolit) ishlatilishini, ikkinchi stadiyada elektroaktivlashtirilgan suv (katolit) ishlatilishini. Birinchi stadiyadan so'ng urug'ni tozaligini oshirish maqsadi elektr ta'sir o'tkazilishini, elektr ta'sir etuvchi faktor sifatida elektr uchqun razryadli impul'sli tok va elektr qizitgich ishlatilishini, keyingisi bevosita elektr tokini sanoat chastotasidan urug'ni namlash orqali amalga oshirilishini, bu orqali o'simliklarni rivojlantirish darajasini jadalashishini, hosildorlik yuqori darajada bo'lishini eng asosiysi har xil zararkunanda va turli kasalliklarga o'simlik chidamli bo'lishligini ta'kidlab o'tish zarur.

O'tkazilgan tajribalar yangi ekologik toza texnologiyaning paxta, poliz, g'alla va boshqa qishloq xo'jalik ekinlariga ijobiy ta'sir etishini ko'rsatadi. Xozirgi kunda o'simliklarni rivojlantirishda elektrotexnologik ishlov berish usullaridan keng foydalaniladi.

O'simliklarni elektravlantirish – urug', tuproq va o'simlikdan tashkil topgan tizimga majmuy va bosqichli elektr ta'sir etishdan iborat. Urug'ga elektr ta'sir etish, ekishdan oldin va ekish jarayonida amalga oshiriladi; O'simlikka vegeta-tsiya davrida elektr ta'sir etish o'simlikning har xil fiziologik rivojlanish bosqichlarida tuproqni elektravlantirish bilan bir vaqtda amalga oshiriladi. Ushbu elektr ta'sir dorivor o'simliklar qator oralariga ishlov berish (kultivatsiya, sug'o-rish oldidan ariq ochish), shuningdek o'simliklarni kasalliklar va zararkunan-dalardan himoya qilish omillari (o'simliklarni purkash) bilan birga amalga oshiriladi. Urug'ni ekishdan oldin elektravlantirish statsionar sharoitda ishlay-digan elektravlantirgich tomonidan amalga oshiriladi. Statsionar elektravlantirgich tarkibiga ul'trabinafsha nur taratuvchi 220 V kuchlanishli nurlatgichlar bilan jihozlangan ikki nurlatgichli qo'lda ishlatiladigan

nurlatgich (1-rasm) va anten nasidan past chastotali elektromagnit impul's tarqatadigan ko'chma radio-impul'sli bioavjlantirgich (RIBA) kiradi (2-rasm).



1-rasm. Ikki nurlatgichli qo'lda ishlatiladigan nurlatgich



2-rasm. Past chastotali elektromagnit impul's tarqatadigan ko'chma radio-impul'sli bioavjlantirgich

U 220 V kuchlanishli o'zgaruvchan tok elektr manbaiga, shuningdek 12 V kuchlanishli traktor generatoriga yoki akkumulyatoriga ulab ishlatiladi. Tuproq va o'simlik elektravlantirgichi MTZ-80X, TTZ-100K.11, TTZ-8010, TTZ-8011, TTZ-6011, TTZ-6010 rusumli traktorlarga tirkaladigan KXU-4 kultivatori yoki OVX-600 purkagichi bilan agregatlanadi. Urug'ni statsionar elektravlantirgichi-ning ish unumi 3-5 t/soat. Urug'ga ekish davrida ishlov beradigan mobil elektravlantirgichning ish unumi urug' ekadigan seyalkaning ish unumiga teng. O'simlikni qator oralariga ishlov berganda avjlantirgichning ish unumi (kultivator bilan agregatlanganda) kultivatorning ish unumiga teng.

Mobil elektravlantirgich o'simliklarni purkagich bilan agregatlanib ishlatilganda uning ish unumi purkagichning ish unumiga teng bo'ladi. Elektravlantirish hisobiga o'simlikning yer ustki va tomir qismida fiziologik o'sish va rivojlanish kuchayadi (25-30 % ga), shuning bilan bir vaqtda fotosintez

jarayonining mahsuldorligi oshadi (40-45% ga) va xujayra yadrosidagi funksional genlar soni ko'payadi. Bularning barchasi o'simliklarning sho'rga (urug' unib chiqish jarayonida), kasalliklarga (2-5 marta), suv tanqisligiga (25-30%) va boshqa ekstremal xodisalarga chidamkorligini oshiradi; -vaqt bo'yicha hosil tuganaklari va gullari shaklanishini bir tekisda kechishiga yordam beradi. Bu esa, hosilning tekis pishib yetilishini (95% gacha) ta'minlaydi (masalan, g'o'zadagi paxta hosili g'o'zaning bor bo'yicha pastdan tepagacha bir tekis ochiladi).

Xulosa qilish mumkinki, elektrotexnologiyada elektr energiyasi bilan ishlov berish ya'ni elektravlantirish qo'llab yetishtirilgan hosil urug'ida mutagen ta'sir

kuzatilmaydi, elektravlantirishning ta'siri keyingi 1-2 yilda ham saqlanadi, o'simlikning morfoxo'jalik ko'rsatkichlari kuchayadi va yaxshilanadi; Tuproq-dagi azot va fosforni o'simlik qabul qilishi mumkin bo'lgan qismini sezilarli oshishiga yordam beradi. Elektravlantirilgan g'o'zalar avjlantirilmaganga nisba-tan shonalash, gullash, chanoq hosil bo'lish va hosil pishish davriga 7-15 kun oldin kirishi aniqlandi, shuningdek hosildorlik 25-30% oshishi, tola uzunligi va chiqishi, 1000 dona urug' massasi, hamda urug' va tolaning boshqa texnologik hususiyat-larini yaxshilanishi aniqlanildi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. A. Radjabov., Muratov X. M. Elektrotexnologiya. - T.: Fan, 2015
2. Болотов А.Ф., Шепель А.Г. Электротехнологические установки. - М.: Высшая школа. 1988.
3. Юсубалиев А., Яшева Е.А., Менгли Е. Протравление семян в электрическом поле. Ж.Хлопководство. 1985. №10. б 29-30.
4. Pedro J. Aphalo. Andreas Albert Lars Olof Björn Andy McLeod T. Matthew Robson Eva Rosenqvist "Beyond the Visible A handbook of best practice in plant UV photobiology" 2012 year.

QUYOSHLI ISSIQ SUV TA'MINOTI QURULMALARI O'RNAISH SHARTLARI

Assistent. Mirzaliyev B.B, Mirzayev D.E, (FarPI)

Quyoshli issiq suv ta'minoti qurilish meyorlari va qoydalrining yordamchi bino va jamoat binolarini, shunindek korxonalarining yordamchi bino va xonalarni xo'jalik mayishi exiyojlari uchun yassi va quvursimon quyosh kollektlari yangidan va qayta quriladigan quyoshli issiq suv ta'minoti qurilmalarini loyixalashtirishga tadbiiq qilinadi. Quyoshli issiq suv ta'minoti qurilmalari konstruktsiyalash binoning turiga va vazifasiga ko'ra, Kempinglar, motellar,yozgi dushlar,issitish uchun qozonxonalar turar joy uylar,maxaliy qozonxonalarining (Avtokorxonalar katta bo'lmagan ishlab chiqarish va qishloq xo'jaligi obektlari va sh.k.) yordamchi binolari va xonalari.Quyoshli issiq suv ta'minoti qurilmalari avtanom (mustaqil) mavsumiy xaratdagi dublersiz va qo'shimcha isitgichzia (xarorat stabilizatori) qurilmalar.Quyosh kollektorining turi Plastikli va yassi kollektorlar.Mavsumiy ishlaydigan pansiontlar,maktab o'quvchilari uchun yozgi lagerlar,turbazlar,dam olish uylari,katta bo'lmagan korxonalar va firmalarning xo'jalik mayishi xonalari.Texnologig extiyojlarga issiq suv sarfni qoplash uchun mo'jalangan mavsumiy dublyorli va qo'shimcha isitkichli qurilmalar. Yassi va quvursimon vakumlik uzailadiga kolltktorlar.

Kasalxonalar,mexmonxonalar,sanatoriyalar,bolalar bog'chalari, kir yuvish

ishxonalari va jamoat ovqatlanish joylari.dublerdan yoki qo‘shimcha 100% taminlangan mavsumiy qurilmalar.yassi va quvursimon vakumli U-simon quvurlar xamda issiqlik quvrlari bilan jixozlangan kolletorlar. Doimo xarakatdsagi issiqlik Doimo xarakatdagi issiqlik ta‘minoti tizimlariga ulangan binolar.Mavsumiy qurilmalar va yil bo‘yi qo‘shimch isikich sifatida energiya manbasidan foydalandigan qurilmalar.Yassi va va quvursimon vakumli U-simon quvurlar bilan kollektorlar. Issiq suv ta‘minoti tizimning prinsipiyl sxemasini tanlashi bino va inshoning turi va vazifasiga ,kolektorlarning turiga,qurilmanining ishlatish mavsumi, quyosh kolektorlarning turiga, ishlaish mavsumiga quyosh kolektorlarning qishda muzlashdan va yozi mavsumda stgnastiya rejimida xaddan tashqari qizib ketishdan ximoya qilish usuliga qarab malga oshirlishi lozim.Tabiy sirkulatsiya bir konturli sxemalarni,odata,mavsumiy,quyoshli issiq suv ta‘minotning avtanom (musaqil) qurilmalarda qo‘llash lozim. Nasos sirkulyatsyli bir konturli o‘zini-o‘zi dernaj qilingan sxemani odata,umumiy maydoni 30 m² dan oshadigan,issiqlik qabul qiluvchi konturi va yassi quyosh kolektorlarning muzlashdan va xaddan tashqari qizib ketishidan ximoya qilish uchun yuqori quvvatli to‘liq yil mobaynida ishlaydigan quyoshli issiqlik suv ta‘minoti qurilmalaridan qo‘llash lozim. Nasos sirkulyatsyli ikki va uch konturli o‘zini-o‘zi dernaj qilingan sxemalarni,odatda,yassi va quvirsimon vakumli quyosh kollektorlari bilan jixozlangan,issiqlik qabul qilish konturida stagantsiya xolatida yozning xaddan tashqari qizib keishidan ximoya qilish uchun muzlamaydigan suyuqlik (antifiriz) ishlaigan yil davomida foydalaniadigan quyoshli issiq suv ta‘minoti qurilmalaridan foydalanish lozim. Tabiy sirkulatsiyali quyoshli issiq suv ta‘minoti qurilmalarini odatda aloxida bak-akkumlyaorli bir modulga quyosh kollektorlarning maydoni 30 m² bo‘lganda qo‘llash lozim.Ikki konturli qurilmaning issiqlikni qabul qilish konturida issiqlik ashuvchi sifaida ,odata deaertsyalangan suv yoki zaxarli bo‘magan va yonmaydigan antifirizdan foydalanish lozim.Dietilenglikoli asosidagi antifirizlardan foydalanishga yo‘l qo‘yiladi. Bu xol ikkita bog‘liq bo‘lmagan issiqlik almashtirgichli bak-akkumlyaorlar yoki uch konturliqurilma ishlaishi lozim.Yozgi dushlarda dush aylantrgichlari oldidagi ixtiyori (erkin) nabori kamida 1.5m qabul qilinshi lozim.Bunda xar bir aralashtrgichlarga issiq suv va sovuq suv mustaqil quvirlar bilan ulanshi shart,bu xoldasuvni kollektorli taqdimotiga yo‘l qo‘yilmaydi.Xar bir quyoshli issiq suv taminoti qurilmasida undan xavo chiqarib yuborish uchun moslama ko‘zda ulishi lozim.Quvurlar va uskunalarni issiqlik izolyatsyasning ermik qarshligi issiqlik yo‘qolishning 5% dan oshmaslini tamlashi shart.

Quyosh kollekorlarning fazoviy joylanishi qurilish maydonining imkonyatlarni,lanshafd va iqlimiy sharoyitlarni ,imoratlar solishini xisoba olgan xolda aniqlash lozim. Binolar tomida joylashtiriladigan quyosh kollektorlari tayanchlarga

joylnshi shart. Tomda quyosh kollektorlarining tagigacha bo'lgan masofa tomni ta'milashga imkoniyat berish shart. Quyosh kollektorlarining optimal orientastiyasi, sharq-20° gacha, g'arbga-30° gacha og'icha mumkin bo'lgan janub, xisoblnadi. Quyosh kollektorlarining gorizantga qiyalik burchagini yil davomida ishlaydigan qurilmalar uchun maxalliy kenglikka teng qilib, yozgi davrda mxalliy kenglikda 15° ni qo'shib qabul qilish lozim va bu talablarni qo'llash foydali efektini oshrish imkoniyatini oshradi.

Foydalangan adbiyotlar

1. "Quyoshli issiq suv ta'minoti qurilmalari" Y.K.Rashidov Toshkent 2018 yil <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/857>
2. Chen Byn, Liu Jingjon, Trombal devor bilan yaxshilangan passiv issiqlik uyi, Trombe Devorning Trombe World, Pekin Xitoy, Vols 1-V: 2234-2237. <https://m-eng.ru/uz/drenazh/sistemy-solnechnogo-teplosnabzheniya-solnechnoe-teplo-goryachee-vodosnabzhenie-i.html>
3. Cheno Jinling, Chen B bin, Chen Liing, Sun Yuanuan passiv issiqlik isitish tizimlarining dinamik termal harakatlanishini o'rganmoqda. Xarbin texnologiya instituti jurnali (yangi seriya). 2007. Vol. 14: 352-355.
4. <https://02stroy.ru/uz/canopies-and-awnings/solnechnye-otopitelnye-sistemy-sistema-solnechnogo-teplosnabzheniya-shema.html>

TAKOMILLASHGAN PARNIK TIPDAGI QUYOSH QURITGICHINING SINOV NATIJALARI TAHLILI

o'qit. S.S. Ibragimov

Energiyaga bo'lgan talabning keskin ortishi alternativ energiya manbalaridan foydalanishga olib keladi. Bunday energiya manbalari bilan ishlovchi energetik qurilmalar foydali ish koeffitsiyentlari nisbatan pastligi ulardan foydalanishni murakkablashtiradi. Dunyoda aholi sonining ortishi, quritilgan oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabning ham ortishiga olib keladi. Aholiga quritilgan oziq-ovqat mahsulotlarini uzluksiz yetkazishda quyosh quritgichlarining o'rni beqiyosdir [1,2].

So'ngi 30 yil ichida bir necha turdagi quyosh quritgichlari ishlab chiqilgan bo'lsa ham ularning ko'pchiligi 10-50 g yangi meva sabzavot sig'imiga ega, bu kichik hajimdagi meva va sabzavotlar aholi ehtiyojini qondira olmaydi [3,4]. Bundan tashqari ko'p qurilmalarda quritgichda havo oqimini hosil qiltsh uchun qo'shimcha jihozlardan foydalanilgan (ventilyatorlar, quyosh batareyalari va h.z), quritgich ichidagi havoni isitish uchun qo'shimcha yassi kollektorlardan foydalanilgan, bu quritgichning tan

narxini oshishiga olib kelib quritgichni yasash uchun qo‘shimcha bilim va ko‘nikmani talab qiladi [5,6].

Ushbu muammolarni inobatga olgan holda, bizning tadqiqot guruhimiz parnik tipdagi quyosh quritgichi yaratdi. Hududning geografik kengligini bilgan holda, qurilmaning tubidan foydalanish ko‘ffitsiyentini aniqlagan holatda uning o‘lchamlari tanlab olinib, bolt-gayka bilan yig‘ib-ajratiladigan alohida qismlardan iborat qilib, yengil va ixcham qilib yaratildi.

Uzumlarni quritish jarayonini uni yetishtiradigan joyning o‘zida amalga oshirish uchun ko‘chma quyosh qurilmasi yaratildi. Quritgich BuxDu ning geliopalegonida sinovdan o‘tkazildi va natijalar ushbu hujjatda keltirilgan.

O‘zbekistonning Buxoro shahrida parnik tipdagi quyosh quritgichi o‘rnatilgan. Qurutgichning kengligi 3 m, uzunligi 6,5 m va balandligi 2,20 m. Quritgichda havo oqimini (tabiiy konveksiya) hosil bo‘lishiga xizmat qiluvchi 20x20 sm² yuzali havo kiruvchi ikkita teshik bo‘lib tirqishlarning qarama-qarshi devorining yuqori qismida uzunligi 9m bo‘lgan mo‘ra o‘rnatilgan. Quritish qurilmasi gorizont bilan bir tomoni 40°, ikkinchi tomoni 50° ni tashkil qiluvchi tomonlardan iborat.

Parnik tipli quritgichning sirtidagi poliyetilendan quyosh nurlari o‘tadi va quritgich ichidagi havoni, mahsulotni, shuningdek izolyatsiyalangan sirtning yuza qismini isitadi. Atmosfera havosi quritgich ichiga quritgichning yon tomonining pastki qismida joylashgan havo kirish teshiklari orqali kiradi va quyosh nurlari tasirida mahsulot bilan bir vaqtda quritgich ichida isiydi. Havo kirish tiyeshiklarining qarama-qarshi tomonining yuqori qismida o‘rnatilgan mo‘ra orqali issiq nam havo chiqib ketadi natijada quritgich ichida tabiiy konveksiya jarayoni hosil bo‘ladi. Issiq havo oqimi mahsulotni kesib o‘tayotganda (tabiiy konveksiya jarayonida) quritilayotgan mahsulotdan chiqayotgan namlikni olib mo‘ra orqali chiqib ketadi. Quyosh nurlari tasirida qizdirilgan havo mahsulotning namligini bug‘lantirishi mahsulotning qurish tezligini oshiradi. Quritgichdan nam havo quritgichning yuqori qismida joylashgan mo‘ra orqali tabiiy usulda chiqarib yuboriladi.

Ushbu ishda parnik tipli quyosh quritgichida 800 kg (dastlabki namlik 82%) uzumni qurutish mumkinligi tajriba orqali ko‘rsatib berilgan. 2018 yil sentabr – oktabr oylarida jami ikkita tajriba sinovlari o‘tkazildi.

Har bir tajribada quritgich ichiga 800 kg uzum mahsuloti joylashtirildi. Quritgich ichida uzumni polkalarga solib joylashtirish uchun maxsus yo‘lak ajratilgan. Sinov natijalarini olish 08:00 dan 17:00 gacha olib borildi. Quritish jarayoni kerakli namlik darajasiga yetguncha davom ettirildi. O‘lchanadigan mahsulot namunalari quritgichning har xil joylariga joylashtirildi va davriy ravishda ikki soatlik intervalda elektron tarozida (FEJ-1000B) o‘lchab borildi. Quritgich ichida va ochiq havoda qo‘yilgan mahsulot

namuna namliklari nazorat qilinib taqqoslandi. Quritish jarayonida mahsulot namunalarning namliklari 24 soat davomida o'lchab borildi va 24 soat davomida mahsulotdan chiqib ketgan namlik: quritgich ichida o'rtacha 21%, ochiq havoda o'rtacha 12% ni tashkil qilishi aniqlandi (24 soat davomida, 0,5% aniqlik).

Takomillashgan parnik tipli uzum quritgichini ishlash rejimini o'rganish uchun BuxDU geliopalegonida 800 kg dan ikki marta uzum quritildi. Parnik tipli quyosh quritgichida uzumni quritish ochiq havoda (tabiiy quyoshda) qurish bilan solishtirilganda quritish vaqtini sezilarli darajada qisqarishiga (48 soat) olib keldi va uzum quritgichida quritilgan mahsulotlarning sifati, rangi ochiq havoda (tabiiy quyoshda) quritilgan mahsulotga qaraganda yaxshiroq. Parnik tipli quyosh quritgichining ishlash muddati ikki yil. Ushbu turdagi quritgichning o'ndan ortig'i hozirgi kunda kichik hajimdagi bog'dorchilik fermer xo'jaliklarida, quritilgan mahsulotlarni ishlab chiqarishda ishlatilmoqda.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Fudholi A, Sopian K, Ruslan M.H, Alghoul M.A, Sulaiman M.Y. Review of solar dryers for agricultural and marine products. Renewable and Sustainable Energy Reviews 2010;14:1–30.

2. J. Kaewkiew, S. Nabnean, S. Janjai. Experimental investigation of the performance of a large-scale greenhouse type solar dryer for drying chilli in Thailand. Procedia Engineering 32 (2012) 433 – 439.

3. Serm Janjai. A greenhouse type solar dryer for small-scale dried food industries: Development and dissemination. International journal of energy and environment. Volume 3, Issue 3, 2012 pp.383-398.

4. Ибрагимов С.С., Кодиров Ж.Р., Хакимова С.Ш.. Исследование усовершенствованной сушилки фруктов и выбор поверхностей, образующих явление естественной конвекции.//Вестник науки и образования (2020)№ 20 (98). С 6-9.

5. С.С.Ибрагимов., А.А. Маликов. Исследование теплового режима инсоляционных пассивных систем.// Молодой ученый, (2016) С 27-29.

6. С.С.Ибрагимов. Результаты лабораторной модели сушки фруктов.// Молодой ученый, (2016) С 79-80.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ТАДҚИҚОТИ

PhD. Сафаров. А. Б, докторант Сайфиев Ҳ О, маг. Бобоев И. Р. (БМТИ)

Жаҳонда энергетика тизимида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини ошириш, углеводород ёқилғи ресурсларини тежаш, глобал исиш, ифлосланиш ва бошқа атроф-муҳит муаммолари, шунингдек иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни барқарорлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда [1].


Вазирлар маъкамаси томонидан “2020 - 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергия билан таоминлаш концепцияси” қабул қилинди. Концепцияда маълум қилинишича, 2030 йилгача электр энергия ишлаб чиқаришни 5900 МВт дан 29200 МВт гача кўпайтириш, электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги табиий газ сарфини 16,5 млрд кубометрдан 12,1 млрд кубометргача қисқартириш ҳамда электр энергияни узатишда йўқотишларни 2,35% га, ва уни тақсимлашда - 6,5% га камайтириш режалаштирилган. Мазкур стратегия 2020 йилдан 2030 йилгача бўлган даврда мамлакатда электр энергия билан таъминлаш масаласи бўйича ўрта муддатли ва узоқ муддатли мақсадларни белгилайди [2]. Бунда минтақада қуёш энергиясидан фойдаланиш кўламини ошириш юқоридаги долзарб муаммоларни барқарорлаштиришга замин яратади.

Қуёш энергияси сочилиб туриши Туркменистонда 3100 соат, Ўзбекистон ва Тожикистонда 2815-2830 соат, Қозоғистон ва Қирғизистонда 2575 соат, Арманистон, Грузия ва Озарбайжонда 2125-2520 соат, Украина ва Молдавия 2005-2080 соатни ташкил қилади [3]. Ўрта Осиё Республикаларида қуёш энергиясидан фойдаланиш учун шароит ҳам жуда яхши чунки июн ойида ёруғ куннинг узунлиги 16 соат, декабрда эса 8-10 соатни ташкил қилади. Бу ерда йилига 300 кун, ёзда ойига 320-400 соат очик қуёш нури тўғри келади.

Ўзбекистоннинг ялпи қуёш энергияси салоҳияти 50973 млн.т.н.э, техникавий салоҳияти эса 176,8 млн.т.н.э га тенг деб баҳоланди. Демак Ўзбекистон заминига бир йилда тушувчи қуёш энергияси абсолют қийматига кўра мамлакатнинг текширилган углеводород хом ашёсидан анча кўпдир. Ҳозирги вақдда қуёш энергиясининг фақатгина 0,3 % ўзлаштирилган холос [4].

1-расмда Бухоро вилоятида қуёш батареяларидан олинадиган кунлик солиштирма энергия кўрсаткичлари (2020 йил) келтирилган. Бунда ўртача кунлик солиштирма қуёш энергияси $4,5 \text{ кВт} \cdot \text{соат} / \text{м}^2 / \text{кун}$ ни ташкил қилиши аниқланди [5].

Бу эса ўз навбатида минтақада қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятлари юқори эканлигини билдиради.



2-расм. Бухоро вилоятининг солиштирма қуёш энергия кўрсаткичлари

Хулоса: Жаҳонда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш экологик муаммоларни барқарорлаштириш, энергия ресурсларини тежаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришдаги муҳим стратегик йўналишларидан бири эканлигини кўрсатди. Республикамизнинг жанубий ҳудудлари хусусан Бухоро вилоятида қуёш батареяларидан фойдаланиш имкониятлари юқори эканлиги аниқланиб, энергетика хавсизлиги ҳамда экология билан боғлиқ муаммоларини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши асосланди. Бухоро вилоятининг қуёш энергиясининг ялпи (назарий) солиштирма энергияси йилига 1750-1800 кВт·соат/м² га тенгли ҳамда минтақада ўртача йилига 4,72 кВт·соат/м²/кун энергия олиш имкони мавжуд эканлиги аниқланган. Фойдали иш коэффициенти 12% бўлган қуёш батареяларидан Бухоро вилояти ҳудудларида фойдаланганимизда техник салоҳият йилига 3,5 ТВт·соат/йил га тенг энергия олиш имконига эга бўламыз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. О.З. Тоиров, К.Т.Алимхўжаев, Ш.К. Алимхўжаев. Қайта тикланувчан энергия манбалари. Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқариш ва ишлатиш истиқболлари. (Монография).–Т.: «Фан ва технология», 2019, 212 бет.
2. М. Мардонова., Й. Чои. Ассесмент оф Пъотоволтаис потенциал оф Мининг ситес ин Узбекистан. Сустаинабилитй. 36 (4), 2019. Рр. 657-674
3. Р.Р. Авезов., Н.Р. Авезова., Н.А. Матчанов., Ш.И. Сулейманов., Р.Д. Абдукадилова. История развития и состояние использования солнечной энергии в

Узбекистане. Гелеотехника. 2012(4). 17-23 с.

4. М.Д. Ходжаев. Иқлим ўзгаришлари таъсирини юмшатиш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежамкор технологияларни амалиётда қўллаш имкониятлари тўғрисида лойиха ташаббускорларига маълумотлар етказиш. Тошкент. 2018. -96 б.

SHAHARSOZLIKNI RIVOJLANTIRISHDA NO'ANANAVIY ENERGIYA MANBAALARIDAN FOYDALANISH MASALALARI

кат. ўқ. А.С.Абдурахмонов, талабалар Д.Б.Олимжонов, С.Ф.Шамсиддинов,
М.Зикриёхужаева(NamMQI)

Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan samarali foydalanishga urinishlar butun dunyoda keng quloch yoymoqda. Bunday e'tiborning bir ko'rinishi har yili 15 iyun— Butunjahon shamol kuni sifatida nishonlanishidir.

Mazkur bayram tashabbuskorlari shamol energiyasi bo'yicha butunjahon kengashi hamda shamol energetikasi bo'yicha butunjahon assotsiatsiyasi hisoblanadi. Bu kunni nishonlashdan maqsad shamol energetikasi potentsialiga dunyo jamoatchiligi diqqatini qaratishdan iborat.


Республиканинг дарёлари оқимининг назарий гидроэнергетик умумий салохияти 88,5 млрд.кВт с ни ташкил этади, шундан техник гидроэнергетик умумий салохияти эса 21,09 млрд. кВтс.ни ташкил этади.

Хозирги пайтда гидроэнергетиканинг техник салохиятининг 25 % (йилига 5,5-6 млрд.кВтс.) миқдордан фойдаланилмоқда. Республикамиз қуёш нурининг умумий салохияти 700 млрд кВт соатдан юқорирокдир.

Шамол энергиясининг умумий салохияти

2021 йил немис мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Республикамиз худудларидаги умумий шамол энергиясининг салохияти 400 млрд. кВт соатдан ортиқ деб баҳоланган.

Ўзбекистон Республикасининг шамол харитаси



Shamol energetikasining rivojlanishi nafaqat elektr energiya ta'minoti muammosini, balki davlatlar iqtisodiyotini, dunyo bo'yicha ekologik barqarorlikni hal qilishda ham katta ahamiyat kasb etadi. SHamol energetikasi bo'yicha dunyoda keng ko'lamli tadqiqot ishlari olib borilayotgan bo'lib, 80 dan ortiq davlatda shamoldan energiya olish sohalari jadal rivojlanmoqda. [1]

Hujjatlar bilan O'zbekiston Respublikasi Hukumati nomidan Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi, «International Company for water and power projects» (Saudiya Arabistoni) kompaniyasi (keyingi o'rinlarda – Investor) va quyidagi loyiha kompaniyalari o'rtasida 2021 yil 24 yanvarda imzolangan investitsiya bitimlari tasdiqlandi:

Investor tomonidan «Buxoro viloyatining Peshku tumanida quvvati 300-500 MVt bo'lgan shamol elektr stantsiyasini qurish» investitsiya loyihasi doirasida ta'sis etilgan «ACWA Power Dzhankeldy Wind» MCHJ;

Investor tomonidan «Buxoro viloyatining G'ijduvon tumanida quvvati 500 MVt bo'lgan shamol elektr stantsiyasini qurish» investitsiya loyihasi doirasida ta'sis etilgan «ACWA Power Bash Wind» MCHJ.

Investorlar va loyiha kompaniyalari quyidagilar bo'yicha majburiyatlarni o'z zimmlariga oldilar:

investitsiya loyihalarini amalga oshirishning butun davri mobaynida shamol elektr stantsiyasini loyihalashtirish, moliyalashtirish, qurish hamda ekspluatatsiya qilish;

har bir investitsiya loyihasi bo'yicha yuzaga kelishi mumkin bo'lgan xavf-xatarlarni o'z zimmlariga olgan holda, jami dastlabki baholash bo'yicha 650 mln AQSH dollari miqdorida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish.

SHuningdek «O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» AJ va loyiha kompaniyalari o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri muzokaralar natijasida imzolangan Elektr energiyasini sotib olish to'g'risidagi bitimlar ma'qullandi.

Фойдаланилган адабиётлар

- [1]. Саидов, А. Х. Ўзбекистонда экологик тоза ва қайта тикланадиган қуёш энергиясидан фойдаланиш / А. Х. Саидов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 20 (310). — С. 687-689. — URL: <https://moluch.ru/archive/310/69701/> (дата обращения: 23.04.2022).

СПЕКТРАЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОЗРАЧНО-ТЕПЛОВОЙ ИЗОЛЯЦИИ ТЕПЛОПРИЕМНИКА СОЛНЕЧНОЙ ПАРАБАЛОЦИЛИНДРИЧЕСКОЙ УСТАНОВКИ.

д.т.н., проф. С.Ф Эргашев, ст.преп- Д.Т Мамадиева. (ФарПИ)

На практике для трубчатых приемников параболоцилиндрических установок в качестве прозрачно-тепловой изоляции чаще всего используют трубы из стекла марки "Пирекс" или цилиндры из молибденового, боросиликатного стекла марки С49+С54 [1.]. Эти стекла обладают хорошими оптическими качествами. Интегральное пропускание их в области длин волн солнечного излучения достаточно высоко — около $0,9 \div 0,92$, а поглощение и отражение минимальны — около $A_S=R_S=0,025 \div 0,07$. В то же время стекла, являясь непрозрачными для длинноволнового излучения, выдерживают температурные перепады вплоть до 250°C [2].

Спектральные характеристики прозрачной изоляции могут быть изменены путем специальных обработок стекла — просветлением. При этом должны быть соблюдены следующие условия нанесения просветляющей пленки [3]:

$$\delta = (2m + 1)\lambda / 4n, \quad (1)$$

$$n = \sqrt{n_{СТ}}$$

где δ — толщина пленки; λ — длина волны света; $n_{СТ}$ — показатель преломления стекла; n — показатель преломления пленки; $m=0, 1, 2, 3$; и т.д.

Нанесение просветляющих покрытий на стекло можно вести осаждением из раствора, испарением в вакууме, катодным распылением и т. д. Образующаяся на стекле пленка может состоять из фтористого магния, двуокиси кремния, двуокиси титана и т. д. В последнее время разработаны способы многослойного покрытия, который обеспечивает особо эффективное просветление. Применение таких покрытий дает не только высокое пропускание света в широкой области спектра, но и резко уменьшает долю рассеянного. Однако обработка поверхности стекла путем химического травления является наиболее простой и технологичной. При этом пропускательная способность стекла τ_c высокого качества может быть увеличена до $0,94 \div 0,95$ при снижении отражательной способности R_C до $0,02$ [4].

В целом, улучшения **спектральных характеристик прозрачно-тепловой изоляции теплоприемника солнечной параболоцилиндрической установки** позволяет повысить их оптическую эффективность и энергетических параметров солнечной установки

Использованная литература:

1. Кохова И.И., Эргашев С.Ф. Оценка эффективности трубчатого приемника солнечного излучения // Докл. междунар. симпозиума по альтернативным источникам энергии (Москва, 19-20 апреля, 1982 г.). – М., 1982. – С. 115-124.

2. Conceptual design and analysis of a 100 MWe distributed line focus solar central power plant: Topical Report / US Department of Energy. – 1978, 1979 – 203 p.

3. Мельников Ю. Ф. Светотехнические материалы. – М.: Высшая школа, 1976.–151 с.

SHAMOL ELEKTR STANSIYALARINI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASING TOG` OLDI HUDUDLARIDA QO`LLASHNING SAMARALIGI

*Assistent.D.I.Abdunabiyev, talabalar J.B.Akbarov, H.A.Alijonov,
A.O.Abdusattorov (TDTU QF)*

Hozir hayotimizni radio, televideniye, telefon, telegrafsiz, turli xil yoritish jihozlari va qizdirish asboblari, mashina va qurilmalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Bularning hammasi elektr energiyasi (toki) bilan ishlaydi. Elektr energiyasi qayerdan olinadi? Uni elektr stansiyalarida maxsus mashinalar — elektr toki generatorlari hosil qiladi. Generatorlarning turlari ko'p. Energiyasi kichkina uyni yoritish uchunгина yetadigan mitti elektr generatorlardan tortib, katta shaharni elektr energiyasi bilan ta'minlay oladigan ulkan elektr generatorlarigacha mavjud bo'lib. Bulardan shamol elektr stansiyasi (SHES) — shamol oqimining kinetik energiyasini elektr energiyasiga aylantiruvchi qurilma. Shamol dvigateli, elektr toki generatori, generator va dvigatelning ishini boshqaruvchi avtomatik qurilma hamda ular o'rnatiladigan inshootlardan iborat.

Sh.E.S.dan, ko'pincha, shamol oqimining o'rtacha yillik tezligi yuqori (5 m/sek dan katta) bo'lgan va markazlashtirilgan elektr ta'minot tarmoqlaridan uzoqda joylashgan hududlarda (masalan, O'rta Osiyoda — dasht, cho'l va chala cho'llarda) elektr energiyasi manbai sifatida foydalaniladi. Sh.E.S.da 8 kVt dan 1,2 MVt gacha quvvatli elektr energiyasi hosil qilish mumkin.

Farg'ona viloyatida shunday joylar mavjud bo'lib ulardan biri Qamchiq davoniga chiqish qismidagi hudud shunday joylardan hisoblanadi. U yerlarning nomi hozirda Xonobod deyiladi ushbu hududga Shamol generatorlarini o'rnatish mumkin chunki u yerda shamol doyimiy ravishda esadi.

Nega aynan u yerga o'rnatish kerak degan savol vujudga kelishi tabiiy chunki bu loyiha amalga oshiriladigan hududda aholi deyarli deyarli istiqomat qilmaydi va unumdorligi past yerlar hisoblanadi qo'shinchalar ravishda u hududda bo'sh yerlar yetarli darajada mavjudligini hisobga olgan holda bu hududlar Sh.E.S. larni o'rnatish uchun

barcha talablarga javob beradi.

Shamol elektr stansiyasi (SHES) — shamol oqimining kinetik energiyasini elektr energiyasiga aylantiruvchi qurilma. Shamol dvigateli, elektr toki generatori, generator va dvigatelning ishini boshkaruvchi avtomatik qurilma xamda ular oʻrnatiladigan inshootlardan iborat. Shamol elektr stansiyasidan, koʻpincha, shamol oqimining oʻrtacha yillik tezligi yuqori (5 m/sek dan katta) boʻlgan va markazlashtirilgan elektr taʼminot tarmoqlaridan uzoqda joylashgan hududlarda (Oʻrta Osiyoda — dasht, choʻl va chala choʻllarda) elektr energiyasi manbai sifatida foydalaniladi. Shamol elektr stansiyasida 8 kVt dan 1,2 mVt gacha quvvatli elektr energiyasi hosil qilish mumkin.

Shamol energetikasi - fan va texnikaning shamol oqimining kinetik energiyasidan mexanik, elektr va issiqlik energiyasi olishda foydalanish usullarini, nazariy asoslarini ishlab chiquvchi va xalq xujaligida shamol energiyasidan foydalanish tarmoqlari hamda yillarini belgilovchi sohasi. Inson shamol kuchidan kadimdan foydalanib kelgan. Oldiniga uning kuchidan faqat yelkanli qayiqlarda foydalanilgan, keyinchalik (mil. av. 2—1-asr) Misr va Xitoyda shamol tegirmonlari paydo boʻlgan (Shamol tegirmoni), keyinchalik shamol dvigatellari va qurilmalari yaratilgan. Shamol energiyasidan Quyosh va suv energiyasi bilan birga foydalanish katta ahamiyatga ega. Shamol energetikasi, asosan, 2 qismga bulinadi: shamol texnikasi va shamoldan foydalanish. Shamol texnikasi qismi shamol kuchidan foydalanib ishlovchi texnika vositalari (agregatlari, dvigatellari, qurilmalari) ni loyihalashning nazariy asoslari va amaliy usullarini ishlab chiqish bilan shugʻullanadi. Shamoldan foydalanish qismida shamol energiyasidan samarali foydalanish, shamol qurilmalaridan unumli foydalanish, ularning texnik iqtisodiy koʻrsatkichlarini yaxshilash masalalari va boshqalarning nazariy va amaliy masalalari oʻrganiladi va amalda tatbiq qilinadi. Shamol energetikasi oʻzining nazariy va amaliy masalalarini oʻrganish va ishlab chiqishda boshqa fan sohalariga, ayniqsa, aerologik tadqiqotlar natijalariga asoslanadi. Boshqa energiya manbalaridan foydalanish noqulay va umuman bunday manbalar yoʻq joylarda Shamol energetikasi ishlanmalari juda asqotadi. Oʻrta Osiyeʼda (xususan, Uzbekistonda) dasht, choʻl va chala choʻllarda Shamol energetikasi texnika vositalari qoʻl kelishi mumkin. Oʻzbekiston FA Energetika va avtomatika insitutida Shamol energetikasi muammolari bilan ham shugʻullaniladi.



1-rasim shamol elektr stansiyasining umumiy ko'rinishi.

O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi tashabbusi bilan joriy yilning 20 yanvar kuni Toshkent shahridagi Yodju Texnika Instituti Innovatsiya markazi xodimlari tomonidan fuqaro Erkin Atajanov taqdim etgan "Shamol harakatini mexanik harakatga aylantiradigan klapanli qurilma (shamol generatori)" loyihasining tajribaviy namunasi laboratoriya sinovidan o'tkazildi. Sinov jarayonida innovatsion rivojlanish vaziri o'rinbosari Olimjon To'ychiev, Toshkent shahridagi Yodju Texnika Instituti innovatsiya va ilmiy ishlar bo'yicha prorektori Jamshid Kaniev hamda ushbu institut Innovatsiya markazi xodimlari ishtirok etdilar. Sinov metodikasiga asosan, loyihaning tajribaviy namunasi laboratoriya sharoitida turli xil tezlikdagi sun'iy shamol ta'siri ostida sinaldi, shuningdek maxsus o'lchov asboblari yordamida qurilma tajribaviy namunasi o'qidagi kuch momenti, o'qning burchak tezligi va berilayotgan sun'iy shamol tezligi o'lchanib, natijalar qayd etildi. Sinov jarayonida qayd etilgan natijalar loyihaning istiqbolga ega ekanligini ko'rsatdi. Ushbu loyihani yanada rivojlantirish, uni qo'llab-quvvatlash maqsadida fuqaro Erkin Atajanovning loyihasi "Xorazm" innovatsion texnoparkiga yo'naltirildi.

Hozirgi paytda shamol generatorlarining juda ko'p turdagi yangi konstruktsiyalari yaratilgan bo'lib, ulardan turli geografik hududlarga mosini tanlab olib foydalanish maqsadga muvofiqdir. Misol tariqasida kichik quvvatli (bir necha kVt atrofida) mini shamol generatorlaridan foydalanish to'g'risida ba'zi ma'lumotlarni keltirib o'taylik. Mini shamol generatorlarining afzalliklari shundan iboratki, birinchidan, ularni bir joydan ikkinchi joyga ko'chirish juda oson va qulay hisoblanadi, ikkinchidan kichik tezlikdagi shamol ta'sirida ham energiya hosil qilib berish imkoniyatiga egadir.

O'zbekiston Respublikasining elektr energiya tizimida muqobil elektr manbalarining ulushini oshirishdan iborat. O'zbekiston Respublikasining energiya ulushining 85%ni IESlar tashkil etadi. 15%ni muqobil energiya manba'lariga kiritadigan bo'lsak, bundan 13% gidroelektr stansiyalarga tegishli qolgan 2% shamol va quyosh

elektr stansiyalariga tegishligi bo`lib bu jahon miqyosida juda qoniqarsiz natijaliligini anglatadi. Shu ma`lumotlarga tayangan holda muqobil energiya manba`laridan keng ko`lamda foydalanish, energiya bo`lgan ehtiyojni qisqartirish, atrof muhitga zararsiz va tabiatga salbiy ta`sir ko`rsatmagan xolda energiya olish vazifasini yuklaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar;

- 1.uz.m.wikipediya.org.
- 2.Elektr Mashinalari. J. Salimov. N.B. Pirmatov.
- 3.http://earw.tiame.uz

SHAMOL ENERGIYASIDAN FOYDALANISHNING EKOLOGIYAGA TA`SIRI

G.M.Turmanova, B.A.Uzakov, M.J.Abdullayev, M.M.Mamutov (QQDU)

So`nggi yillarda butun dunyoda resurslarni, ayniqsa, energiyani tejash dolzarb masalalarga aylanib bormoqda. Bu enegriya iste`molini uni ishlab chiqarishdan ko`ra jadal sur`atlarda ortib borayotgani bilan bog`liqdir. Shu bilan birga energiyani tejash borasida yuqori texnologiyali usullar, ilg`or ilm-fan yutuqlariga asoslangan innovacion va ilm talab texnologiyalarni joriy etish alohida ahamiyatga ega. Muqobil energiya tushunchasi fanda o`tgan asrning boshlaridan qo`llanila boshlandi. Yaponiya, Germaniya kabi davlatlar uni birinchilardan bo`lib iste`foda qilishga kirishgan. Buning asosiy sabablaridan biri mazkur davlatlarda yoqilg`i qazilma boyliklarining deyarli yoqligidir. Mutaxassislarning fikricha, yaqin kelajakda u yoki bu davlatning barqaror rivojlanishi energetika tarmog`ida qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish salmog`iga uzviy bog`liq bo`lib qolishi ehtimoldan holi emas. Statistik ma`lumotlarga ko`ra, xozirgacha 80 ga yaqin mamlakatlarda muqobil energiya manbalari sohasida milliy qonunchilik yaratilgan. Ayniqsa, so`nggi o`n yillikda mazkur sohada Avstraliya, Avstriya, Belgiya, Braziliya, Kanada, Xitoy, Daniya va boshqa mamlakatlarda tegishli qonunlar qabul qilingan. Amaldagi qator qonunchilikka binoan, ko`riladigan choralar natijasida Evropa ittifoqida 2020-yilda qayta tiklanuvchi energiya manbasi sohasida 2,8 mln. ta ish o`rni yaratilishi kutilmoqda [1].

Quyosh mavjud ekan, shamol esadi va u qayta tiklanuvchan energiya manbai hisoblanadi. Yoqilg`i yoki elektr energiyasi o`rnini bosishi mumkin bo`lgan, noan`anaviy usullarda hosil qilinadigan energiyalar ko`p. Ammo ular orasida atrof-muhitga zarar etkazmaydigan, foydalanishda samarali va ayni paytda mablag` jihatdan ma`qulini tanlash muhim ahamiyatga egadir. Mana shu nuqtai nazardan olib qaraganda, shamol energiyasini qo`llanish qulay. Shamol energiyasidan maishiy maqsadlarda

foydalanish maqsadga muvofiq. Bu maqsadlarda foydalanish tarixi ancha uzoq davr avval boshlangan. Ma'lumotlarga ko'ra, Miloddan oldingi II asrda Fors o'lkasida donni yanchish uchun shamol yordamida ishlovchi tegirmonlar qo'llanila boshlagan.

Elektr energiyasini ishlab chiqarishga mo'ljallangan birinchi shamol elektr stanciyasi 1890-yilda Daniyada bunyod etilgan. Lekin bug' mashinasining energiya manbasi sifatida paydo bo'lishi keyinchalik shamol energetikasini rivojlanishini sekinlashtirib qo'ydi. O'tgan asrning 40-70 yillarida ushbu soha inqiroz davrini boshdan kechirgan bo'lib, 1980-yillarga kelib AQSH ning Kaliforniya shtatida SHES yordamida elektr ishlab chiqaruvchilar uchun qator imtiyozlarning yaratilishi bilan bu sohaga bo'lgan qiziqish yana jonlana boshlagan. 1980-yili taniqli okeanograf Jak-Iv Kusto kemasining qurilishida shamol yordamida ishlaydigan qurilmani qo'llab, bu g'oyani isbotlagan [2].

Bugungi kunda mazkur muqobil energiya quvvatini ishlab chiqarish G'arbiy Evropada ancha ommalashgan. Bunga sabab, buning uchun tabiiy shart-sharoitlar mos bo'lishi barobarida bunga bo'lgan talab ham ortib bormoqda. Ushbu muqobil energiya iqtisodiy va ekologik nuqtai nazardan bir qator afzalliklarga ega. Ta'kidlash kerakki, SHES ni qurish boshqa energiya manbalariga nisbatan arzon va qulay. Oddiyroq qilib aytganda, bunday qurilmalar uchun ajratilgan hududlar dehqonchilikka salbiy ta'sir qilmaydi va ular hech qanday yoqilg'i talab qilmaydi. Masalan: 1 MVt quvvatli SHES 20 yil davomida taxminan 29 ming tonna ko'mir yoki 92 ming barrel neftni tejaydi [3]. SHES boshqa energiya ishlab chiqaruvchilardan farqli ravishda atrof-muhitni zararli chiqindilar bilan ifloslantirmaydi, eng muhimi, shamol tabiatan bitmas-tuganmas.

Hozirda eng ko'p qo'llaniladigan uch parrakli shamol turbinalari ishlab chiqaradigan enegriya arzon ortiqcha resurs talab qilmaydi va tabiatga zararsiz. Ularning ustunligi shundaki, shamolning kichik tezligida ham shamol generatorini harakatga keltirish imkoni borligida bo'lib, bunday generatorlarning asosiy muomosi, bu – to'xtatish mexanizmidadir. SHES ning o'ziga xos yana bir kamchiligi shamol tezligining vaqt ichida nafaqat tezligini balki yo'nalishini ham o'zgartirishi, bu esa energiyaning o'zgarishiga olib keladi. Bundan tashqari SHES lar ekologik muammoga ham sabab bo'layapti [4].

Bu ekologik muammoni keltirib chiqariyotgan shamol turbinalarini hozirgi kunda Tunislik ixtirochilar Amerikalik mutaxassislar bilan xamkorlikda yangidan xavsiz qilib loyihaladi. Tunislik ixtirochi Ani Auniy qadimgi qayiqlarni o'rganib, qushlar va baliqlar qanday harakatlanishini kuzatib, yelkan kabi shamolni tutadigan parabalik mexanizm yaratti. Bu mexanizm osmonda xuddi 8 raqamini chizayotgandek harakatlanadi. Tabiatan andoza olib uni ilm fanda qo'llanish biomimitika deb ataladi. Baliqlar suzishi va qushlar uchishi 8 shaklini takrorlaydi. Bu parraksiz generator oddiy shamol

turbinalariga qaraganda ancha shovqinsiz, shamol yo'nalishiga oson moslasha oladi. Ixtirochi uning samaradorligini 80% ga yetkazmoqchi. Hozirgi shamol turbinalari bilan qiyoslaganda bu mashina 1,07 barobar ko'proq elektr ishlab chiqaradi, narxi ham arzonroq bo'ladi.

Bugungi kunda muqobil energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantirish bo'yicha respublikamizda ham bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Yo'qorida takidlaganimizdek, shamol energiyasidan foydalanish orqali biz toza turdagi energiyaga ega bo'lamiz va elektr energiya bilan taminlanmagan hududlarni energiya bilan ta'minlash imkonini yaratamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Majidov T. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari - T.: «Voris nashiryoti», 2014.
2. Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Авезов Р.Р., Потоев К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. Учебник - Т.. Изд-во «Fan va texnologiya», 2010.
3. Мухаммадиев М.М., Ташматов Х.К. Энергия yig'uvchi qurilmalar. Darslik. - T.: «Yangi nashr», 2010.
4. YUnusov T.YU. Energiya ishlab chiqarishning bugungi kuni va kelajagi. – T. «Fan va texnologiya»-2012

TASHQI MUHITNING FOTOELEMENTLAR PARAMETRLARIGA SALBIY TASIRINI O'RGANISH VA ULARNI BARTARAF ETISH CHORA TADBIRLARI.

Sh.Sh.Umarov, I.Azamov, I.V.Ibrohimov, H.R.Otahnov (TDTU Qo'qon filiali)

O'zbekiston hududida tabiiy sabablarga ko'ra 3 ta viloyat shamol erroziyasiga juda moyil: Qashqadaryo viloyati, Surxandaryo viloyatining janubi – sharqiy chekkasi va Farg'ona viloyatining g'arbiy qismi. O'zbekistonning ekin ekiladigan yerlarida shamol erroziyasi Farg'ona, Zarafshon vodiylarida tarqalgan. Qurg'oqchil iqlim sharoitida shamol erroziyasining salbiy oqibatlaridan biri atmosfera havosining changlanganligi darajasidir. Chang va tuz chiqarishning asosiy manbai Orol dengizi tubining qurigan qismi, tashlandiq turli ko'l sirtidir.

Fotoelementlarni sirtida yuqori suv oqimini hosil qilish orqali changlarni tozalash.

Fotoelektrik qurilmalarni qo'llash bo'yicha barcha ishlarda quruq issiq iqlim sharoitida xavoning changlanishi kabi atrof muxit parametrlariga kam e'tibor ajratiladi. Respublikaning janubiy va tog'li hududlari uchun chiqish quvvatini pasaytirishning asosiy sabablaridan biri yuqori temperatura ta'siri bilan bir qatorda fotoelement batareya

sirtining ifloslanishi (chang, sement, bor va boshqalar bilan) ekanligi topilgan. Ifloslanish darajasi tashqi muxitga bog‘liq.

Vazifasiga qarab fotoelement batareya tarkibiga turli miqdorda quyosh elementlari kirib, ularning soni va kommutatsiya usuli fotoelement batareyaning chiqish quvvati bilan aniqlanadi. Fotoelement batareyaning chiqish quvvati ekspluatatsiya sharoitiga ham bog‘liq: sutka vaqti, fotoelement batareyaning joylashgan yeri (iqlimiy zonasi), fotoelement batareyaning nur qabul qilish sirti xolati. Fotoelement batareyalar frontal tomoniga atmosfera ta‘siridan ximoya sifatida qalinligi 4 – 6 mmli silliqqlangan yoki notekis shishadan foydalaniladi. Individual foydalanish fotoelektrik qurilmalar elektr quvvati energiya istemoli quvvatiga bog‘liq bo‘lib, 300 dan 3000 W gachadir. Bunda fotoelement batareyaning yuzasi 2 dan 20 m² ni tashkil etadi. fotoelement batareya sirtiga chang zarrachasi ko‘rinishida ifloslanishining joylashuvi shisha sirtiga berilgan ishlovga, shamol tezligi va yo‘nalishiga va atmosfera namligi kattaligiga bog‘liq. Sanab o‘tilgan shartlar O‘zbekiston sharoitida katta farq qilishidan, changlanish darajasi va uning fotoelement batareyalar parametrlariga ta‘siri xam turlicha bo‘ladi.

Xozirda AQSH, Ispaniya, Germaniya, Yaqin sharq, Avstraliya va Hindistonda yirik fotoelement sistemalar faoliyat olib bormoqda. Shuning bilan birga quyosh batareyalarini o‘rnatish qulay bo‘lgan iqlimiy zona doirasi chegaralangan: bu quyoshga boy cho‘l zonalar bo‘lib, u yerda shamolning quruq ob – xavosi tufayli chang xavoga ko‘tariladi va fotoelektrik batareya sirtiga o‘tiradi. Bir detsimetrdagi 5 g li chang qatlami quyosh energiyasi konversiya darajasini 40 % ga kamaytiradi. Changning o‘tirishining oylik normasi joylarda fotoelement sistemalarni joylashtirish nuqtai nazaridan Arizonada, Yaqin sharq, Avstraliya va Hindistonda bu qiymatdan ko‘p marta yuqori. Markaziy Osiyo mamalakatlar, O‘zbekiston, Turkmaniston va Qozog‘istonning janubiy hududlari yuqorida sanab o‘tilgan mamlakatlardan yaxshi xolatda emas. Yechimi katta quvvatli fotoelement sistemalarni qo‘llash samaradorligiga katta bog‘liq bo‘lgan asosiy muammo fotoelement batareyalar sirtini qoplangan changdan tozalash masalasidir. Yirik tadqiqot firmalari, ilmiy markazlar hozirgi vaqtda ushbu muammoni yechish yo‘lini qidirmoqdalar.

Ushbu ishda fotoelement batareya parametrlariga tashqi muxit, xavoning changlanishining ta‘siri bo‘yicha dastlabki tadqiqot natijalari keltirilgan.


O‘zbekiston hududida tabiiy sabablarga ko‘ra 3 ta viloyat shamol erroziyasiga juda moyil: Qashqadaryo viloyati, Surxandaryo viloyatining janubi – sharqiy chekkasi va Farg‘ona viloyatining g‘arbiy qismi. O‘zbekistonning ekin ekiladigan yerlarida shamol erroziyasi Farg‘ona, Zarafshon vodiylarida tarqalgan. Qurg‘oqchil iqlim sharoitida shamol erroziyasining salbiy oqibatlaridan biri atmosfera havosining changlanganligi darajasidir. Chang va tuz chiqarishning asosiy manbai Orol dengizi tubining qurigan

qismi, tashlandiq turli ko‘l sirtidir.

O‘zbekiston gidromet markazi qum – chang bo‘ronlari aerozolli tarkibidagi abraziv va tuz komponentlari tasiridan muxandis – iqtisodiy talofatni baxolashlarni o‘tkazdi. Deyarli xar bir kuzatuv nuqtasida tushish zichligining oshishi yuz berdi. Bu xududda iqlimning o‘zgarishiga, atmosferada sirkulyatsion jarayonlarning

o‘zgarishiga, hamda Orol dengizi qurishi dinamikasida keskin o‘zgarishlarga bog‘liq. Bunda cho‘l tumanlarida sirtga tushuvchi chang massasi yiliga 9 tonnaga, ekin ekiladigan tumanlarda tushuvchi chang miqdori $0,1 - 1,2 \text{ tonna/yil}$ ga yetishi mumkin . [1]

Yozda respublikaning markaziy va janubi – g‘arbiy qismlarida chang va qum bo‘ronlari yuz berishi mumkin. Tuproqning turli oqimi shamol ta‘sirida fotoelement batareya sirtiga o‘tiradi, unda yupqa qatlam xosil qilib, uning qalinligi vaqt o‘tishi bilan oshadi.



1-rasm Tashqi muhitni hisobga olgan holda “fotoelement batareya” faoliyatining parametrlarini kuzatish natijalari.

Chang bo‘ronli qumlarning o‘rtacha yillik soni mahalliy tabiiy xususiyatlarga bog‘liq va tekis xududlarning katta qismida 10 dan 30 gacha, qayerlardadir (masalan, Qarshi xududida, Amudaryo quyilishida) 50 ga yetishi, Mo‘ynoqda 64 ga yetadi . Chiqish quvvatining pasaytirishning asosiy sabablaridan biri fotoelement batareya sirtining ifloslanishi (sement, chang, bor va h.k) bo‘lib, uning darajasi tashqi muxitga bog‘liq. Ushbu muammoni bartaraf etish fotoelement batareya sirtini har hafta artish bilan amalga oshiriladi.[2]

Eksperiment natijalari bo‘yicha fotoelement batareyaning ifloslanishi asosan yil fasllariga va fotoelement batareyaning mamlakatimizning qaysi xududida joylashganiga bog‘liq deb xulosa qilishimiz mumkin. Shuning uchun ulkan fotoelektrik stansiyalarni loyixalashtirishda (quvvati 1 MW dan yuqori) fotoelement batareya sirtining ifloslanishini xisobga olish zarur. Panelni tozalash va sovutishning eng oson usuli bu panelda katta hajmdagi suv oqimini ta‘minlash. Bunga panelga suv sepib, keyin uni yana pastki qismida yig‘ish orqali erishish mumkin.

Xulosa

O'zbekiston gidromet markazi ma'lumotlariga asosan yiliga o'rtacha xisobda cho'l xududlarida 9 tonna, ekin ekiladigan tumanlarda 0,1 – 1,2 *tonna/yil* chang tushadi. Shuning uchun ulkan fotoelektrik stansiyalarni loyixalashtirishda (quvvati 1 MW dan yuqori) fotoelement batareya sirtining ifloslanishini xisobga olish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Аvezов Р.А., Аvezова Н.Р., Матжанов Н.А. Гелиотехника 2012;С. 17-24
2. Хайридинов В.Е., Холмирзаев Н.С. Sattorov A.S Quyosh energiyasi- dan foydalanishning fizik asoslari(o'quv qo'llanma), T.: Fan, 2010 y. 280 bet.

TERMoeLEKTR GENERATORLARNI SEMENT ISHLAB CHIQRISHNING ENERGIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI IMKONIYATLARI (1-QISM)

Prof. G. Abduraxmanov, G.S. Voxidova, S.A. Mamatkulova, A.T. Dehqonov, M.E. Tursunov (Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti)

Ushbu maqolada termoelektrik generatorlardan foydalangan holda O'zbekistondagi sement, g'isht va shisha zavodlarining energiya tejamkorligini oshirish masalalari ko'rildi. Yangi, zamonaviy hisoblangan termoelektrik materiallar termoelektrik generatorlarning foydali ish koeffitsiyentini 20%dan(bir bosqichda) 45-48% gacha(uch bosqichda) yetkazish mumkinli aniqlandi. Natijada termoelektrik generatorlar sement sanoatida energiya tejamkorligini ta'minlashda an'anaviy bo'lgan qurilmalardan afzal bo'lishi mumkin.


Dunyodagi barcha mamlakatlarda dolzarb muammolardan biri – energiya samaradorligini oshirishdir. Jumladan, O'zbekistonda ham iqtisodiyotning turli tarmoqlarida bu masalalarga katta e'tibor qaratilmoqda. Bu, ayniqsa, sement, g'isht va shisha ishlab chiqarish kabi energiyani ko'p talab qiladigan tarmoqlarda juda muhimdir. So'zimizning isboti sifatida, qabul qilingan bir qator qaror va qonunlarni ko'rsatish mumkin: 2019-yil 23-maydagi “Qurilish materiallari sanoatini jadal rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PQ-4335-sonli qarorida 2025-yilga kelib sement ishlab chiqarishni ikki barobarga oshirish, qurilish materiallari ishlab chiqaruvchi korxonalarda energiya sarfini kamaytirish, bu korxonalarni tabiiy gaz o'rniga ko'mirdan foydalanishga o'tkazish, qurilish materiallarining ko'p energiya sarfini talab qiladigan turlarini energiya samarador muqobil mahsulotlarga almashtirish 4-ilovaning 16-18-bandlarida alohida ta'kidlangan. 2020-yil 10-iyuldagi PQ-4779 qarorining “Yo'l xaritasi” da (6-ilova) 2030-yilga borib mahsulot ishlab chiqarishda

energiya sarfini 1,5 baravar kamaytirish va buning uchun tegishli sohalarda energiya tejamkorlik dasturlarini tayyorlash ko'zda tutilgan.

Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi [1] ma'lumotlariga ko'ra, O'zbekistonda 1 tonna sementni nam usulda ishlab chiqarish uchun 215 kg, quruq usulda esa 127 kg shartli yoqilg'i sarflanadi, bu esa issiqlik energiyasi iste'moli 1750 kV·soat/t va 1034 kV·soat/t tashkil qilishini anglatadi. Mamlakatimizda 2020-yilda 12,54 million tonna sement ishlab chiqarildi, bundan 10,03 million tonnasi klinker [2] va buning uchun mos ravishda 21,95 mlrd kVt·soat va 12,97 mlrd kVt·soat issiqlik energiyasi sarflandi. Sement ishlab chiqarishda issiqlik energiyasining asosiy iste'molchisi klinker pechlari bo'lib (1,2-rasm), ularning issiqlik samaradorligi taxminan 70% ni tashkil qiladi.



1-rasm. Aylanadigan klinker kuydirish pechi



2-rasm. Quvursimon aylanma klinker pechni uzunligi bo'yicha texnologik hududlardagi haroratni o'zgarib borishi [3]


Shunga ko'ra sement sanoatida tashlandiq issiqlikdan elektr energiyasi olish usullari va qurilmalariga qiziqish katta [4, 5].

Tashlandiq issiqlikdan elektr energiyasini ishlab chiqarish usullari. Energiyalar ichida eng qulay va talabgirliги yuqori hisoblanadigan turlaridan biri bu – elektr energiyasi hisoblanib, O'zbekistonda sement ishlab chiqarishda 1,583 (2,178) mlrd kVt·soat elektr energiyasi iste'mol qilinadi ([1] bo'yicha qayta hisoblangan). Hozirgi vaqtda tashlandiq issiqlikdan elektr energiyasini ishlab chiqarishning ikkita usuli mavjud - organik Renkin sikli (ORS) va termoelektr generator (TEG) qurilmalaridir.

ORS uskunalari, aslini olganda, oddiy bug' turbinali elektr stantsiyasidir [6, 7],

faqat unda ishchi suyuqlik – suv, oson qaynaydigan organik suyuqlik (freon, ammiak va boshqalar) bilan almashtiriladi. Bunday almashtirish, past haroratda, tashlandiq issiqlik tashuvchilariga (masalan, tutun gazlari) xos bo'lgan bug' turbinasi ishlashi uchun zarur bo'lgan bug' bosimini (6-8 MPa) ta'minlashga imkon beradi. Biroq, bu butun tizimning mustahkamligini talab qiladi va ORS zavodlarining maksimal birlik quvvatini cheklaydi, ularning ishlashini murakkablashtiradi va narxni oshiradi. Shu sababli, ORS zavodlaridan foydalanish cheklangan (butun dunyo bo'ylab 30 yil davomida 1000 ga yaqin o'rnatilgan).

TEGLar (3-rasm) eng istiqbolli hisoblanadi, ular bir qator afzalliklarga ega: harakatlanuvchi qismlari yo'q, shovqin yo'q, har qanday holatda ishlatish mumkin (maxsus muhit talab qilmaydi) texnik xizmat ko'rsatishni talab qilmaydi, bardoshlilik va mustahkamligi yuqori (kosmosda 40 yildan ko'proq vaqt davomida ishlatilib kelinmoqda). Hozirgi kunda mavjud TEGlarning ikkita asosiy kamchiligi - past samaradorlik (3-6%) va narxi baland bo'lgan (12000 AQSh dollaridan ortiq) termoelektrik materiallar (Bi_2Te_3 , PbTe, Si-Ge qattiq eritmasi) bilan bog'liqdir. Bunday holda, har bir harorat oralig'i o'z materialini talab qiladi.




3-rasm. Termoelektrik modul (a) va termoelektr generator qurilmasi (b) ning tuzilishi:

- 1 - isitgich (issiqlik ta'minoti), 2 - termoelektrik modul, 3 - radiatorlar (sovutgich),
- 4 - issiqlik tashuvchi uchun kanallar


Fizik nuqtai nazardan, Karno formulasidan tashqari, TEG samaradorligida hech qanday cheklovlar yo'q. Ushbu cheklovni bir nechta TEG ning kaskadli ulanishi bilan bartaraf etish mumkin (4a-rasm), bu samaradorlikni sezilarli darajada oshiradi (4b-rasm). Shuning uchun butun dunyoda oddiy, arzon xom ashyolardan eng sodda texnologiyadan foydalangan holda ishlab chiqarilgan yangi termoelektrik materiallar izlanmoqda va keyingi yillarda sezilarli yutuqlarga ham erishildi [8] (5-rasm).

Shunday yutuqlardan biri – Geysler qotishmasida issiq tomonining harorati 600 K va sovuq tomoni 340 K bo'lganda $ZT = 5-6$ ekanligi, natijada samaradorlik 20,8% bo'ldi. Bunday materialdan yasalgan termoelektrik modullar uch kaskadli ulanishi bilan umumiy samaradorlik 49,8% ni tashkil qiladi. Bu yutuqlar, bir tomondan, TEGlar

an'anaviy usullar bilan raqobatlasha oladi yoki hattoki samaradorlik bo'yicha ulardan o'tib ketmoqda deyishga imkon bersa, ikkinchi tomondan, TEG samaradorligi bo'yicha fundamental cheklolvar yo'qligi haqidagi xulosani tasdiqlaydi. Faqatgina tannarxi nisbatan past bo'lgan tegishli termoelektrik materialni topish kerak.



4-rasm. Ikki kaskadli TEG (a, sxema) va umumiy FIK ning kaskadlar soniga bog'liqligi (b)



Bizning tadqiqotlarimiz shuni ko'rsatadiki, o'tish oraliq metall oksidlari [8, 9] (Fe_2O_3 , CuO , MnO_2 , V_2O_5 , RuO_2 va boshqalar, shu jumladan ularning kombinatsiyalari) bilan legirlangan qo'rg'oshin silikat shisha shunday istiqbolli materiallardan biri bo'lishi mumkin. Ushbu material texnologiyasining soddaligi bilan ajralib turadi - barcha texnologik jarayonlar xona haroratida amalga oshiriladi, xomashyo mavjud va keng tarqalgan, odamlar va atrof-muhit

uchun zararsizdir. Bundan tashqari, xom ashyolardan ortiqcha tozalashsiz foydalanish mumkin. Shunga ko'ra ham, u arzon. Dastlabki tadqiqotlar natijalariga ko'ra, 800-1000 K harorat oralig'ida ushbu material $ZT \approx 2$ (samaradorlik $\approx 20\%$) ga ega.

Bu natijalar ko'rsatayapti-ki, termoelektrik generatorlar yordamida sement sanoatida katta miqdorda energiya tejash imkoniyati bor. Buning uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan termoelektrik generatorlar tuzilishi tezisimizning ikkinchi qismida keltiriladi.

Adabiyotlar

1. https://mineconomy.uz/sites/default/files/project_uzeeef/ak_uzstroy-mat.pdf
2. <https://jcement.ru/content/news/obem-proizvodstvatsumenta v uzbekistane v-2020-godu-vyros-na-14-/>
3. Бабаев Н.Х. Цемент ишлаб чиқариш технологияси: замонавий ускуналар, назарий асослар ва амалий усуллар. -М.: “Академия естествознания” нашриёт уйи, 2016.
4. Лейтан Ф. Производство электроэнергии на цементных заводах:

к автономной генерации экологически чистой энергии // Цемент и его применения 2021, №6.

5. Реутская А. «ЕВРОЦЕМЕНТ групп» расширяет энергетические возможности предприятий // Цемент и его применения 2019, №5.

6. Белов Г. В., Дорохова М. А. Органический цикл Ренкина и его применение в альтернативной энергетике. <http://technomag.bms-tu.ru/doc/699165.html>

7. Розетти Н., Бисикало А.Д. Утилизация бросового тепла с помощью органического цикла Ренкина в нефтегазовом секторе: экономические и экологические преимущества. <http://www.gtt.ru>

8. Абдурахманов Г., Вохидова Г. Наноматериалы и нанотехнологии для получения электроэнергии. Гл. 5 в: Методы создания и электронные свойства наноразмерных структур на основе молибдена, кремния и силикатов. Эргашов Ё.С., Умирзаков Б.Е., Ташмухамедова Д.А., Вохидова Г.С., Абдурахманов Г. Ташкент, 2020.

9. Abdurakhmanov G. Electrical conduction in doped silicate glass (thick film resistors). In: New Insights into Physical Sciences. V. 4, 47-71. London-Hooghly, Book Publishers International, 2020. DOI: 10.9734/bpi/nips/v4

QUYOSH ENERGIYASINI AKKUMLATSIYA QILISHNI HISOBGA PARNIKLI QUYOSH SUV CHUCHITGICH STRUKTURASI ELEMENTLARINIG O'LCHAMLARINING MUTTANOSIBLIGI ANIQLASH

Mavlonov U. M., magstrant Ramazonova M (BDU)

Ilmiy adabiyotlar taxlili ko'rsatadiki, energetik samarali chuchitgich yaratish uchun kompleks muammolarni echishga to'qri keladi.

Samarali energiya manbaiga ega bo'lish, metrologik sharoit yaratish, konstruktsiya elementlarini va shakllarini tanlab olish, ularning optimal geometrik o'lchamlarini, gorizontga nisbatan qurilma sirtlarining joylashini tanlab olish, ekspulatatsiya (ishlatish) qilish normal sharoitini yaratish konstruktsiya elementlari chegarasida issiqlik almashinish optimal sharoitini yaratish [1,2].

Suv chuchitgichlari manbai sifatida an'anaviy va noan'anaviy energiya manbalari ishlatish mumkin. An'anaviy energiya manbalari, jumladan quyosh energiyasi suv chuchitgichlar uchun qo'llanilishi mumkin [3,4].

Energetik krizisning tanqisligi, quyosh energiyasining esa amalda qar tomonlama qulayligi, uni oddiy xolda almashtirish natijasida gelioqurilmalar yaratish va ularni ichimlik suvlarini olishga qaratish hozirgi zamon dunyo olimlarini qiziqtirib kelmoqda

[5,6].

Isrof issiqlik yo'qotish miqdori dastlabki

$$Q_{\text{пот}} = Q_{\text{сход}} \cdot \sum_i^n \alpha_i, \quad (1)$$

Quyidagi talab bajarilishi uchun quyidagilarni bajarish kerak.

– β ni oshirish uchun tubning sirt yuzasini oshirish kerak. Tubning sirt yuzasini oshirish uchun kapilyar- kovak materialidan qo'shimcha sifatida foydalanish kerak, bu esa bug'lanuvchi yuza vazifasini bajaradi.

Akkumulator sifatida kapilyar-kovak material gips mavjud etiladi. Quyosh akkumulyatorlari qurilma ichida vertikal joylashtiriladi.

Kapillar – kovak massasini quydagicha aniqlaymiz. Kapillar-kovak material element taxlili ha topiladi.

$dv = dx \cdot dy \cdot dz$ $\Delta\tau = \tau_2 - \tau_1$, vaqt ichida T_1 dan T_2 gacha isitilsa, unda issiqlik miqdori quydagisi воспринимает количество тепла, равное

$$Q = c \cdot \gamma \cdot (T_2 - T_1) dv.$$

Akkumulatorni isitish uchun ΔT vaqt ichida.

$$\Delta Q = Q_2 - Q_1 = c\gamma \int_{(v)} (T_2 - T_1) dv = c\gamma V \frac{1}{V} \int_{(v)} (T_2 - T_1) dv. \quad (2)$$

Integral harorat (o'rtacha temperatura)

$$\bar{T} = \frac{1}{V} \int_{(v)} T dv, \quad (3)$$

Unda (2) formulani quydagicha yozamiz.

$$\Delta Q = Q_2 - Q_1 = c\gamma V (\bar{T}_2 - \bar{T}_1), \quad (4)$$

Akkumulyatsiya jarayonida $\bar{T}_2 > \bar{T}_1$.

Akkumulatorni isitish uchun τ vaqtda quydagicha energiya isrof bo'ladi.

$$Q - Q_o = c\gamma V (\bar{T} - \bar{T}_o), \quad (5)$$

Solishtirma issiqlik isrofi quydagicha bo'ladi.

$$\Delta Q_v = c\gamma (\bar{T} - \bar{T}_o). \quad (6)$$

(5) formuladan kapilyar – kovak akkumulatorini massasi aniqlanadi.


$$M = \gamma V = \frac{Q - Q_o}{c(\bar{T} - \bar{T}_o)}. \quad (7)$$

Aytish joizki isrof qilingan issiqlik miqdori eksperimental aniqlanadi.

Masalan, sutkalik issiqlik miqdori qurilma ichida $(Q - Q_o) = 2,8 \frac{M \text{дж}}{m^2 \text{град}}$ bolsa,


solishtirma issiqlik miqdori (gips uchun) $-c = 0,88 \frac{\text{кДж}}{\text{кг} \cdot ^\circ\text{C}}$; zichlik $- \gamma = 1650 \frac{\text{кг}}{m^3}$;

temperatura farqi $(60 - 70)^{\circ}\text{C}$, bolsa, unda akkumlator massasi $M \approx 45\text{kg}$, bo'ladi, hajmi esa $V = 0,03\text{m}^3$ bo'ladi.



1 Suv-nasos gelio chuchitgich qurilmasining qurilmasi:

1-chizma. 1) suv quvuri devorida ishlatilgan g'isht devor. 2) Kapilyar kovak materialidan yaralgan quyosh akumlyatori. 3) Minerallashgan quvur suvi. 4) quvur suvi osti qayroq tosh. 5) issiqlik izlyatori- steklovator 6) suv chuchitgich qismi skeletining yog'ochli qismi 7) optic shaffof sirt 8) yer osti tuproq qism 9) Nova



Ishlash prinsipi: quyosh radiatsiyasi qurilmaning shaffof qismidan o'tib (g'ishtli devor) qismini isitadi. Gishtli devor quyosh akumlyatori sifatida o'zini namoyon etadi. Kunduzi quyosh radiatsiyasi gishtli devor orqali to'liq yutiladi. Quvur devorlari kun bo'yi qabul qilingan quyosh radiatsiyasini akumlyator sifatida ishlaydi.

Kechqurun quyosh radiatsiyasi tushmagan holatda gisht-akumlyatordan chiqqan akumlyatsalangan issiqlik energiyasi hisobida quvurdan absordsiyalangan suv bug'lanib, suv-havo aralashmasi yuzaga keltiriladi.

Suv-havo aralashmasi qurilmaning butun hajmi boyicha tarqalib suv chuchitgichi qismining shaffof sirtlarida kondensatsiyalanadi va sirt bo'yicha suv tomchilariga aylanib qurilma novasiga oqib tushadi. Nova orqali kondensat to'planadigan idishga

yig'iladi.

Quyosh radiatsiyasining oshib borishi bilan qurilmadan ajralib chiqqan suv kondesati miqdori oshib boradi. Misol, 2012-yil 15-20 iyun oyida o'tkazilgan tajriba natijalariga asosan quyosh radiatsiyasining kunlik miqdori o'rtacha $2.10^8 \frac{MJ}{kun \cdot m^2}$. bunday holatda, sharoitda ajralib chiqqan suv miqdori 2.5 litrni tashkil etdi.

Quyosh energiyasini akkumlatsiya qilishni hisobga olgan holda parnikli quyosh suv chuchitgich strukturasi elementlarinig o'lchamlarining muttanosibliigi aniqlandi:

Quyosh suv chuchitgichining har qaysi konsturksiya elementlari yuzalarining qurulma butun nisbati asosida elementlardan yutilgan va isrof qilingan issiqlik energiya miqdorlari aniqlandi:

Suv-nasos quyosh chuchitgichi akkumlyatori o'lchamlarini aniqlandi.

Adabiyotlar

1. Байрамов.Р.Б, Сейтқурбанов.С. Сравнительные испытания солнечных опреснителей парникового типа, «Изв.АН.Туркм.ССР. Сер. Физико-технических, химических и геологических наук» 1964 188-б

2. Мирзаахмедов Б.М. Амалий физика. Тошкент: Уқитувчи. 1994.-154 б. Содиқов Г., Хайридинов Б., Нуридинов Б.Ўрта мактабда гелиотехника элементлари.Тошкент:Уқитувчи.5-15 б.

3. Очилов Б.М., Шадыев О.Х., Жураев Т.Д. Солнечные опреснители и холодильники. Ташкент: Фан. 1976. с. 15.-б

4. Байрамов Р.Саитқурбанов. опреснение воды с помощью солнечнойэнергии. Ашхабад. Д977Й. 69-б

6. БоломерДж.В.,Коллинс Р.А.,Эйбилинг Д.А.Полевые испытания солнечных опреснителей морской воды.В.кн.:Опреснение соленых вод. М., 1963.98-б.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МАВЖУД СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ГИДРОЭНЕРГЕТИК ПОТЕНЦИАЛНИ АНИҚЛАШ.

магистрант А.А. Саматов, А. Фозилов (НамМҚИ)

Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан 02.05.2017 йилда “2017-2021-йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги ПҚ-2947 қарори имзоланган [1]. Ушбу қарорга кўра республика худудларида гидроэнергетика ва унинг потенциалидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, кичик ва микро гидроэнергетикани ривожлантириш, гидроэнергетик қурилма ва объектларни ўрнатиш ҳамда ишга тушириш оид

жараёнларни тартибга солиш назарда тутилган.

Бугунги кунда вилоят бўйича ойлик электр энергия истеъмоли 432 000 млн. кВт·соат ни ташкил этади. Шу жумладан, 350 000 млн кВт·соат ишлаб чиқариш корхоналари, 82 000 млн кВт соат эса маиший истеъмолчилар ҳисобланади [2].

Аҳоли ёки маиший истеъмолчилар истеъмол қиладиган қувватни гидроэнергетик потенциалдан фойдаланиб компенсация қилиш мумкин.

Вилоятимизнинг кўп ҳудудларида гидроэнергетик потенциалнинг юқори эканлигини инобатга олиб йилига микро ва кичик ГЭС лар ҳисобига 700 млн кВт электр энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимизда истеъмол қилинаётган электр энергиясининг 0,03 % ни кичик ГЭС лар ҳисобига тўғри келишини назарда тутган ҳолда айтиш мумкинки, вилоят энергетикасида мавжуд гидропотенциалга эга бўлган сув ҳавзаларини аниқлаш ва ирригация тармоқларига зарар етгазмаган ҳолда уларнинг потенциалидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, истеъмол қилинаётган қувватни компенсациялаш вилоятдаги мавжуд ҳавзалар учун гидроэнергетик потенциаллар таҳлил қилинди ва электр энергия ишлаб чиқариш қуввати бўйича турларга ажратилган ҳолда кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилди [3]:

1-жадвал. Аниқланган сув ҳавзалари ва улардаги потенциаллар бўйича маълумотлар

№	Номлари	Дарё	Туман	Тоифаси	Сув сарфи ГЭС орқали м ³ /сек	Сув босими метр	Қувват, кВт	Ўртача йиллик и/ч электр энергияси Млн. кВт*соат
1	Қизил ровот	ШФК	Уйчи	Қулай	2	16	260	1
2	Узун арик	Ертикон сув омбори	косонсой	Қулай	1	16	130	0.5
3	Қизил ровот 2	Наманган канали	Уйчи	Қулай	1.5	80	980	1.7
4	Янги ер1	Октябр канали	Учқўрғон тумани	қулай	4	3	100	0.47
5	Янги ер 2	Октябр канали	Учқўрғон тумани	Қулай	4	3	100	0.47
6	Янги ер	Октябр	Учқўрғон	Қулай	4	3	100	0.47

	3	каналли	тумани					
--	---	---------	--------	--	--	--	--	--

Вилоятимизнинг Учкўрғон туманидан оқиб ўтувчи Норин дарёси Уйчи туманидан оқиб ўтувчи Шимолий Фарғона Каналини сув билан таъминлайди ва каналнинг асосий қисми Норин дарёси билан паралел равишда оқиб ўтади. Шимолий Фарғона Каналининг № 100 пикетида Бош тўғон мавжуд бўлиб уни вазифаси Аварияли холатларда (сув тошқини, сел мавсуми ва бошқа холатларда) керагидан ортиқча сувларни Норин дарёсига ташлаб юбориш канали мавжуд бўлиб ШФК билан Норин дарёси ўртасидаги тафовут 15-16 метрни ташкил этади. Бу эса ташлама каналига 260 кВт ли Микро ГЭС қуриш имконини беради. Бу эса йиллик 1 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин. Косонсой туманидаги Ертикон сув омборидан чиқувчи Узун ариқ сув манбалари қувватига кўра қурилиши мумкин бўлган микро ГЭСлар қаторига киради.


Учкўрғон туманидан оқиб ўтувчи Октябрь канали Учкўрғон туманидан бошланиб қарийиб туман суғориладиган ер майдонларини 90% ни сув билан таъминлайди. Шунингдек, вегетация даврида эса ўртача доимий 4-5 м³/с ни ташкил этади.

Октябрь каналининг денгиз сатҳидан 467,8 м баландликда жойлашган 159-пикетида 3 метр, 88 пикетида 3 метр, 90 пикетлар оралиғида 3 метрли напор мавжудлиги эса бу участкаларга ҳам 100 кВт қувватли микро ГЭС қуриш имконини беради. Бу эса йиллик 1.5 млн кВт/соат электр энергиясини ташкил қилади.

Норин дарёсининг 90-пикетидан бошланган ШФК каналидаги сув сарфи 100 м³/с ни ташкил этиб Наманган вилоятининг 200 минг гектар ерини суғориш ва кўшни Тожикистон республикасининг Ашт туманидаги 2000 гектар ерини суғоришга мўлжалланган. ШФК нинг 20 пикетида “Қизил ровот 1” сув кўтариш насос станцияси қурилган бўлиб асосий вазифаси Наманган каналининг кўшимча сув билан таъминлашдан иборат бўлиб фақат вегетация даврида ишлашга мўлжалланган. Каналлар орасидаги ер сатҳилари тафовути 25 метрни ташкил этади. Бу каналлар ҳам йўналиши бўйича паралел оқиб ўтган бўлиб ШФК нинг 150 пикетида “Қизил ровот 2” Сув кўтариш насоси мавжуд бўлиб бу ердаги каналлар орасидаги тафовут 80 метрни ташкил этади. Бу эса бизга шу ерга микро ГЭС қуриш имконини беради. Буни амалда қандай бажарилишини кўриб чиқамиз. Шимолий Фарғона Каналининг 20 пикетидан насослар ёрдамида куннинг электр энергияси кам истемол қилинадиган даври яни 15⁰⁰ да ишга туширилиб 2 м³/сек сувни Наманган каналига ташлаб берилса. Наманган каналига қуйилган сувнинг оқим тезлиги бўйича ШФК нинг 150 пикетигача етиб бориш вақти тахминан 2 соатни ташкил этиб соат 17⁰⁰ етиб боради ва системага электр

энергияси тиғиз вақтига қўшимча электр энергиясини ишлаб чиқариш имконини беради.

Демак қуйидаги жадвал ёрдамида фикрларимизни тартибга соламиз:



2-расм. ШФК нинг 20÷150 пикетлари ва Наманган каналининг 120÷250 пикетлари орасидаги гидроэнергетик потенциал

Юқоридагилардан хулоса қилиб ўрганишлар натижаси сифатида қуйидаги расмларни илова қиламиз (3,4-расмлар).

Ўрганилган истиқболли майдончалар сони – 21 та	Тақлиф этилаётган	Мақсадга мувофиқ эмас	Сабаби	
“Tractabel Engineering GmbH” (Германия) томонидан тавсия этилган	6 та	2 та	4 та	Инфраструктура мавжуд эмас. Автомобил йўллари майдончага 15-25 км етмасдан тугайди. Яқин атрофда аҳоли пункти ва электр тармоғи мавжуд эмас.
Қўшимча аниқланган	15 та	15 та	-	

Аниқланган истиқболли лойиҳалар

Лойиҳа сони 17 та Қуввати 86,5 МВт	ГЭС тури	Кичик ГЭС (5-30 МВт)	Мини ГЭС (1-5 МВт)	Микро ГЭС (0.1-1 МВт)
	Лойиҳалар сони	7 та	3 та	7 та
	Қуввати	76,4 МВт <small>7,2+11,2+7,23+12+10+6 МВт</small>	7,3 МВт <small>2,4 МВт+2,8 МВт+2,1 МВт</small>	2,8 МВт <small>0,22+3*0,28+2*0,75+0,24 МВт</small>

3-расм. Наманган вилоятида микро ГЭС ларни қуриш бўйича истиқболли ҳудудларни ўрганиш натижалари

Қамчиқ



Оралиқ



Катта Андижон канали



Чорсу



Косонсой



Чортоқ



Шоҳимардон



Янгиариқ



4-расм. Аниқланган потенциялли сув ҳавзалари кўриниши

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон қонун ҳужжатлари маълумотлар базаси <https://lex.uz/uz/>.
2. Наманган ҳудудий электр тармоқлари ҳисоблаш ва назорат бўлими маълумотлари асосида, <http://minenergy.uz>.
3. “Гидролойиха” АЖ нинг геодезия бўлими ҳисоботи. 2021 йил.

TURAR JOY BINOLARINING YORITISHINI INSON FIZALOGIYASIGA TA’SIRI

dost. Q.B.Umarov, magistrant. I.X. Izzatullayev, (NamMQI)

Turar joy uylari xonadonlaridagi yoritish tizimlarini loiyalashda xonalarning yoritilganligiga e’tibor berish lozim bo’ladi. Turar joy uylari xonadonlaridagi ishchi yuzalarini aholi sotib olgan ixtiyoriy yorug’lik manbalaridan yoritishning qurama tizimidagi eng kam yoritilganligi: yozuv stoli, tikish va boshqa qo’l mehnati uchun ishchi sirtniki 300 lk, oshxona stoli va idish tovoq yuvish joyiniki – 200 lk tavsiya qilinadi. Turar joy uylari xonadonlarini tabiiy va suniy yoritishda yuqoridagilarga e’tibor qaratish lozim.

Yorug'lik - inson hayotidagi muhitning eng muhim elementi bo'lib, u inson tanasining funktsiyalarini nazorat qiladi, metabolizm va endokrin bezlarning faoliyatiga ta'sir qiladi. Yorug'likning ruhiy holatiga ta'siri insonning unga qarama-qarshi ta'sir qiladigan yorug'lik va soyaning muvozanatli almashinuviga bo'lgan ehtiyoji bilan bog'liq. Inson uchun yorug'likning alohida ahamiyati turar-joy binolarida sun'iy yoritishni tashkil qilishda hal qilinishi kerak bo'lgan uchta asosiy vazifani qo'yadi:

birinchisi, vizual va psixologik qulaylikni yaratish: yorug'lik ko'rish uchun eng yaxshi sharoitlarni ta'minlashi, ko'zning charchashining oldini olishga yordam berishi, yaxshi sog'liq va farovonlikni saqlashi, dam olish, o'qish, ovqat pishirish va boshqa uy ishlari uchun yoqimli muhit yaratishi kerak.

Ikkinchisi, turar-joy binosining vazifasi va tuzilishini tashkil etilishi bilan bog'liq bo'lib, sun'iy yoritishning har bir alohida xonaning maqsadiga, uning vazifasiga, maydonlariga, shuningdek, turli vaqtlarda oila ehtiyojlarining o'zgarishiga optimal muvofiqligidan iborat bo'lishi kerak [1].

Uchinchi vazifa turar-joyning hissiy va badiiy yechimi bilan belgilanadi, bunda yorug'lik binoning ichki muhitini asosiy kompozitsion va dekorativ dizaynini va uning bezaklari bilan uyg'unlashishi, ularga o'ziga xoslikni berishi, yashash muhitini badiiy va yaxlitlik muhitga aylantiradigan fazilatlarga ega bo'lishi kerak.

Xonaning ichki qismdagi turli sirtlarga tushgan sun'iy yorug'lik nurlari ularni notekis yoritadi: buyumlarning bir qismi ko'proq yorug'lik oladi, boshqalari kamroq, boshqalari esa umuman olmaydi. Sirtning yoritilishining kuchi yorug'lik manbasining kuchiga va bu sirt yorug'lik manbasiga nisbatan yorug'lik oqimi tushish burchagiga bog'liq. Perpendikulyar nurlar tushadigan sirtlar yuqori yorug'lik tushashadigan yuzalar hisoblanadi. Nurlarning qiyaligi qanchalik kuchli bo'lsa, ular yuzaga kamroq tushsa, shunchalik zaifroq yoritiladi. Bundan tashqari, yorug'lik kuchi masofaga qarab o'zgaradi: yorug'lik manbai qanchalik uzoq bo'lsa, sirt zaifroq yoritiladi va ob'ektning sifatleri kamroq paydo bo'ladi. Ma'lum bo'lishicha, ko'zlarning e'tiborini yuqori yorqinlik emas, balki ular bilan birga keladigan qarama-qarshiliklar jalb qiladi. Ko'z ular uchun "ov" qilganga o'xshaydi. Qorong'i maydonning yorug'lik maydoni bilan qo'shilishi ko'rishni boshqaradi va atrof-muhitni idrok etish ketma-ketligini belgilaydi. Binobarin, yorug'lik xonada notekis yoritishni yaratish va ma'lum bir shaklni idrok etish o'lchovini belgilash vositasi sifatida ishlatilishi mumkin. Yorug'likni to'g'ri taqsimlanishi bizga xonaning go'zalligini ochib berishga, uni yanada go'zalroq qilib jihozlashimiz imkonini beradi. To'g'ri tashkil etilgan yorug'lik effektlari yordamida yorug'lik va soyaning uyg'unlashishi, bizga atrof-muhitning naqadar go'zalligi va xilma-xilligi tuyg'usini beradi [2].

Yorug'lik xonaning ichki muhitiga hayot bag'ishlaydi va albatta, insonning o'zini his qilish uchun muhim ahamiyatga ega. Yorug'lik ko'pincha quydagi hissiy toifalarda tasvirlanadi: g'amgin, muloyim, mehribon, qattiq, iliq va hokazo. Fiziologik sabablarga ko'ra, odamlar sun'iy yorug'lik miqdorini juda yaxshi bilishadi. Shunday qilib, uyquchanlik, muvozanat, depressiyani keltirib chiqaradigan xonaning yetarli darajada yoritilmasligi insonning jismoniy, ruhiy va ijtimoiy salomatligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Shu bilan birga, xonadagi juda ko'p yorug'lik miqdori xonani juda ham ochib beradi, bu

esa insonni ishonch va xavfsizlik hissidan mahrum qiladi. Insonning biologik ehtiyojlariga ko'ra, yashash xonasidagi sun'iy yorug'likning sifati quyosh nuriga imkon qadar yaqin bo'lishi kerak. Terapiyada rangli yorug'lik odamga samarali ta'sir ko'rsatishi isbotlangan. Rangli yorug'likda rang yengil va butunlay boshqacha tarzda qabul qilinadi. Uning yordami bilan siz xonada turli xil rang muhitini yaratishingiz mumkin, shuningdek, turli xil rang kombinatsiyalarini olishni hisobga olgan holda yorug'likni tartibga solib, haqiqiy rang va yorug'lik spektakllarini yaratishingiz mumkin. Rangli yorug'lik manbalari ship, devorlar, pol tekisligi, ichki bezatish buyumlari, masalan, stol ustidagi gullar va boshqalarning sirtlariga kiritilishi mumkin [3].

Sun'iy yoritish insonning kunlik tetiklik davrini oshirish uchun mo'ljallangan. Shunga ko'ra, u barqaror bo'lishi kerak, miltillamasdan, "porlashi" juda kuchli bo'lmasligi kerak, lekin vizual zo'riqishsiz kerakli ishlarni bajarish uchun yetarli bo'lishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. A.M.Kasimakhunova, Sh.A.Olimov, R.Nurdinova, Tahir Iqbal, L.K.Mamadaliyeva. Highly Efficient Conversion of Solar Energy by the Photoelectric Converter and a Thermoelectric Converter. Journal of Applied Mathematics and Physics, 2018. 6,1-10. 520-529 стр.

2. Мамадалиева Л.К. Разработка высокоэффективного селективного фототермопреобразователя на основе гетероструктурных фотопре-образователей и термоэлементов из BiTeSb-BiTeSe. автореферат диссертации доктора наук (DSc) по техническим наукам, Ташкент, 2020 г.

3. Васильев, А.П. Ландсман. Полупро «Советское радио», 1971 г. Москва. роводниковые фотопреобразователи, 1971 г.

VIRTUAL ELEKTR STANTSIYA – ELEKTR ENERGIYASINI TAQSIMLASHNING “AQLLI BOSHQARUV” YO’LI

dots. Izzatillayev J. Magistr.O. Dadaxanov (NamMQI)

Hozirgi kunda barcha energiya ta'minotini ta'minlaydigan bir nechta yirik elektr stantsiyalari davri eskirgan bo'lib, taqsimlangan energiya resurslari allaqachon qayta tiklanadigan energiya manbalariga asoslangan va bu energiya tizimining muhim qismidir. Qayta tiklanuvchi manbalardan elektr energiyasi ishlab chiqarish hajmining o'sishi elektr energiyasi ta'minoti ishonchliligi va sifatini saqlashga qaratilgan qo'shimcha chora-tadbirlarni amalga oshirish zaruratini keltirib chiqarmoqda. Buni ta'minlash, shuningdek, talab va taklifni qondirish uchun energiya tizimlarida qayta tiklanadigan energiya muhim o'rin tutadi. Energiya ishlab chiqarish va saqlash

texnologiyalarining rivojlanishi energiya xizmatlariga yangi talablarni keltirib chiqardi. Ushbu rivojlanishni qo'llab-quvvatlash uchun resurslarni boshqarish imkonini beradigan yangi teleinformatik tizim virtual elektr stansiyalar joriy qilish kerak bo'ldi. Virtual elektr stansiyalar ko'p turdagi subyektlar tomonidan ishlab chiqilishi mumkin, masalan, taqsimlash tizimining operatorlari, elektr generatorlari, energiya klasterlari.

Virtual elektr stansiyasi issiqlik va gidroelektr stansiyalari, shamol stansiyalari va quyosh parklari va boshqa qayta tiklanadigan energiya manbalari, shuningdek, moslashuvchan energiya iste'molchilari va batareyalar kabi o'rta darajadagi markazlashtirilmagan energiya bloklari tarmog'idir. O'zaro bog'langan bo'linmalar virtual elektr stantsiyaning markaziy boshqaruv punkti orqali aloqa qiladi, ammo shunga qaramay o'z faoliyati va egaliklarida mustaqil bo'lib qoladi. Qayta tiklanadigan energiyaning vazifasi yuklanishning eng yuqori davrlarida alohida birliklar tomonidan ishlab chiqarilgan energiyani oqilona taqsimlash orqali tarmoqdagi yukni kamaytirishdir [1].

Dunyoda allaqachon muvaffaqiyatli amalga oshirilgan virtual elektr stantsiyalar loyihalari mavjud. Germaniya 2010-yildan boshlab virtual elektr stantsiyani joriy yetish bo'yicha yetakchi, eng yirik virtual elektr stantsiyalaridan biri Next Pool mamlakatda faoliyat ko'rsatmoqda, uning quvvati 4 GWt dan oshadi, Next Kraftwerke GmbH uning operatori bo'lib, elektr energiyasini ishlab chiqaradigan va iste'mol qiluvchi 5140 dan ortiq energiya bloklarini birlashtiradi [2].

Virtual elektr stantsiya muvozanatni ta'minlash maqsadida elektr energiyasi iste'molchilarini salbiy balans bilan masalan, elektr stantsiyasi tarkibiga kiradigan sanoat korxonasi ishlab chiqarishni ko'paytirish va shu bilan ortiqcha quvvatni tarmoqdan olib tashlash to'g'risida buyruq olishi mumkin. Shu bilan birga, virtual elektr stantsiya bir vaqtning o'zida energetika sohasida optimallashtirish, barqarorlashtirish, moslashuvchanlik va integratsiya kabi bir nechta muammolarni hal qilishga yordam beradi.

Energiya ishlab chiqaruvchisi tomonidan yaratilgan virtual elektr stantsiya faoliyatining maqsadlari:

- ✚ yukni optimallashtirish orqali birliklar tomonidan ishlab chiqarilgan energiyani sotishdan tushadigan daromadlarni oshirish. Energiya bozorida taklif qilish va iste'molchilar talabiga javob beradigan elektr energiyasini muvozanatlash uchun ishlab chiqarishning moslashuvchanligidan foydalanish.

- ✚ Operatsiyalar xavfini kamaytirish, masalan, ilg'or prognozlash modullari va ko'plab birliklarning hamkorligidan foydalangan holda energiya bozorida ishlab chiqarish birliklarining nomutanosibliigi. Rejadan tashqari hodisalarga tez va optimal munosabatda bo'lish imkoniyati.

✚ Prognozlash, optimallashtirish, nazorat qilish va hisobot berish uchun mas'ul bo'lgan tizimlarni birlashtirish va integratsiyalash orqali operatsion harajatlarni kamaytirish [3].

Ko'plab mamlakatlarda aqlli energiya texnologiyalarini joriy etish endigina boshlanmoqda, ularning rivojlanishiga mamlakat energetikasi va iqtisodiyotining o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq bir qator to'siqlar to'sqinlik qilmoqda, ular orasida:

-taqsimlangan avlodning zaif rivojlanishi;

-kichik avlod obyektlarining ulanishini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarning yo'qligi;

-o'rtasida aloqa yaratish va tashkil yetish bilan bog'liq texnik muammolar

Virtual elektr stantsiyalari turli xil energiya bloklari guruhini boshqarishda zamonaviy energetika sektorining ehtiyojlarini qondira oladigan ideal vositadir. Yechimlarning ko'p qirraliligi va virtual elektr stansiya shakllarini ehtiyojlarga moslashtirish qobiliyati yaqin kelajakda ushbu turdagi tizimlar soni ortib borayotgan obyektlar tomonidan qo'llanilishiga olib keladi. Normativ muhit ham virtual elektr stantsiyani rivojlantirish uchun qulay bo'ladi. Tarqalgan qayta tiklanadigan energiya manbalari miqdorining ortib borishi, ikkinchi tomondan, doimiy ravishda o'sib borayotgan muvozanat talablari bunday tizimlarni joriy etishni ushbu sohada iqtisodiy jihatdan asoslangan tadbirlarni amalga oshirish uchun zarur qiladi. Yangi qoidalar, shuningdek, ishlab chiqarish bloklari va energiyani saqlashning moslashuvchanligidan yaxshiroq foydalanish va ko'proq qiymat berish imkoniyatlarini beradi. Bu omillarning barchasi yaqin kelajakda virtual elektr stantsiyani elektr energiyasi bozorida faoliyat yurituvchi subyektlar uchun eng muhim vositaga aylantiradi.

Foydanilgan adabiyotlar.

1. С.Ю. Анушенко, И.Ю. Семькина. Виртуальные электростанции.
2. Next Kraftwerke GmbH. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.next-kraftwerke.com> (дата обращения 05.03.2019)
3. Arkadiusz Przychodzień. Virtual power plants - types and development opportunities.

VODOROD QAYTA TIKLANUVCHI VA EKOLOGIK TOZA ENERGIYA

*ass L.M. Raufov, ass A.A. Abdulkaxxarov, ass Sh.M.Xojibekova, talaba U.S.
Saidov (I.Karimov nomidagi TDTU Olmaliq filiali)*

Barchamizga ma'lumki, iqlim o'zgarishi eng dolzarb masala bo'lib saqlanib qolmoqda va buning asosiy sababchisi sifatida uglevodorod yoqilg'ilaridan keng

foydalanish ko'rilmoqda. Iqlim o'zgarishining sa'lbiy oqibatlarini esa nafaqat dunyo aholisining, balki har bir O'zbekistonlikning ko'z o'ngida sodir bo'layapti va uni sezmoqdamiz. Yurtimizda kuzatilayotgan, iqlimimiz uchun yangilik sifatida qaralayotgan chang bo'ronlari ham buning yaqqol dalili sanaladi.

O'zbekistonda erkin iqtisodiy zonalari tashkil qilish orqali iqtisodimizni rivojlanishi bilan birgalikda O'zbekistonda energiya ma'nbaalariga bo'lgan ta'lab ham sezilarli darajada oshib bormoqda. Bu talabni qondirish esa uglevodorodlarni yoqish orqali energiya olish hajmini oshirish bilan qondirilmoqda. Shuni ham aytib o'tishimiz kerakki muqobil energiya tizimlarini joriy qilishda ham yurtimizda dadil qadamlar tashlanmoqda, lekin bu mavjud talabni qondirish imkoniyatini bera olmaydi. Qayta tiklanuvchi energiya ishlab chiqarish iqtisodiy jihatdan qimmat, iqtisodiyoti rivojlanayotgan davlatlar uchun esa maqbul yechim hisoblanmaydi, lekin O'zbekiston kabi iqlim o'zgarishlari ta'sirini o'zida chuqur his qiladigan davlat uchun esa qayta-tiklanuvchi, vodorod energiyasini qo'llab-quvattlash, uni joriy qilish ahamiyatlidir.


Vodorod energiyasi qayta tiklanuvchi, ekologik energiya sifatida.

Ma'lumotlarga ko'ra, 1995 yildan beri Kanada dunyoda birinchi bo'lib o'zining shahar transport parkida vodorod yoqilg'isidan foydalangan. O'n yil o'tib, bunday tashabbus Niderlandiya, Ispaniya, Germaniya, Italiya, Lyuksemburg va Islandiyada tashkil etilgan. 2010 yilda Italiyaning Enel kompaniyasi 16 megavatt quvvatga ega birinchi vodorod elektr stansiyasini ishga tushirdi, bu esa atmosferaga 17 ming tonna CO₂ chiqindilarining oldini oladi [1].

Germaniya 2018-yilda 180 ta vodorod yonilg'i quyish shoxobchalarini o'rnatdi va 2023-yilga kelib ularni 500 taga yetkazishni rejalashtirmoqda. Yaponiyaning vodorod dasturi 2030-yilga kelib 5.3 million vodorod yonilg'i birligidan foydalanishni maqsad qilgan[2].

Xalqaro ekspertlarning fikricha, 2050 yilga borib vodorod energiyasining jahon energetika sektoridagi ulushi 18 foizni, asr oxiriga kelib esa 40 foizdan ortiqni tashkil qiladi[3,4].

Yurtimizda esa bir qancha olimlar o'zlaring vodorod energiyasi ishlanmalarini, innovatsyon loyihalarini taqdim qilib kelmoqdalar. Innovatsiya vazirligi tashabbuslari asosida bu borada salmoqli ishlar bajarilib kelinmoqda.



1-rasm. Elektroliz usulida vodorod olish

Elektroliz usulida vodorod ajratib olish texnologiyasi ekologik toza hisoblanadi 1-rasm. Energiyaga bo'lgan talab sutkaning turli vaqtlarida turlicha bo'lganligi sababli mavjud energetika ishlab chiqaruvchi korxonalarining turli yo'qotishlar bilan ishlashiga olib keladi. Talabning keskin o'zgarishi bilan korxonalar ishlab chiqarish miqdorini keskin tushirishi yoki ko'tarishi mavjud texnologik qurilmalarning tez ishdan chiqishiga olib keladi. Shuningdek yirik issiqlik elektr stansiyalarida energiyaga bo'lgan talabga ko'ra elektr energiya ishlab chiqarishga moslashish juda murakkab xisoblanadi, ushbu moslashish jarayoni esa uzoq vaqtni talab qiladi. Ortiqcha ishlab chiqarilgan energiyani saqlash esa ushbu miqdor uchun imkonsiz xisoblanadi. Energiya saqlovchi akumulyatorlardan foydalanish esa juda qimmat va xizmat muddati qisqa hisoblanadi.

Vodorod energiya sifatida nafaqat ishlab chiqarish, saqlash, uzatish uchun ham qulay energiya hisoblanadi. Istemolchilarning elektr energiyaga bo'lgan talabi keskin tushib ketadigan vaqtlar oralig'ida ishlab chiqarilgan ortiqcha energiyadan vodorod ishlab chiqarishda foydalanib, talab yuqori bo'lgan vaqtlarda esa ishlab chiqarilgan vodoroddan elektr energiya olishda foydalanishni yo'lga qo'yish orqali energiya samaradorligini oshirish mumkin. Shuningdek ishlab chiqarilgan vodorodni istemolchilarga yetkazib bersa ham bo'ladi.


Foydalanilgan adabiyotlar va web resurslar:

1. Козлов С. И. Водородная энергетика: современное состояние, проблемы, перспективы. — М.: Газпром ВНИИГАЗ, 2009. — 520 с. -ISBN 5-89754-062-4;
2. <https://yuz.uz/uz/news/vodorod-energetikasi--istiqbolli-energiya-manbai>
3. <https://xs.uz/uz/post/vodorod-sanoati-kelazhak-energiyasi>
4. <https://rg.ru/2021/04/28/pomogut-li-chistoj-energetike-deshevyekredity.html>

ZAMONAVIY ENERGETIKADA REKTENNALARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

G. Abduraxmanov, A.T. Dexqonov, M.E. Tursunov, S.A.Mamatqulova (O'zMU)


Toza qayta tiklanadigan energiyaga global talabning tobora ortib borayotgani bizning sayyoramiz kelajagi uchun katta iqtisodiy va ijtimoiy ta'sir ko'rsatadigan muhim mavzudir. Ta'biy qazilma energiya resurslari cheklanganligi bois, butun dunyoda energetikaning istiqbolli yo'nalishlarida izlanishlar olib borilmoqda. Quyosh doimiy energiya manbai, shuning uchun uning nuridan elektr energiyasi olishning samaraliroq usullarini yaratish aholini va iqtisodiyot tarmoqlarini energiya bilan ta'minlash muammosini hal qiladi hamda atrof-muhitni muhofaza qilishga yordam beradi. Shunday istiqbolli yo'nalishlardan biri rectennalar bo'lib, boshqa tur elektr energiyasi manbalariga nisbatan qator afzalliklari bor. Rektenna va quyosh elementi o'xshashdir, chunki to'g'ridan-to'g'ri elektr energiyasi olish uchun ikkala holatda ham fotonlarning yutilishi lozim. Biroq, ularning ishlash prinsiplarida sezilarli farq mavjud. Rektenna qurilmasining qismlari 1-rasmda ko'rsatilgan. Bunday qismlardan iborat qurilmalar o'ta yuqori chastotali asboblarda keng tarqalgan. Antenna kiruvchi elektromagnit to'lqinlarining energiyasini qabul qiladi, to'g'rilagich esa uni o'zgarmas tokka aylantiradi.



1-rasm. O'ta yuqori chastota rektennasi va yuklanmaning blok sxemasi


Elektromagnit to'lqinining elektr maydoni o'tkazuvchi antennada o'zgaruvchan tokni keltirib chiqaradi. Antenna va to'g'rilagich o'rtasida impedans mosligini hosil qilish uchun past chastotalarni o'tkazuvchi filtr ishlatiladi va signalni sozlangan ish chastotasida uzatadi, hamda to'g'rilagich tomonidan ishlab chiqarilgan yuqori tartibli garmonikalar energiyasining qayta nurlanishiga to'sqinlik qiladi.

Optik rektennaning yaxshi ishlashi uchun uning tashqi elektron elementlar bilan mosligini ta'minlash hamda tarqaladigan maydonlarni kuchaytirish, yig'ish lozim. Konsentrlangan maydonlar tarqalish samaradorligi yuqori bo'lgan zarralar uchun va ulangan nanozarrachalarning kichik bo'shliqlari orasida yuqoriroq bo'ladi. Bu nanozarrachadagi fotonlarning yutilishini maksimal darajada oshirishga intiladigan qaynoq elektron qurilmalardagi talablarga qarama-qarshidir. 2-rasmda shisha taglikda shablon sifatida 500 nm polistirol sferalardan foydalangan holda kolloid litografiya yordamida hosil bo'lgan kumush (Ag) nanozarralar atrofida paydo bo'lgan normallashtirilgan elektr maydonining qiymatlari ko'rsatilgan [1]. Masshtab logarifmik bo'lib, zarrachalar orasidagi bo'shliqlarda elektr maydon kuchayishining yuz martacha ortishini ko'rish mumkin.



2-rasm. 500 nm polistirolli sharlar bilan kolloid litografiya natijasida hosil bo'lgan balandligi 100 nm bo'lgan nanozarrachalar kabi uchburchaklar atrofida konsentrlangan elektr maydon ko'rinishlari.


Energiyani yanada samarali yig'ish texnologiyasiga qarab, ba'zi yangi dizaynlar o'rganildi. Shuningdek, optomexanik nanoantenna g'oyasi ham o'rganildi. Ushbu konstruktsiyada plazmonik yoy antennisasi tushayotgan nurlanish bilan birlashganda, antenna uchlari oralig'ida kuchli elektr maydoni hosil qiladi va uchlarni bir-biriga bukadi [2]. Uchlari bir-biriga egilganida, uzatish va aks ettirish kuchida qizil siljish sodir bo'ladi, bu esa qurilmaning kengroq chastotalar oralig'ida ishlashiga imkon beradi. Yuza plazmon-polariton xususiyatini hisobga olib hisoblaganda, ishlash chastotalari oralig'ini 4,4 GHz gacha kengaytirish bilan birga antenna uzunligini sezilarli darajada qisqartirish mumkinligi aniqlandi. To'lqin o'tkazgichning materialida tarqaluvchi to'lqinning uzunligi juda kichik. Bu shuni ko'rsatadiki, agar antenna diodga juda yaqin bo'lsa, u yo'qotishlarni kamaytirishi mumkin [3]. Tarqaluvchi to'lqin MIM rektennasi dizaynida yuqori va pastki yoyli antennalar o'rtasida MIM ulanishi yaratiladi [4],[5] (3a-rasm).



3-rasm. (a) Antennaga ulangan TW qurilmasining izometrik ko'rinishi. 1-rasmdagi odatiy kamoni antennada bo'lgani kabi kesishish o'rniga, antenna qo'llari metall M1 va M2 o'rtasida 2 nm yupqa izolyatorga ega parallel plastinka to'lqin o'tkazgichga birlashadi. (b) TW MIM qurilmasini ifodalovchi sxema. (c) TW MIM diodning 3D ko'rinishi.

Bu diodga ushbu MIM birikmasida yutilgan nurlanishni to`g`irlashga imkon beradi. Ushbu dizayn yoyli antennaga o'xshaydi, faqat chap va o'ng yo'ylar juda nozik bir izolyator qatlami bilan ajralib, kengaytirilgan MIM tunnel diodini hosil qiladi. Yutilgan nur sirt plazmonini qo'zg'atadi va u o'q bo'ylab tarqaladi (3c-rasm). Yuqori va pastki metallar o'rtasida hosil bo'lgan plazmonlar oqimi elektronlarning tunnellanishiga olib keladi.

Bunday rektenna dizaynining yana bir misoli integratsiyalashgan metall-oksid-metall (MOM) diodli selektiv sirtidir. Raqamli modellashirishlar shuni ko'rsatdiki, tushgan nurlanish diodli birikmaga parallel bo'lganda, elektr maydoni diodning ko'ndalang kesimida 2000 martagacha kuchayadi va kerakli to'lqin uzunligi atrofida qaytarish koeffisienti pasayadi, buni yutilish belgisi deb hisoblash mumkin. 4-rasmda ko'rsatilgan, elektron nur litografiyasi orqali tayyorlangan qurilma yordamida optic diapazonda aytarish koeffisientida shunga o'xshas natija olingan.



4-rasm. Tayyorlangan MOM diod ulangan chastotali selektiv sirt qurilmasining SEM tasvirlari.

(a) 16 800 ta diod bilan bog'langan elementdan iborat butun massivning tasviri $0,325 \text{ mm}^2$ dan kam, (b) ko'tarilganidan keyin namunaga biriktirilgan metall qoplangan fotorezistning bir nechta bo'laklarini ko'rsatadigan massivning yaqinroq tasviri va (c) ishlaydigan qurilmaning diodi

Grafen texnologiyasining so'nggi rivojlanishi grafenni nanoantenna dizayni sifatida foydalanish imkoniyatini yaratdi. Ma'lumki, Ag atrof-muhit sharoitida sulfidlanadi, bu esa uning plazmonik xususiyatning buzilishiga olib keladi [6]. Grafen Ag nanoantennasining plazmonik xususiyatiga ta'sir qilmasdan Ag ni passivlashtirish va sulfidlanishining oldini olish qobiliyatiga egaligi ma'lum. Bundan tashqari, plazmon energiyasi va maydon kuchlanganligining keskin o'zgarishi, boshqaruvchi kuchlanish orqali elektr xoassalari o'zgartirilgan grafen massivlarini yordamida ham kuzatilgan [7].

Grafen kabi yangi materiallarning rivojlanishi yaxshiroq optik antennani loyihalash uchun yangi imkoniyatlar ochadi.

Ushbu maqolada rektennalar texnogen o'ta yuqori chastotali energiyadan foydalangan holda simsiz energiya uzatishda qo'llash uchun 92% gacha konversiya samaradorligi bilan keng ko'lamda o'rganilgan, bu esa quyosh rektennasining yuqori samarali energiya konvertorlariga erishish orqali Shockley-Queisser chegarasini engish borasida optimizm yaratadi. Rektennaning ishlashini tavsiflash uchun ishlatish mumkin bo'lgan optimal model bo'yicha kelishuv mavjud bo'lmasada, barcha nazariy ishlar samaradorlikni oshirish uchun uchta mezonga rioya qilish kerakligini ko'rsatadi - (1) kerakli chastotadagi to'lqinning antennaga mumkin qadar to'laroq yutilishi, (2) kiruvchi signalni samarali to'g'rilash uchun chegara chastotasi yuqori diyod va (3) signal uzatish yo'qotishlarini oldini olish uchun antenna va to'grilagich impedanslarining mosligi. Ushbu uchta muammoni hal qilish qurilmaning samarali ishlashiga olib keladi, bu joriy quyosh elementlariga qaraganda yuqori termodinamik samaradorlik bilan ishlash potentsialiga ega. Antenna va to'grilagichning ishlashini yaxshilash bo'yicha ishlar ko'rib chiqildi, va bu ikki qurilma komponentlari haqidagi nazariy tushunchalarning ancha rivojlangani ma'lum bo'ldi. Nihoyat, kelgusida talab qilinadigan eng muhim ish optimallashtirilgan texnologiya va dizaynga asoslangan rektenna qurilmalarini qurish ekanligi ta'kidlandi. Rektenna prototiplarini ishlab chiqarish olimlarga ularning ishlashini tavsiflash va baholash, zarur optimallashtirish uchun yangi sohalarni aniqlash imkoniyatini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[1] Xie F., Pang J.S., Centeno A., Ryan M.P., Riley D.J., and Alford N.M.: Nanoscale control of Ag nanostructures for plasmonic fluorescence.

[2] Bonakdar A., Kohoutek J., Dey D., and Mohseni H. Optomechanical nanoantenna. *Opt. Lett.* 37, 3258 (2012).

[3] Biagioni P., Huang J.-S., and Hecht B.: Nanoantennas for visible and infrared radiation. *Rep. Prog. Phys.* 75, 024402 (2012).

[4] Grover S., Dmitriyeva O., Estes M.J., and Moddel G.: Travelling-wave metal/insulator/metal diodes for improved infrared bandwidth and efficiency of antenna-coupled rectifiers. *IEEE Trans. Nanotech.* 9(6), 716–722 (2010).

[5] Hobbs P.C.D., Laibowitz R.B., and Libsch F.R.: Ni–NiO–Ni tunnel junction for terahertz and infrared detection. *Appl. Opt.* 44(32), 6813–6822 (2005).

[6] Reed J.C., Zhu H., Zhu A.Y., Li C., and Cubukcu E.: Graphene-enabled silver nanoantenna sensors. *Nano Lett.* 12, 4090–4094 (2012).

[7] Fang Z., Thongrattanasiri S., Schlather A., Liu Z., Ma L., Wang Y., Ajayan P.M., Nordlander P., Halas N.J., and de Abajo F.J.G.: Gated tunability and

hybridization of localized plasmons in nanostructured graphene. *ACS Nano* 7, 2388–2395 (2013).

АВТОНОМ ВА ЗАХИРА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

*PhD. Қодиров Д. Б. магистрантлар. Қобилов Р. К, Набиев Қ. Д
("ТИҚХММИ")*

Кўпинча қуёш панелларидан фойдаланишнинг амалий эмаслиги, улар қиммат ва ўзини оқламайди деган фикрга дуч келинади. Кўпчилик уйларни энергия билан таъминлайдиган газ генераторини ўрнатиш анча осон деб ўйлайдилар. Қуёш панелларидан фойдаланишнинг ижобий ва салбий томонларини тушуниш ва аниқлашга эътибор қаратамиз.

Қуёш панелларидан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида.

Фотоволтаик қуёш батареяси деярли чексиз хизмат муддатига эга. Шовқин қилмайди, ёқилғини талаб қилмайди, қутиларни ташиш, мойни алмаштириш ва овоз ўтказмайдиган деворлари, эгзоз вентиляцияси ва эгзоз трубкаси бўлган алоҳида (афзал ёнғинга чидамли) хонани қуришнинг ҳожати йўқ. [1]

Агар сизда қуёш энергияси билан ишлайдиган энергия тизими мавжуд бўлса, унда сиз қушларни тинглайсиз ва боғда ўйнаётган болаларни томоша қиласиз ва СО₂ нафас олмайсиз. Лекин асосийси, кечаю кундуз электр энергиясига эга бўлинади. Сизда ҳар доим телефон, камера ва бошқалар зарядланган. Бир неча ватт ишлаб чиқариш учун кучли генераторнинг ресурсини камайтириш мантиқийми?

Кеча-кундуз электр таъминоти шубҳасиз ортиқча - бу сигнални ўрнатиш қобилияти ва кўп вариантлар мавжуд. Энг оддий автомобил сигнализациясидан тортиб, видеорежистратор, GSM - модул, видео онлайн ва бошқа "қўнғироқлар ва ҳуштаклар" билан жиҳозланган ақлли уйгача. Агар сизнинг уйингиз ёки вақтинчалик уйингиз бўлса, унда сейсмик датчик (зарба сенсори) билан автомобил сигналинини ўрнатиш кифоя. [2] Бу энг оддий, арзон ва энг етарли вариантлар, чунки ёғоч уйлар паст частотали тебранишларни жуда яхши ўтказади. Энг яхши акустик тизимлар (динамиклар) ёғоч эканлиги бежиз эмас. Худди шу нарсани ёғоч уй ҳақида ҳам айтиш мумкин, у бундан унчалик кам эмас. Ёишт ва тош уйлар учун овоз баландлиги сенсори бўлган автомобил сигнализацияси кўпроқ мос келади, улар 15-20% га қимматроқ эмас ва сизнинг мулкингиз ҳеч бўлмаганда кўрикланади.



1-расм. Масофадан бошқариш имкониятига эга ёритгич ва қуёш панелини креатив дизайнда қўлланиши.

Қуёш панели 2 вазифани ҳал қила олади - энергия ишлаб чиқариш ва қуёшдан ҳимоя қилиш. 80-100 Вт қувватга эга битта қуёш батареяси зарур ёритишни, кичик телевизорнинг, сув насосининг, кам қувват истеъмол қиладиган электр қурилмаларини ишлашини таъминлайди. Мактаб ва Университетлардаги ҳар қандай ўқувчи ҳамда талаба ўрнатиш ва уланиш билан шуғулланиши мумкин. Қуёш панелларида "механика" йўқ (аслида синдирадиган ҳеч нарса йўқ), нурларни акс эттирмайдиган, тарқоқ нурланишнинг 15% га кўпроқ тўпланишига имкон берадиган ва ҳар қандай дўл ва шамолга бардош берадиган темперли, текстурали шиша мавжуд. [3]

Бундан ташқари, қуёш панелларини том ёпиш материали сифатида ишлатиш жуда амалий ва эстетик жиҳатдан ҳам яхши эффект беради.

Кўпинча шундай дейилади: - "Қишда қуёш деярли йўқ", лекин:

1. Биринчидан, қишда электр энергиясини истеъмол қилишни камайтириш мумкин. Совутгич масаласи олиб ташланди, ёзда у электр энергиясининг катта улушини истеъмол қилади. 750 Вт электр триммер билан сиз ҳафтасига икки марта ўт ўрмайсиз. 550 Вт қувватга эга насос билан суғориш учун ҳар куни сув бочкаларини қўйишнинг ҳожати йўқ. Ёритиш харажатлари ошади, лекин улар одатда музлатгич ёки юқори қувватли электр жиҳозлари истеъмол қиладиган нарсадан анча паст бўлади.

2. "Қуёш" томига эга веранда Қуёш батареяси тонгдан то кечгача булутли ҳавода ҳам ўз ишини бажаради. Булутли ҳавода чиқиш, албатта, қуёшли об-ҳавога қараганда сезиларли даражада паст бўлсада. Аммо агар сиз қишда фақат дам олиш кунлари ва байрамлар учун келсангиз, савол туғилмайди. Сиз йўқлигингизда батареяларда энергия тўпланиши учун вақт бор.

3. Учинчидан, ҳарорат юқори бўлса, қуёш батареясининг самарадорлиги юқори бўлади. Сизнинг вазифангиз қуёш панелида чанг ва қор йўқлигига ишонч ҳосил қилишдир. Бу қуёш панелларини ўрнатиш бурчагини "ёз" дан "қиш" га ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Қуёш панелларидан фойдаланишнинг камчиликлар ҳақида

1. Қишда ишлаганда қуёш панелларида қор ва муз йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Бунинг асосий усули қуёш панелларини деярли вертикал равишда, уфққа 70-80° бурчак остида ўрнатишдир. [4]

2. Батареялар учун ижобий ҳароратни таъминлаш керак. Агар уй турар-жой бўлса, унда бу муаммо эмас - сиз фақат ҳафта охири келган бўлсангиз ҳам, уйни иситишингиз керак. Шунинг эса тутиш керакки, кўпгина турдаги батареялар салбий ҳароратларда зарядланмайди.

3. Қуёш панелларида қор қишда қуёш радиациясининг келиши ҳақиқатан ҳам ёзга қараганда анча кам. Бироқ, йилнинг фақат 3 оyi - ноябр, декабр ва январни "танқидий" деб ҳисоблаш мумкин. Февралдан бошлаб қуёш энергиясининг миқдори истеъмолнинг муҳим қисмини қоплаш учун этарли бўлиши мумкин.

4. Албатта, аввалги барча далилларимиз уйни иситиш ва иссиқ сув таъминоти харажатларини ҳисобга олмайди. Қишда бунинг учун бошқа энергия манбаларидан энергия олишингиз керак. Энг яхшиси - ҳар қандай ёнувчан ёқилгидан - ёғочдан бензингача ва ёзда, кўп ҳолларда, сувни қуёш фотоволтаик панелларидан эмас, балки қуёш коллекторлари билан иситиш яхшидир.

Шундай қилиб, тўғри ишлаб чиқилган автоном электр таъминоти тизими билан қуёш панеллари нафақат ёзда, балки қишда ҳам ҳаёт сифатини, яшаш қулайлигини ва электр энергиясини ишлаб чиқариш харажатларини яхшилаши мумкин. Бизнинг иқлимимизда, қишда, қуёш панелларини генератор билан захиралаш ва батареянинг ҳолати ва ҳароратини диққат билан кузатиб бориш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Т.Мажидов “Ноанаънавий ва қайта тикланувчан энергия манбалари” Тошкент “Ворис-нашрёт” 2014-йил.

2. “Қуёш энергиясидан фойдаланиш” М.М.Мухитдинов, С.Ф.Эргашев. Тошкент.Фан 2010.

3. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш истиқболлари БМТ Тараққиёт дастури, Тошкент, 2007.

4. www.uzgidro.uz.


МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ УСУЛЛАР ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛИ

проф., А.М.Касимахунова, докторант. М.Норбўтаев, (ФарПИ).

Охирги пайтларда кенг миқёсда қўлланила бошлаган муқобил энергия манбалари, бир томондан тадқиқотчиларни қизиқишларини уйғотиб жалб эта бошлаган бўлса-да, уларни эксплуатация шароитларини ўрганила бошлаганида қандайдир томондан камчиликларга ҳам эга эканлиги намоён бўлиб қолмоқда. Масалан, қуёш элементларининг, гарчи экологик жиҳатдан тоза ва табиатни энг катта эҳсони бўлган қуёш нурлари орқали битмас туганмас энергия олиб ўзгартира олишлигига қарамай, уни ҳозирги кунда фойдали иш коэффиценти пастлиги, технологиясини мураккаблиги, хом ашё материалларининг ҳар доимо ҳам етарли даражада эмаслиги, қоронғу шароитларда ишлатиб бўлмаслиги катта камчилигидир. Шамол электростанцияларини қуришда, шамол ҳам ҳамма худудда, ҳар доимо бўлавермайди, узилишлар мавжуд бўлади. Микро гидро электростанциялардан фойдаланишда сув сатҳини баҳор ва куз мавсумларида об-ҳаво билан, фасларни ўзгариши билан боғлиқ ҳолда кескин ўзгариб туриши улардан унумли фойдаланиш ҳар доимо ҳам бўлавермаслигини ифодалайди.

Шу каби қатор сабабларга кўра, тадқиқотчилар томонидан муқобил энергия манбаларидан воз кечилмаган ҳолда, уларни айрим турларини конструктив жиҳатдан мужассамлантирилган ҳолатда ишлатиш устида, амалий ишлар ҳажми кенгайиб бормоқда. Муҳокама қилинаётган масала бўйича охирги йилларда, қуёш элементларини термоэлектрик энергия ўзгартиргичлар билан мужассамлаштириш устида қатор ишлар қилинди [1,2]. Бу ишда қуёш элементлари томонидан электр


энергиясига ўзгартирилмай қолган ва фотоэлектрик ўзгартиргич ҳажмида иссиқлик энергиясига айланган қисми термоэлектрик энергия ўзгартиргичлар ёрдамида қўшимча равишда электрга айлантирилади. 1-расмда шу конструкциянинг умумий кўриниши келтирилган бўлиб, бундай қурилма фототермогенераторлар (ФТГ) деб аталади. ФТГ нинг охирги такомиллаштирилган конструкцияси танланган ёруғлик нурида ишлашга мўлжалланган(ўнг томондаги расм).



1-расм. Фототермогенераторнинг дастлабки(чапда: 1-фотоўзгартиргич, 2-иссиқлик ўтказувчан пластина, 3-термоэлементнинг электрон ва тешикли ўтказувчан шохчалари, 4-коммутацион пластиналар, 5-совутгич) ва такомиллашган конструкцияларининг (ўнгда: 1-фотоактив нур ўтказиш тирқиши, 2-фотоўзгартиргич, 3-иссиқликни яхши ўтказувчи пластина, 4-электрон ва тешикли ўтказувчан шохчалар, 5-совутгич) кўринишлари.



**3-расм [3]. Фото-микроГЭС
қурилмаси мажмуаси кўриниши.**



**4-расм [4]. Фото-микро
ГЭС мажмуаси таркибидаги
фотоўзгартиргич чикишидаги
қувватни кучланишга
боғлиқлиги графиги.**

Уларнинг афзаллиги шундаки, бу ўзгартиргичларнинг умумий фойдали иш коэффициентлари, фотоэлектрик энергия ўзгартиргичникига қараганда 30% дан токи 60% гача юқори (2-расм). Кейинги мужассамланган конструкцияга шу қуёш элементлари билан микро ГЭС қурилмасини эксплуатацион иш режимларини мослаштирилиши киради (3-расм). Бу ишланмада [3], куннинг ёруғлик билан таъминланган пайтида фотоэлектрик элементлардан, қоронғу, ёки авария ҳолатларида микро ГЭС қурилмаси ҳисобига электр олиш мўлжалланган. Ёки, аксинча, дарё ва каналлардаги оқар сувлар айрим мавсумларда суғориш ишлари ёки, тоғлардаги қорларни эриши камайиши туфайли микро ГЭСлардан фойдаланиш имконияти бўлмай қолганида қуёш фотоэлементлари орқали электр энергиясини олиш мумкин. Бу конструкциялар ҳам ҳозирча кичик қувватдаги электр истеъмолчиларини энергия билан таъминлашга мўлжалланган. Қурилманинг параметрларини қийматлари математик моделлаштириш орқали олиниб, эксплуатацион кўрсаткичлари натижалари 4-расмда келтирилган.

Муқобил энергия манбаларидан фақат электр эмас, балки иссиқликни олиш ишлари ҳам авж олган. Чунки истеъмолчиларни катта қисми иссиқлик энергиясига нисбатан катта эҳтиёжга эга. Бу масалани атрофлича баён этиш шарт эмас. Аммо шундай эҳтиёжни қондириш учун қилинаётган ишларнинг асосини қуёш элементлари билан коллекторларни мужассамлаштирилган конструкциялари бажаради [4]. 5-расмда шундай қурилманинг умумий кўриниши берилган.



5-расм[4]. Ясси қуёш коллекторини умумий кўриниши.

Хулоса қилиб айтганда, мавжуд муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда уларнинг бир хил турдаги намунасини иккинчиси билан мужассамлаш орқали, айрим камчиликларни бартараф қилиш hozirги пайтда актуал масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бу жараёнлар энергияни бир турдан иккинчи турга айлантиришда яхши самара бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1].А.М.Касимахунова, с.И.Зокиров. Фототермоэлектрик батареялар. Монография. “Классик” нашриёти, Фарғона, 2021й.

[2].А.М.Касимахунова, Ш.А.Олимов ва бошқ. Фототермогенератор селективного излучения. №ЕС-01-001727, INTEROCO, EUROPEAN DEPOSITORY Germany, Berlin, The Berne Convention for the Protection of Literary and Artistic Works, 18-May, 2018.

[3]. Д.Б. Қодиров, Д.Т. Юсупов, Ф.Т. Юсупова. Микро гэс чархпалаги парракларининг оптимал бурчагини аниқлаш бўйича дастлабки тадқиқотлар. ФарПИ ИТЖ НТЖ ФерПИ (STJ FerPI), 2017, №4 (№.4). 196-198б.

[4]. Эргашев С.Ф., Акбаров К.А., Нигматов У.и др. Результаты разработки и испытаний комбинированной солнечной установки для теплоснабжения технологических процессов промышленных предприятий // Научно-технический журнал ФерПИ. – Фергана, 2015. – № 1, – С. 53-58 (05.00.00 № 20).

АКТУАЛЬНОСТЬ ЭНЕРГОСБЕРЕЖЕНИЯ И ПОВЫШЕНИЯ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ СУЩЕСТВУЮЩИЙ ФАКТОР ВЛИЯЮЩИХ НА ОПТИМАЛЬНУЮ РАБОТУ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ.

ст.преп. Атамурзаев Т. У. студент. Ривожиддинов Ж. И.(НамИСИ)

В настоящее время на промышленном предприятии должны быть

разработаны мероприятия по экономии электроэнергии применительно к каждой электроустановке. В первую очередь это относится к электромеханическим устройствам с электрическим приводом, основным элементом которого является электродвигатель. Известно, что более половины всей производимой в мире электроэнергии потребляется электродвигателями в электроприводах рабочих машин, механизмов, транспортных средств. Поэтому меры по экономии электроэнергии в электроприводах наиболее актуальны.

Например, на ОАО «Фотон» подготовлена техническая база, позволяющая наладить серийный выпуск преобразователей солнечной энергии в тепловую и электрическую. Совместными усилиями специалистов ОАО «Фотон» и Агентства по трансферу технологий в поселке Коструба в Каракалпакстане установлена солнечная энергетическая станция. Сравнительно с прокладкой линии электропередач в этот поселок затраты на строительство солнечной электростанции составили в 10 раз меньшую сумму – 60 млн. сумов [2]. Компания «Лукойл» планирует построить на территории РУз солнечную электростанцию мощностью 100 МВт с тем, чтобы в дальнейшем довести ее мощность до 1 ГВт [3]. ГАК «Узбекэнерго» при поддержке партнеров из Германии планирует построить и запустить к 2020 году 6 ветровых электростанций общей мощностью 100 МВт, которые будут генерировать до 170 ГВт-час электроэнергии.

Возвращаясь к табл. 1, можно сказать, что наибольшим энергетическим потенциалом в Узбекистане обладают петротермальные ресурсы. Во многих

странах наблюдается возрастающий интерес к этому источнику энергии. Одним из направлений мировой энергетики в последние десятилетия является изучение возможностей использования тепловой энергии глубинных слоёв земных недр для частичной замены ископаемых видов топлива. Это может быть возможным в любых регионах путём бурения глубоких и сверхглубоких геотермальных скважин и формирования их основе циркуляционных систем.

В 2000 г. в Японии и в 2005 г. в Турции состоялись Всемирные Геотермальные Конгрессы, где было отмечено, что использование тепла Земли должно стать одним из магистральных направлений в энергетике третьего тысячелетия. Было высказано предположение, что к концу XXI века доля геотермальных ресурсов в энергетическом балансе мировой экономики вырастет больше чем на 30 %, а по наиболее оптимистичным прогнозам – даже на 80 %.

Хотя потенциал петротермальных ресурсов по сравнению с другими нетрадиционными источниками энергии неизмеримо велик, технологии их использования являются самыми нерентабельными. Капитальные затраты по созданию петротермальной циркуляционной системы по экспертным оценкам составляют 1,6–4 тысячи долларов на 1 кВт мощности, то есть сопоставимо с затратами на строительство ветряной или солнечной электростанции большей мощности.

Многие исследователи давно обращали внимание на то, что движущийся автомобиль является мощным источником кинетической энергии, часть которой можно использовать для превращения в электрическую и тем самым способствовать решению проблемы энергообеспечения дорожных служб. С этой целью предложен ряд устройств, основу которых составляет элемент, встраиваемый в дорожное полотно и деформируемый при наезде на него автомобиля. Работа этих устройств базируется на разных принципах. Рассмотрим устройство электромагнитного преобразователя. В нём электрическую энергию получают посредством формирования замкнутой магнитной цепи, состоящей из двух участков. Первым из них является стальная полоса, встроенная в дорожное полотно и колеблющаяся под действием проезжающих автомобилей. В качестве второго участка должен использоваться П-образный магнитопровод, включающий вставку из постоянного магнита и электрическую обмотку. Магнитопровод закрепляется неподвижно.

Во время движения автомобилей полоса 1 в результате статического и динамического воздействия колес совершает вертикальные колебания, при этом зазоры 2 между полосой и магнитопроводом 3 изменяются, что сопровождается колебаниями магнитного напряжения вдоль всей магнитной цепи. В результате

этих циклов в магнитопроводе 3 происходит периодическое изменение магнитного потока, которое приводит к появлению ЭДС в генерирующей обмотке 4. При изменении магнитного поля Φ в обмотке 4, согласно закону Максвелла, будет генерироваться ЭДС, которую можно использовать для источника электрической энергии.

Расчеты показывают, что при прогибе полосы на величину 3-6 мм магнитный поток изменяется в 57 раз. Мощность одного организованного таким образом генератора может составлять 100 Вт и более. После выпрямления и преобразования полученная энергия может быть использована, например, для освещения дороги [5].

Приведенные данные об оценке валового и технического потенциала различных ВИЭ в Узбекистане позволяет сделать вывод, что по всей территории республики доступны различные виды возобновляемой энергии, что дает основание коренным образом пересмотреть стратегию использования энергетических ресурсов и на ближайшую, и на отдаленную перспективу.

Список литературы:

1. Альтернативные источники энергии: возможности использования в Узбекистане. Аналитический доклад ПРООН. Ташкент: Центр экономических исследований, 2011. – 73 с.

2. Возобновляемые источники энергии (Эл. ресурс). URL: <https://sensorika.uz/news/5013-vozobnovlyaemye-istochniki-yenergii.html>. Дата обращения: 25.03.2017

3. «Лукойл» планирует построить крупную солнечную электростанцию в Узбекистане (Эл. ресурс). URL:

http://www.cleandex.ru/news/2011/10/28/lukoil_planiruet_postroit_krupnuyu_solnechnuyu_elektrstantsiyu_v_uzbekistane. Дата обращения: 7.04.2017

4. Гнатусь Н.А., Карпов С.В. Петротермальная энергетика России. Перспективы развития // Вестник Череповецкого государственного университета. – 2012. – № 2, – Т.2. – С. 10-16.

5. Радкевич М.В. Использование уклонов автомобильных дорог для снижения нагрузки на окружающую среду // Экологический вестник. – № 7-8. – 2015. – С. 31-33.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

доц. А.А.Атамов, маг. Д.А.Атамова (НамМҚИ)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 22 ноябрь куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилишида, «Маълумки, нефть, газ каби анъанавий энергия манбаларининг заҳираси чекланган. Қолаверса, уларнинг табиатга зарари ҳам кўп. Шу боис ривожланган давлатлар «яшил» энергетикага ўтмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар нафақат бугун, балки келажак учун жуда муҳим.

Бугунги кунда инсоният дуч келаётган катта муаммолардан бири энергия муаммосидир. Бутун жаҳонда иқлим шароити ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, саноатнинг ривожланиши ёқилғи-энергияга бўлган талабнинг ошишига сабаб бўлади. Айниқса куз-қиш мавсумида ёқилғи-энергия, иссиқликка бўлган талаб янада ортади. Мамлакатимизда ҳам бу борада катта ишлар бошланган. 2019 йил 21 майда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида» қонун қабул қилиниб, соҳа ривожига асос яратилди. Хорижий инвесторлар жалб этилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ушбу масала бўйича алоҳида эътибор қаратилиб, янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг ярмидан кўп қисми ер қобиғининг чуқур қисmlаридан қазиб олинадиган ёқилғи ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, кўмир, нефть ва газнинг ёқилиши атроф-муҳит ва атмосферага турли хилдаги ис газларининг чиқиши иқлим ўзгаришларига олиб келмоқда. Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳасида ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг яъни қайта тикланувчи энергия манбаларидан олиш бўйича ишларнинг кенгайтириш ва ушбу соҳанинг етакчи мамлакатларда қўлланилган тажрибаларни қўллаш келажакда электр энергияга бўлган талабни қондиради ҳамда атроф муҳитга зарар етказилмайди.

Ўзбекистон ҳудудларида шамол станцияларини қуриш учун оптимал жойларда, газ ва кўмирни ёқиш орқали олинаётган электр энергияни бирданига тўхтатиб бўлмайди, лекин қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш вақти келди. Бу борада мамлакатимизда Энергетика вазирлиги томонидан бир қанча

ишлар амалга ошириб келинмоқда. Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш ҳамда янги энергия манбаларини топиш, қайта тикланувчи қувватлар самарадорлигини ошириш ҳамда уларни энергия тизимида қўллаш кўламини кенгайтириш мақсадида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмагида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Хулоса ва таклифлар Юртимизда аҳоли сонининг ўсиб бориши, янги иншоат, ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайиши натижасида электр энергияга бўлган талаб ортиб бормоқда. Ишлаб чиқарилаётган электр энергия манбалари асосан иссиқлик электр станцияларидан олинмоқда. Иссиқлик электр станцияларининг аксарияти эскиргани, электр энергияни етказиб беришдаги йўқотишларни олдини олиш ҳамда аҳолини табиий тоза электр энергия билан таъминлашда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш зарур. Хориж мамлакатларидаги қайта тикланувчи энергия манбаларини чуқур ўрганган ҳолда юртимиздаги муаммоларни бартараф этиш бўйича қуйидаги таклифларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ёқилғи энергетика соҳасидаги мавжуд эскирган инфратузилмани янгилаш;
- мавжуд электр станцияларини капитал таъмирлаш ва янги замонавийларини ўрнатиш;
- қайта тикланувчи энергия қурилмалари учун инвесторларни жалб этиб, инвестиция олиб кириш;
- қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш;
- энергетика соҳасида малака даражасини ошириш учун ўқув марказларини кенгайтириш ва янгиларини очиш, ходимларни қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия технологияси бўйича мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини кенгайтириш зарур;
- турли давлатларнинг техника, технологияларини олиб кириб жойлаштириш эмас балки, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари жихозларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш бўйича ишларни амалга ошириш.

-аҳолига ўз хонадонларига шамол тегирмонлари, қуёш панеллари ва қуёш коллекторларидан фойдаланиш учун тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш. Мамлакатда электр энергиясига талабни қондириш мақсадида ҳозирги ишлаб чиқарилаётган электр энергия улушини камайтирмай, унга қўшимча тарзда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириб бориш даркор. Табиий ва тоза электр энергияси ишлаб чиқариш натижасида, келажак авлодга ер ости қазилма бойликларининг тежалиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш,

чекка қишлоқларга электр энергияси етиб боришига, вақти-вақти билан электр энергияси ўчиб қолмаслиги, техника ва технологияларга зарар етказмаслик, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши ҳамда иқлим сабабли турли офатларнинг олди олинишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4142-сонли қарори// <https://lex.uz/docs/4188744>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 январь куни электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилги асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш. // Халқ сўзи газетаси №10 14.01.2019.

BILVOSITA QUYOSH QURITGICHI UCHUN HAVO KOLLEKTORINI ISHLAB CHIQISH

Qodirov J. R (Buxoro davlat universiteti)

Kirish. Hozirgi vaqtda dunyoda quritilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlariga bo'lgan ehtiyoj sezilarli darajada oshdi. Ushbu mahsulotlarning deyarli 80% barchasi kichik fermerlar tomonidan yetishtiriladi. Bu fermerlar an'anaviy quritish vositalaridan (ochiq quyosh) foydalanadilar. Ochiq quyoshda quritish hali ham qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlashning eng keng tarqalgan va eng eskirgan usuli hisoblanadi. Ushbu quritish turi ifloslanish muammolari, notekis quritish turi va yakuniy mahsulotlarda namlik miqdorini nazorat qilinmasligi, mahsulot sifatining yomonlashishiga olib keladigan va shi kabi ko'plab kamchiliklarga ega. Ochiq quyoshda quritish muammolarini bartaraf etish uchun quyosh quritgichlari ishlab chiqilgan [1].

Quyosh nurlanishi qishloq xo'jaligi mahsulotlarini quritish uchun qo'llanilsa-da, yuqori investitsiya xarajatlari, ko'p mehnat talab qiladigan operatsiyalar va boshqalar tufayli u hali ham keng tijoratlashtirilmagan. Bir qator amaliy qiyinchiliklarni bartaraf etish zaruriyat kelib chiqadi. Kun davomida tushgan quyosh nurlanishining intensivligi doimiy emas, shuning uchun quyosh energiyasining eng yuqori qiymatini saqlab qolish uchun issiqlik to'planishi kerak, ya'ni quyosh botganidan keyin va yomon ob-havo sharoitida zarur bo'lgan yordamchi energiya manbai. Bundan tashqari, quyosh nurlanishi juda past energiya zichligiga ega, bu esa quyosh nurlanishini to'plash uchun

kollektorning katta sirt maydonini talab qiladi. Shu sababli investitsiya xarajatlari sezilarli darajada oshadi [2,3].

Quyosh nurlanishi kollektorning shaffof yuzasidan o'tib, akkumulyator materialining yuzasiga tushadi va uni isitadi. Deraza orqali quritgichning tekis kollektor kamerasiga kiradigan atmosfera havosi isitiladigan batareya materialining yuzasiga tegib, undan issiqlik oladi va qizadi. So'ngra kollektorning chiqish derazasini chetlab o'tib, issiq havoga aylanadi va quritish shkafi yetib boradi. Bunday xolda quyosh energiyasi bilan isitiladigan kollektorni "Quyosh havosi bilan isitiladigan issiqlik generatori" deb hisoblash mumkin [4,5].

Quyosh energiyasidan foydalangan holda qishloq xo'jaligi mahsulotlarini quritish tizimlari quyosh kollektorlari maydoni va yuklanish talablarini qondirish uchun energiya talablarini birlashtirish orqali baholanadi [7,8].

[6]-ishning mualliflari qishloq xo'jaligi mahsulotlari uchun bilvosita turdagi quyoshli quritgichning asosiy konstruksiyasi va umumiy xususiyatlari haqida ma'lumot berishgan. Ushbu tadqiqot quritish tezligi va quritish samaradorligini oshirish orqali yuqori sifatli quritilgan mahsulotlarni olish mumkinligini ko'rsatdi.


Ushbu maqolaning maqsadi tabiiy havo aylanishga ega yassi quyosh kollektorining fizik va issiqlik xususiyatlarini ishlab chiqish va o'rganishdir [9].

Kollektorning ratsional o'lchamlarini aniqlash usuli. Quyosh kollektori bir tomondan qalinligi 5_{MM} bo'lgan shaffof shisha (qopqoq) bilan qoplangan. Ma'lumki, to'rtburchak asosli parallelepipedning ratsional geometrik o'lchamlarini parallelepiped kub bilan almashtirilganda ko'rib chiqish mumkin. Parallelepipedning geometrik o'lchamlarini quyidagicha belgilaymiz: L – balandligi (shaffof yuzaning), H – kengligi (shaffof yuzaning), B – qalinligi (kollektor kamerasining). Agar parallelepipedni kub bilan almashtirsak, uning o'lchamlari quyidagi qiymatlarni olishi kerak: $L = H = B$. Bu yerdan $L/H \geq 1$ nisbatni aniqlash mumkin.

Kollektor qalinligining rasional B o'lchamini aniqlash uchun quyidagi kontseptsiyaga asoslanadi: quyosh nurlari shaffof sirdan o'tib, akkumulyatorning qoraytirilgan (qoralik darajasi $k \approx 0,96$ bo'lgan qora yaltiramaydigan bo'yoq bilan bo'yalgan) yuzasiga tushadi va yutiladi. Bunday holda, kollektorning hajmini absolyut qora tana bo'shlig'i sifatida ifodalash mumkin va yassi kollektorning qalinligi mutlaq qora tana modelining bo'shlig'iga nurlanish tushadigan teshikning chiziqli o'lchami sifatida qabul qilinishi mumkin. Ushbu fikrga asoslanib, agar kollektorning shaffof yuzasi maydoni $-S_{shaf.yuz.}$ bo'lsa, kollektor qalinligining o'lchami B quyidagi nisbat bilan belgilanishini qabul qilamiz.

$$B \approx \frac{\sqrt{S_{shaf.yuz.}}}{10}, \text{ при } k = 04 \text{ или } B \approx \frac{\sqrt{S_{shaf.yuz.}}}{16}, \text{ при } k = 1.$$

$$k = 04 \text{ bo'lganda } B \approx \frac{\sqrt{S_{shaf.yuz.}}}{10} \text{ yoki } k = 1 \text{ bo'lganda } B \approx \frac{\sqrt{S_{shaf.yuz.}}}{16}$$



Rasm 1. Materiallarni bilvosita quritish uchun mo'ljallangan quyosh kollektorining prinsipial sxemasi:

h – issiq havo chiqishi uchun tirqishning balandligi, L – kollektorning uzunligi, φ – kollektor tub qismining ufqga nisbatan qiya yuzasi burchagi, T_1, T_2, T_3, T_c, T_a – haroratni o'lchash nuqtalari, S_{in} – , S_o – havoning kirishi va chiqishi uchun derazalar (tirqishlar)

Yassi kollektor kamerasi ichida tabiiy havo aylanishini amalga oshirish uchun kollektorning yon devorlariga (pastki va yuqori devorlarga) derazalar o'rnatamiz. Yuqorida taqdim etilgan kontseptsiya asosida ularning geometrik o'lchamlarini $R_{der.chiz}$ tanlaymiz:

$$R_{der.chiz} \approx \frac{\sqrt{S_{der.sir.}}}{10} \div \frac{\sqrt{S_{der.sir.}}}{16}.$$

Shunday qilib, kollektorning geometrik o'lchamlari $100sm \times 50sm \times 15sm$ va derazaning chiziqli o'lchami $-R = 7.5sm \div 4.5sm$, derazalarning sirt maydonlari $-S_{der.sir.} = 0,0064sm^2 \div 0,0144sm^2$ tanlandi.

Xulosa: quyosh yassi kollektorining geometrik o'lchamlarini aniqlash usuli ishlab chiqilgan: uzunligi - L , shaffof sirt kengligi - H , qalinligi - B va chiziqli o'lchamlar (kollektorga kiruvchi havo va kollektordan chiqadigan havo R_{okno} uchun derazalarning shaffof yuzasining $S_{shaf.yuz}$ maydoniga nisbatan. O'rnatilgan: $L/H \geq 1$;

$$B \approx \frac{\sqrt{S_{shaf.yuz.}}}{10} \text{ va } B \approx \frac{\sqrt{S_{shaf.yuz.}}}{16}.$$

Hisoblash usuli ishlab chiqilgan bo'lib, unga ko'ra kollektorning issiqlik FIK aniqlash uchun empirik formula o'rnatildi va iste'mol qilinadigan quyosh energiyasi diapazonida $(400 \div 1320) \frac{Vt}{m^2}$ va tabiiy havo aylanishida eksperimental ravishda aniqlandi, $\eta = (0,4 \div 3,8)\%$.

Kollektorning ishlash rejimi kirish va chiqish derazalari orasidagi havo harorati farqi $(2 \div 8)^{\circ}C$ bilan o'rnatildi, kollektorning ishlash rejimi ham akkumulyator yuzasi va atrof-muhit o'rtasidagi havo harorati farqi $(20 \div 35)^{\circ}C$ bilan o'rnatildi.

Kollektordan havoga o'tkaziladigan energiya va quvvatni aniqlash uchun tenglamalar o'rnatildi, $(0,748 \div 6,362) \frac{MDj}{sut.}$ va $(0,748 \div 6,362)Vt$ aniqlandi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Panwar N, Kaushik S, Kothari S. State of the art of solar cooking: an overview.
2. Basunia M, Abe T. Thin-layer solar drying characteristics of rough rice under natural convection. J Food Eng 2001;47:295–301.
3. Goyal R, Tiwari G. Parametric study of a reverse flat plate absorber cabinet dryer: a new concept. Solar Energy 1997;60:41–8.
4. Santos B, Queiroz M, Borges T. A solar collector design procedure for crop drying. Braz J Chem Eng 2005;22:277–84.
5. Sharma V, Colangelo A, Spagna G. Experimental performance of an indirect type solar fruit and vegetable dryer. Energy Convers Manage 1993;34: 293–308.
6. Sharma V, Colangelo A, Spagna G. Investigation of an indirect type multi-shelf solar fruit and vegetable dryer. Renew Energy 1992;2:577–86.
7. Абсолютно чёрное тело //Большой энциклопедический политехнический словарь. - 2004.
8. Дж.П.Холман, «Экспериментальные методы для инженеров», Тата Мак Гроу-Хилл, Нью-Дели (Индия). 2008 г.
9. Ю.Н.Якубов. «Аккумуляция энергии солнечного излучения», Ташкент. Издательство «ФАН», 1081. стр.104.


STIRLING DVIGATELINI QUYOSH ENERGIYASI BILAN TA'MINLASH ISTIQBOLLARI

t.f.n Murodov M.X. Stajyor-o'qituvchi. Murodov R.N. (NamMQI)

Zamonaviy dunyoda aholi sonining ko'payishi tufayli energiyaga bo'lgan talab oshib bormoqda. Ushbu jarayon, an'anaviy yoqilg'ining yetishmasligi bilan birga, so'nggi o'n yillik mobaynida energiyani o'zgartirishning yangi usullarini ishlab chiqishga sabab bo'ldi. Asosiy maqsad - yoqilg'i yoki energiya manbasidan foydalanishda ko'proq energiya olish, bu esa yanada samaraliroq texnologiyalar yaratilishiga olib keladi. So'nggi o'n yillar mobaynida qayta tiklanadigan energetikaning asosiy yo'nalishlari: quyosh panellari va shamol turbinalari mashhur texnologiyalar sifatida keskin oshdi, lekin to'lqin energiyasini boshqarish bilan energiya olishga urinayotganlar ham ko'p.

Ushbu maqolaning mavzusi tashqi yonish dvigateling xususiyatlariga ega, shu bilan birga toza energiyani konvertatsiya qilishning afzalliklariga ega bo'lgan Stirling dvigatelidir. Stirling dvigateli 1816 yilda Reverend Robert Stirling tomonidan ixtiro qilingan, o'sha paytda mashina "Issiq havo" dvigateli sifatida mashhur bo'lgan[2]. Garchi o'sha paytlarda qurilma boshqa dvigatellar orasida ahamiyatsiz rol o'ynagan bo'lsa-da, hozirda Stirling dvigatellari yuqori samaradorligi, har qanday issiqlik manbalaridan (shu jumladan quyosh energiyasidan) foydalanish qobiliyati, shovqinsiz ishlashi va ifloslantiruvchi xarakteristikasi pastligi tufayli alternativ energiya resurs hisoblanadi[2]. Bu energetik yuksalishning muhim ustunligini anglatadi va bu texnologiyani rivojlantirishga qaratilgan ishlar sonining ko'payishiga sabab bo'ladi.

Stirling dvigateli – yopiq regenerativ termodinamik siklda (dvigatel ichidagi massada hech qanday o'zgarish bo'lmaydi) siqish va ishchi suyuqlikning har xil haroratdagi kengayishi (1-rasm) bilan ishlaydigan termo-mexanik qurilma. Bu oxirgi ta'rif turli xil konfiguratsiyali, funktsiyali va xususiyatli tashqi yonuv dvigatellari anglatadi. U turli xil oddiy va murakkab mexanizmlar yordamida hosil bo'ladigan porshinli va aylanadigan tizimlarni o'z ichiga oladi. Ular kinematik (beta, alfa va gamma) va dinamik porshinli Stirling dvigatellarini turlarga ajratiladi.




1-rasm. Yopiq regenerativ termodinamik siklda siqish va ishchi suyuqlikning har xil haroratdagi kengayishi.

Stirling sikli – bu ikkita izotermik egri va ikkita izometrik regenerativ jarayon orqali qurilgan ideal termodinamik sikldir. To'liq siklni to'laroq tushunish uchun jarayonlarning har bir silindrning ichida ikkita piston va ular orasida termodinamik shingich sifatida qaraladigan, issiqlikni navbat bilan chiqarib yuboradigan va yutadigan regenerator bor [1]. Regenerator va porshin orasidagi hajmlardan biri kengayish maydoni deb ataladi va u yuqori haroratda (T_{max}) saqlanadi. Qolgan hajm past haroratda saqlanadigan siqilish maydoni deb nomlanadi (T_{min}). Shuning uchun, harorat gradyenti

bo'ylama yo'nalish bo'yicha $T_{\max} - T_{\min}$; Bundan tashqari, bu ikki hajm o'rtasida issiqlik o'tkazuvchanligi yo'q deb taxmin qilinadi. Porshinlar va suyuqlikning dastlabki konfiguratsiyasini olish, siklni tavsiflash juda muhim.

Dastlabki stirling dvigatellarida yoqilg'i sifatida ko'mir, o'tin, mazut, tabiiy gaz va shularni o'rnini bosadigan materiallardan foydalanilgan. Yoqilg'i energiyasining kata yo'qotilishi sababli ham stirling dvigatellaridan voz kechilgan. So'ngi yillarda stirling dvigatellarini quyosh energiyasi bilan birgalikda ishlatish usullari o'rganilib kelinmoqda.


Quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirishning aniq samaradorligi Stirling generatori tizimi 1984 yilda 29,4% ga yetdi [2]. Bundan tashqari, 1984 yilda ikkita 17 m diametrli Stirling idish-tovoq tizimlari (har biri uchun sig'im =50 kW) Saudiya Arabistonining Ar-Riyod shahrida o'rnatildi va ishga tushirildi[3]. Tizimlar 53 kW elektr ishlab chiqarishga erishdi va aniq konversiya samaradorligi 23% ni tashkil qiladi. Yaqinda AQShning Arizona shtatida katta Stirling zavoda qurilgan. 60 ta dvigateldandan iborat har biri 25,0 kW quvvatga ega stansiya qurilishi rejaga kiritilgan. Quyosh energiyasidan foydalanishda quyosh kollektori fokusida taxminan 600-750 °C harorat yig'iladi. Stirling dvigatelini giprid usulida ishlata olish qobiliyati uni yanada samarador energiya turiga aylantiradi [5].



2-rasm. Fokusiga stirling dvigateli joylashtirilgan quyosh konsentratori

Stirling termodinamikasining qisqacha tavsifi bilan tanishib chiqamiz. Bir konstruksiyaning umumiy samaradorligi – Stirling tizimi, ya'ni “quyosh-elektr” samaradorligi bog'liq parametrlar quyidagilar hisoblanadi; a) quyosh nurlanishi, b) konsentratsiya nisbati, c) sinish omili, d) issiqlik qabul qiluvchining samaradorligi, e) stirling dvigateli samaradorligi. Energiyaga Stirling dvigateliga yetguncha uchta asosiy issiqlik yo'qotish sodir bo'ladi ya'ni; oyna tufayli kollektor yo'qotishlari (aks ettirish qobiliyati), qabul qiluvchining kutish yo'qotishlari va qabul qiluvchining issiqlik

yo'qotishlari. Qabul qiluvchining issiqlik yo'qotishlari 25% dan 40% gacha boradi [4].



3-rasm. Quyosh konsentratordagi stirling dvigatelinin prinsipial sxemasi

Quyosh energiyasi kollektor va qabul qiluvchiga yetib borguncha yo'qoladi. Stirling dvigatelinin termal yo'qotishlarining aksariyati tizim qabul qiluvchida paydo bo'ladi. Qabul qiluvchining issiqlik yo'qotishlari qabul qiluvchi korpus orqali va konveksiya bo'shlig'i orqali atrof-muhitga tarqaladi. O'tkazuvchanlik yo'qotishlarini nisbatan kichik va to'g'ri qo'llash orqali samarali tarzda kamaytirish mumkin. Jami 40% atrofida qabul qiluvchi tabiiy konveksiya orqali yo'qotadi va shisha yoki kvarts oynasini joylashtirish orqali sezilarli darajada kamaytirish mumkin [6].

Stirling dvigatelning ishlashini tahlil qilish uchun bir necha usullar ishlab chiqilgan. Ideal va adiabatik tahlillar juda ideal deb hisoblanadi, bu yerda Kvazi-Barqaror oqim usuli ko'proq Stirling dvigatelinin real modeli hisoblanadi [1]. Ko'proq amaliy modellar eksperimental ma'lumotlarga nisbatan tasdiqlangan. Quasi barqaror oqim modeli Stirling dvigatelinin ishlashi haqida yaxshiroq bilish imkonini beradi, lekin hali ham Stirling dvigatelidagi barcha yo'qotishlarni hisobga olishni aniqlash usuli yaratilmagan. 1-jadval ro'yxatida ilgari ishlab chiqilgan modellarning nazariy hisob-kitoblari keltirilgan (GPU-3 dvigateli). Ro'yxatda keltirilgan modellar orasida Timoumi ham bor [3].

1-jadval. Mavjud stirling dvigatellarini amaliy natijalari.

Model turi	Ko'rsatilgan quvvat chiqishi	Issiqlik samaradorligi	Xatolik %
Ideal izotermik	7400	70.5	12.9%-4.2%
Urieli va Berchovit 204diabatic model	8300	62.5	78.6%-109.7%
Timoumi	7109.1	54.96	57%-

yo'qotishlarsiz dinamik modeli			79.6%
Urieli va Berchovitsning yarim barqaror oqimi	7400	53.1	51.7%-87%
Timoumi dinamikasi + Shuttle yo'qolishi Ichki va tashqi o'tkazuvchanlik yo'qotishlari bilan	5886.1	40.66	17%-48.7%
Timoumi dinamik eng yaxshi rejimi	4273	38.49	10%-8%
Tajriba	3958	35	-

Amaliy Stirling dvigateli modeli siklning qaytarilmasligiga quyidagi omillar tasir qiladi: izotermik bo'lmaganligi, siqilish va kengayish, bosimning pasayishi, nomukammal regeneratsiya, isitish boshidagi termal qarshilik va o'lik hajmning mavjudligi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki quyoshli hududlarda Stirling dvigatellarini qo'llash orqali elektr energiyasi ishlab chiqarish imkoniyati yaratiladi. Quyosh energiyasi konsentrator yordamida bir nuqtaga jamlanadi va stirling dvigateling tashqi manbai sifatida ish bajaradi. Bundan tashqari stirling dvigatelida hosil bo'ladigan mexanik energiyani bevosita foydalanish mumkin. Bunday usullar bilan ishlaydigan stirling dvigateli yordamida bir qishloq ekin yerlarini sug'rishda foydalaniladigan elektr dvigatellarini elektr energiyasi bilan ta'minlash imkoniga ega bo'lamiz. Bundan tashqari yoqilgi sifatida muqobil bo'lgan quyosh energiyasidan foydalangan bo'lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- [1]. Jibran K., Mudassar A.H. (2016). Solar power technologies for sustainable electricity generation - A review, J. Renew. Sustain. Energy Rev., Vol. 55, pp. 414-425. DOI: 10.1016/j.rser.2015.10.135
- [2]. Charles E., et al. (1996). Solar heat pipe testing of the Stirling thermal motors 4-120 Stirling engine, IEEE Proceedings of the 31st Intersociety, Washington, DC, USA, pp. 1295-1300.
- [3]. Stine W.B. Diver R.B. (1994). Compendium of solar dish/stirling technology, Sandia National Laboratories, USA, No. SAND93-7026.
- [4]. National Renewable Energy Laboratories. Retrieved September 12, 2011

from http://www.nrel.gov/csp/solarpaces/by_technology.cfm

[5]. Murodov Muzaffar Xabibullayevich. Qishloq xo'jaligi irrigatsiya tizimlarida energetika muammolari va sohada tashqi yonuv dvigatellarini qo'llash samaradorligi, Monografiya, 2021.

SHAMOL ENERGIYASI SALOHIYATINI BAHOLASH ASOSIDA SHAMOL ENERGETIK QURILMALARINI TADBIQ ETISH

doktorant O.X Polvonov (TDTU)

Shamol energetikasi potentsiali deganda yer yuzasidan ma'lum bir balandlikda joylashgan joydan shamol oqimining umumiy energiyasi tushuniladi. Shamol energiyasi tezlik bilan tavsiflanadi, bu makon va vaqtning tasodifiy o'zgaruvchisidir. Shuning uchun shamolning energiya xarakteristikalarini shamol energiyasi potentsialini o'zgartirishning tasodifiy jarayonining ehtimollik tavsifi sifatida taqdim etiladi. Ehtimoliy yondashuvning asosi vaqt jarayonini diskretlashtirishdir, bu esa barcha belgilangan parametrlarni tanlama oralig'ida mustaqil va doimiy deb hisoblash imkonini beradi. Statsionarlikning vaqt oralig'i sifatida odatda soat, kun, fasl, yil ishlatiladi[1].

Shamolning aerologik va energetik xususiyatlarining umumiyliigi mintaqaning shamol energetikasi inventariga birlashtiriladi. Shamol energiyasini inventarizatsiya qilishning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

- o'rtacha yillik shamol tezligi, yillik va kunlik shamol tezligi;
- chastotaning takrorlanishi, shamol tezligini taqsimlash funksiyalarining turlari va parametrlari;
- o'rtacha shamol tezligining vertikal profili;
- shamolning solishtirma quvvati va solishtirma energiyasi;
- mintaqaning shamol energetika resurslari.

Shamolning o'rtacha yillik tezligi ma'lum bir davrda: kun, oy, yil, bir necha yil davomida muntazam oraliqlarda tezlikni o'lchash natijasida olingan o'rtacha arifmetik qiymat sifatida aniqlanadi:

$$V_{\text{ypt}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n V_i, \quad (1)$$

bu erda V_i - i o'lchov oralig'ida shamol tezligi; n - o'lchash intervallari soni.

Shamol tezligining tarqalishini o'rtacha qiymatdan raqamli baholash uchun o'rtacha tezliklarning o'zgarish koeffitsienti qo'llaniladi, bu ifoda bilan aniqlanadi:

$$C_V = \frac{S_v}{V_{\text{ort}}} \quad (2)$$

bu erda S_v - joriy shamol tezligining o'rtacha qiymatdan standart og'ishi; V_{ort} - o'rganilgan vaqt uchun o'rtacha shamol tezligi.

Shamolning o'rtacha tezligi ma'lum bir hududda shamol elektr stantsiyalaridan foydalanish imkoniyatini tavsiflovchi taxminiy ko'rsatkich bo'lib xizmat qiladi. Mezon - zamonaviy shamol turbinalari aylana boshlagan va nominal quvvatini rivojlantiradigan shamol tezligining qiymati.

Shamol energetikasi resursi odatda fazo birligining havo oqimining o'rtacha quvvati (shamol oqimining energiya zichligi) sifatida tushuniladi, u shamol tezligining eksperimental o'lchangan chastotasi bilan quyidagicha aniqlanadi:

$$P^{e.z} = \frac{1}{2} \rho \sum_{i=1}^k v_i^3 \cdot n_i \quad (3)$$

bu yerda- $P^{e.z}$.- shamol oqimining energiya zichligi, vertikal sirtning Vt/m^2 ;

ρ – havo zichligi, kg/m^3 ;

n_i – tezliklarning i -chi oralig'ida shamol tezligining chastotasi, o'lchovsiz qiymat;

k - shamol tezligining intervallari (gradatsiyalari) soni.

Shamol energiyasi resurslarini baholashni turli balandliklarda o'tkazish tavsiya etiladi. Buning sababi shundaki, quvvati 50-100 MVt va undan ko'p bo'lgan zamonaviy shamol elektr stantsiyalari tarkibida birlik quvvati 2-3 MVt va shamol g'ildiragi o'qi balandligi 50 ga teng bo'lgan shamol turbinalari 100 m va undan ko'p ishlatiladi. Shamol energiyasining yalpi potentsiali sifatida bitta ideal shamol elektr stantsiyasining yillik unumdorligini (bir nuqtadagi yalpi potentsialni baholashda) yoki maksimal zichlikka ega bo'lgan ma'lum bir hududda joylashgan shamol elektr stantsiyalarining (hududning yalpi salohiyatini baholashda) yillik unumdorligini hisobga olish mumkin. Bitta shamol turbinasi uchun nuqtadagi yalpi potentsial quyidagicha hisoblanadi:

$$E_{val} = 10^{-3} \cdot P^{ez} \cdot T \cdot S^{may} \cdot k^{J.-B}. \quad (4)$$

bu yerda E_{val} -shamol energiyasining yalpi salohiyati, kVt/yil ;

$P^{pl.en.}$ -shamol oqimining o'rtacha yillik energiya zichligi, Vt/m^2 ;

T - yildagi soatlar soni; soat.

$S^{mayd.}$ - belgilangan yuzaning maydoni (shamol g'ildiragining maydoni), m^2 ;

$k^{J.-B} = 0,593$ – Jukovskiy-Betz koeffitsienti (shamol oqimi energiyasini shamol turbinasi yordamida foydali energiyaga aylantirishning nazariy samaradorligini aniqlash koeffitsenti)[2].

Hududning yalpi shamol salohiyatini aniqlash uchun unga o'rnatilishi mumkin bo'lgan shamol turbinalari sonini hisoblash kerak. Shamol turbinalari orasidagi masofani tanlashda yaqin atrofdagi shamol turbinalarining ekranlanishini minimallashtirish kerak. Keyin shamolning teng taqsimlanishini hisobga olgan holda, hududning S^{maydon} maydonida maksimal zich joylashgan shamol turbinalari soni:

$$N_{SHEQ} = \left(\frac{1000}{nD}\right)^2 S^{mayd} \quad (5)$$

D - shamol turbinasi diametri, m^2 ;

S^{maydon} - hududning umumiy maydoni, km²;

n - shamol turbinasi qatorlari orasidagi shamol g'ildiragi diametrlari soni.

Har xil balandlikdagi shamol turbinalari turli diametrli shamol g'ildiraklari bilan jihozlanganligi sababli, yalpi shamol potentsialini baholashda hisob-kitoblarda ishlatiladigan shamol g'ildiragining diametri (yoki shamol g'ildiragi o'qining balandligi) ko'rsatilishi kerak. Evropa Ittifoqi, AQSh, Kanada, Yaponiya, Hindiston, Xitoy, Koreyada ishlab chiqarilgan va ekspluatatsiya qilinadigan zamonaviy shamol turbinalarining vakillik bazasini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, odatda diametrining shamol turbinasi o'qining balandligiga nisbati birga yaqin. Yuqorida keltirilgan nisbatdan kelib chiqqan holda, 30 m balandlikdagi shamol turbinasi balandligi (yoki vektor g'ildiragining diametri) uchun hududning birlik maydoniga maksimal joylashgan shamol turbinalari soni 11 dona / km² ni tashkil qiladi; 50 m - 4 dona / km²; 100 m – 1 dona/km²[3].

Keyin hududning yalpi shamol energiyasi salohiyati (kVt/soat) quyidagicha aniqlanadi:

$$E_{val}^{mayd} = 10^{-3} \cdot P^{ez} \cdot T \cdot S^{may} \cdot k^{J.-B.} \cdot N^{SHEQ} \quad (6)$$

Shu bilan birga, shamol oqimining energiya zichligi yil davomida sezilarli darajada o'zgarganligi sababli, yalpi potentsialni aniqlash uchun shamol tezligi chastotasidagi mavsumiy o'zgarishlarni hisobga oladigan ifodadan foydalanish mumkin:

$$E_{texn}^{mayd} = 10^{-3} \cdot S^{Mayd} \cdot N^{SHEQ} \sum_{j=1}^{12} (P_j^{e.z.} \cdot T_j) \quad (7)$$

Texnik shamol energetikasi potentsiali - texnologiya rivojlanishining hozirgi darajasida va ma'lum bir hududda shamol turbinalarini joylashtirish bo'yicha cheklovlarni hisobga olgan holda shamol oqimining energiyasidan ishlab chiqarilishi mumkin bo'lgan elektr energiyasi miqdori. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, yalpi potentsial ideal yagona shamol turbinasi (yoki butun ma'lum hududni egallagan shamol turbinalarining) yillik mahsuldorligi bo'lsa, texnik potentsial - bu bitta shamol turbinasining (yoki bir nechta shamol turbinasining) unumdorligi shamol energiyasini konversiyalash samaradorligini va elektr jihozlarning samaradorligini hisobga olish[4].

Odatda, shamol turbinasining texnik xususiyatlari quvvat xarakteristikasi sifatida ko'rsatiladi, ya'ni. shamol turbinasi (p_i^{SHEQ}) quvvatining shamol tezligiga bog'liqligi. Bog'liqlik p_i (v_i) har bir shamol turbinasi modeli uchun jadval shaklida yoki egri chiziq shaklida taqdim etiladi. Shunda shamol energetikasining texnik potentsiali - maksimal zichlikdagi ma'lum bir hududni egallagan haqiqiy shamol turbinalarining yillik unumdorligini quyidagicha hisoblash mumkin[5]:

$$E_{texn}^{mayd} = 10^{-3} \cdot N^{SHEQ} \cdot T \sum_{i=1}^k (p_i^{SHEQ \text{ quvvati.}} \cdot n_i) \quad (8)$$

bu yerda E_{Tech}^{Terr} - hududning texnik shamol energiyasi salohiyati, kVt/yil;

$p_i^{SHEQ quvv}$ - shamol tezligining i-chi oralig'ida (gradatsiyasida) tipik shamol turbinasi quvvati, Vt;

N^{SHEQ} - ma'lum bir hududda o'rnatilishi mumkin bo'lgan shamol turbinalari soni;

n_i - shamol tezligining o'rtacha yillik takrorlanishi shamol tezligining i-chi oralig'ida (gradatsiyasida) ;

T - yildagi soatlar soni, soat.

Shamol tezligining sezilarli mavsumiy o'zgaruvchanligi sababli, yalpi potentsialda bo'lgani kabi, mavsumiy yoki oylik texnik potentsiallarni (shamol turbinasi ishlashi) baholash to'g'riroq bo'ladi, ularning yig'indisi kerakli potentsial qiymatni beradi. Texnik salohiyatni baholashda shamol turbinalarini joylashtirish uchun mavjud hududlarni va ushbu foydalanish imkoniyatini belgilovchi omillarni hisobga olish ham muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. S.V. Kiseleva, Yu.Yu. Rafikova “Resursi vozobnovlyayemoy energetiki-metodi otsenki i kartografirovaniye” kollektivnaya monografiya.
2. Rijenkov M.A., Yermolenko B.V., Yermolenko G.V. Ekologicheskiye aspekti vetroenergetiki // Teploenergetika. – 2011. – № 11. – S.
3. Rafikova Yu.Yu. Ispolzovaniye sputnikovix dannix pri otsenke resursov solnechnoy i vetrovoy energii // Sb. st. Uchastnikov vseros. mol. nauch. Shkoli «Sovremennye problemi geografii I gidrologii sushii». – M., 2010. – S. 69–71
4. Kiseleva S.V. Distantsionnie metodi otsenki resursov vozobnovlyayemix istochnikov energii // Vozobnovlyayemie istochniki energii: Leksii vedushix spetsialistov. Vipusk 5. – M., 2008. –S. 80-111.
5. Grinevich G.A. Issledovaniya xarakteristik rejima vozobnovlyayushixsya istochnikov energii – vodi, vetra i solnsa. – Tashkent,1963.

ELEKTR STANSIYALARNI MODELLASHTIRISHDAGI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA SAMARADORLIK KO`RSATKICHLARINI ANIQLASH

Magistrant Abdullayev A. Ai (NamMQI)

Iqtisodiyotda tarkibiy o'zgartirishlarni izchil davom ettirishlik bilan makroiqtisodiy mutanosiblik va barqaror o'sish sur'atlariga erishish mukiin bo'lib, mahalliy xomashyo hamda materiallarni chuqur qayta ishlash sababli eksport va ishlab chiqarish tarkibida yuqori qo'shimcha qiymatga ega tayyor mahsulotlar ulushini ko'paytirish hisoblanadi. Mamlakatimizda mustaqillik yillarida ushbu yo'nalishda amalga oshirilayotgan aniq hamda keng ko'lamli islohotlar qo'lga kiritilayotgan ulkan

natijalarga mustahkam zamin yaratmoqda. O‘zbekiston iqtisodiyoti kun sayin o‘shib rivoj topmoqda. Hususan o‘tgan chorak asrda 6 baravar o‘sgani yurtimizning barqaror rivojlanib borayotgani buning yaqqol tasdig‘i hisoblanadi [1].

Milliy iqtisodiyot raqobatdoshligini kuchaytirish va tarkibiy islohotlarni amalga oshirish bo‘yicha uzoq muddatli strategiyani ro‘yobga chiqarish, muvaffaqiyatlarni mustahkamlash uchun yana bir qator dolzarb masalalarni hal qilish talab etiladi. Xususan, mamlakatda energetika resurslaridan foydalanish tizimi tubdan qayta ko‘rib chiqilib, taraqqiyotning energiya samaradorligini ta‘minlaydigan modelga o‘tish bugungi kun zaruratidir.

Hususan, respublikamizda sanoatlashish sur‘ati bilan aholi sonining jadal o‘shishi tufayli energiya iste‘moli, shu jumladan, iqtisodiyot tarmoqlarining energetika resurslariga bo‘lgan ehtiyoji sezilarli darajada ortib boraveradi. BMT prognozlariga ko‘ra, 2030 yilgacha O‘zbekiston aholisi 37 million nafarga yetishi mumkin [2].

Bu esa o‘z navbatida, uglevodorod resurslari xomashyosi zaxiralari chegaralanganligi sababli ularni tejash va ulardan oqilona foydalanishni taqozo qiladi. Hisob-kitoblarga qaraganda, resurslar iste‘molining bugungi hajmi saqlanib qoladigan bo‘lsa, 2030 yilda energetika resurslarining tanqisligi jami ehtiyojga nisbatan 65,4 %ni tashkil qilishi ehtimoli bor.

Uglevodorod resurslari orasida tabiiy gazga alohida e‘tibor talab etiladi. Chunki elektr energetikasida birlamchi issiqlik-energetika resurslari ehtiyojlari tarkibida tabiiy gazga bog‘liqlik 85% dan ortadi. Tabiiy gaz sarfining 42% elektr energiyasini ishlab chiqarishga, 27% aholi, 26% iqtisodiyot tarmoqlari ehtiyojlarini ta‘minlashga to‘g‘ri keladi. Shuning o‘ziyoq, birinchi galda, tabiiy gazdan issiqlik elektr stansiyalari (IES) da elektr va issiqlik energiyasi ishlab chiqarish uchun foydalanish samaradorligini oshirish zarurligini ko‘rsatadi.

Afsuski, bugungi kunda sohaning joriy texnik holati shu darajadagi, IESda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar tannarxida xarajatlar ulushi o‘rtacha 94,5%ni, ayrim stansiyalarda esa 100% dan ortiqni tashkil etmoqda. Issiqlik elektr stansiya-larida sohaviy asbob-uskunalarning eskirishi o‘rtacha 91,73% ekani bunga sabab bo‘layotir. 2015 yilda “O‘zbekenergo” AJ kondensatsion issiqlik elektr stansiyalarida elektr energiyasini ishlab chiqarishda foydali ish koeffitsiyenti 28,4 -42% o‘rtasida, o‘rtacha esa 33,5%ni tashkil qildi. Bu Yevropa Ittifoqi, Janubi-Sharqiy Osiyoda foydalanilayotgan shu turdagi zamonaviy issiqlik elektr stansiyalari ko‘rsatkichlaridan 1,5 baravar kamdir. Tabiiyki, 1 kW. soat elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun xorijdagi elektr energiyasi ishlab chiqaruvchilari bilan taqqoslaganda ko‘proq issiqlik-energetika resurslari sarflanmoqda. Masalan, 2015 yilda Yevropa Ittifoqi mamlakatlari zamonaviy IESlarida 1 kW. soat elektr energiyasini hosil qilishga

269 gramm shartli yonilg'i sarflangan bo'lsa, "O'zbekenergo" AJ issiqlik elektr stansiyalarida bu ko'rsatkich qariyb 374,9 grammga yetadi [2].

Bugungi kunda Tolimarjon, Toshkent, Navoiy issiqlik elektr stansiyalarida amalga oshirilayotgan bug'-gaz va gaz turbinasi qurish ishlari, shuningdek, yaqin kelajakda Taxiatosh, To'raqo'rg'on, Sirdaryo IESlarida ham bunday ishlar ko'zda tutilayotgani sohada yonilg'i sarfini 1 kW. soat elektr energiyasi ishlab chiqarish uchun 269-300 g. gacha shartli yonilg'iga qisqartirish imkonini beradi. Bu sa'y-harakatlar, shubhasiz, energetika sohasida barqaror rivojlanishni ta'minlash yo'lidagi strategik vazifalardan biri bo'lgan yonilg'ini qat'iy tejash, elektr va issiqlik energiyasini ishlab chiqarish tannarxini pasaytirishga xizmat qiladi.

Samaradorligi yuqori bo'lgan texnologiyalarni joriy etish orqali energiya iste'molini, hatto, 30 %ga kamaytirish istiqbolda sement zavodlarida 230 ming tonna shartli yonilg'i yoki 200 million kub metr tabiiy gaz tejab qolish imkonini beradi. Pirovardida sement tannarxi 15-20 % arzonlashadi.

Qurilishda ishlatiladigan hamda issiq saqlaydigan materiallarning zamonaviy turlarini ishlab chiqarishni o'zlashtirish ham juda muhim. Negaki, devor konstruksiyasidagi 1 kub metr shunday material 3 mingta g'ishtning issiqlikni izolyatsiyalovchi xususiyatini o'zida mujassam etadi. Vaholonki, mahsulot ishlab chiqarishga atigi 50 kilogramm shartli yonilg'i ketsa, 3 ming dona g'isht tayyorlashga 1000 kilogramm shartli yonilg'i sarflanadi.

Hisob-kitoblar shuni ko'rsatayaptiki, O'zbekistonda gazni GTL texnologiyasi bo'yicha qayta ishlash orqali mahsulot tayyorlash tannarxi dunyo ko'rsatkichlaridan birmuncha past. Xususan, metanol ishlab chiqarish 2 baravar, sintetik yonilg'i 1,6 baravar arzon bo'ladi. Bu gazning eksport narxlari bo'yicha qiymatini hisobga olgan sharoitda ham yuqori raqobat ko'rsatkichlariga erishishda muhim omildir.

Shu bilan birga, energiya resurslarini tejashdan qolgan qo'shimcha mablag'ni iqtisodiyotimizning yetakchi korxonalarini modernizatsiyalashga, ularni zamonaviy energiya tejamkor, yuqori ishlab chiqarish quvvatiga ega asbob-uskunalar xaridiga yo'naltirish mumkin. Bu, energiya samaradorligini joriy qilish orqali tayyorlanayotgan mahsulotning tannarxini pasaytirish, ichki va tashqi bozorlarda raqobatdoshligini oshirish, pirovardida tarkibiy o'zgarishlarni jadallashtirishga xizmat qiladi.

Bularning barchasi energiya samaradorligini oshirish bo'yicha uzoq muddatli davlat strategiyasini ishlab chiqish va qabul qilish zaruratini tug'dirmoqda. Unda iqtisodiyotning barcha soha hamda tarmog'ida energiyani tejash, xalq xo'jaligi va aholi iste'molida qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, elektr energiyasi ishlab chiqarish bo'yicha zamonaviy quvvatlarni ishga tushirish, "yashil iqtisodiyot"ga o'tish masalalarini kompleks hal qilish yo'llari nazarda

tutilardi. Energiya samaradorligini yuksaltirishdek foydalanilmay yotgan ulkan zaxirani ishga solish, shubhasiz, mamlakatimiz rahbariyati tomonidan belgilab berilgan milliy iqtisodiyotimizning raqobatdoshligini oshirish hamda yalpi ichki mahsulotimizning yuqori sur'atlarda o'sishini ta'minlash bo'yicha ustuvor vazifalarni hal qilishda muhim o'rin tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Iqtisodiy tadqiqotlar markazi materiallari
2. <http://tdtu.uz/uz/5310200-elektr-energetikasi-tarmoqlar-va-yonalishlar-boyicha/>

ENERGETIKA SOHASIDA O'ZGARISHLAR

PhD. J.A.Mannonov, magistr B.M.Jamilov, (NamMQI)

So'nggi yarim asrdan buyon energiyani olish va uni sarflash usuli u qadar o'zgarishlarga duchor bo'lgani yo'q. Lekin yaqin o'n yilliklarda ham o'zgarishsiz, avvalgidek qolmasligi mumkin. Energiyaning qayta tiklanuvchi manbalari arzon va ishonchli bo'lib bormoqda, butun jahon bo'ylab, olingan quvvatni samarali saqlash va taqsimlash texnologiyalari ishlab chiqilmoqda, bu esa yaqin 20-25 yil ichida energetika sohasida jiddiy o'zgarishlar yuz berishidan dalolat bermoqda.

2015 yilda imzolangan iqlim bo'yicha Parij bitimi (hattoki uni tark etgan Amerika Qo'shma Shtatlari ishtirokisiz) ham kelajakda energiyani qazib olish va ishlatish usulini keskin o'zgartirib yuborishi mumkin, biroq bitimga ko'ra qabul qilingan choralar iqlimda o'z ifodasini topishi uchun ko'p o'n yilliklar kerak bo'ladi. 197 davlat tomonidan qo'llab-quvvatlangan bitimning birinchi galdagi maqsadi global haroratni sanoatlashtirish davrigacha bo'lgan darajaga nisbatan selsiy shkalasi bo'yicha ikki darajadan ko'proqqa ortib ketishiga yo'l qo'ymaslikdir.

Bunga erishishning yagona yo'li neft xomashyosi va ko'mirdan energiya manbai sifatida foydalanishni kamaytirish bo'lishi mumkin. Xalqaro energetika agentligi o'zining «Xalqaro energetika istiqbollari-2016» hisobotida energiyaga nisbatan oshib borayotgan talab tarkibida uglerod miqdori kam bo'lgan yoqilg'ilar va tegishli texnologiyalar hisobidan qondirilishi mumkinligini ta'kidlagan.

Butun jahon bo'ylab hukumatlar shamol va quyosh energiyasi kabi tiklanuvchi energiya manbalari, shuningdek tabiiy gazdan keng foydalanishni rag'batlantira boshlashlari kutilmoqda, chunki tabiiy gazdan foydalanilganda uglerod va ifloslantiruvchi moddalarni havoga ajralib chiqishi ko'mirdan foydalanilganidan ko'ra bir necha karra kamroq.

Yaqin 20 yil ichida sohadagi investitsiyalarning 40 foizi qayta tiklanuvchi

energetika hissasiga to'g'ri keladi (1-rasm):

Dunyo qayta tiklanuvchi energiya manbalariga o'tayotgan bir paytda ham mavjud energetika obyektlari ulkan miqdorda neft istehmol qilishda davom etmoqda. Umuman olganda esa, energiyaning turli ko'rinishlariga investitsiyalarning taqsimotida o'zgarish ko'zga tashlana boshlashi kutilmoqda. Xalqaro energetika agentligining mahlumotlariga ko'ra, so'nggi 15 yil ichida jahonda energetika sohasiga kapital qo'yilmalarining 70 foizi qazib olinuvchi yoqilg'i sektoriga to'g'ri kelgan. Agentlikning kutishicha, kelajakda qayta tiklanuvchi energetika sektoriga sarmoyalar miqdori orta boshlaydi.



1-rasm. Quyosh panellaridan foydalanish

Kutilishicha, 2020 yildan 2040 yilgacha bo'lgan oraliq davrda energiya ta'minotiga 44 trln. AQSH dollari sarflanadi, bu summaning 60 foizi qazib olinadigan yoqilg'i hissasiga to'g'ri keladi. Siljish u qadar katta ko'rinmayotgan bo'lishi mumkin, lekin bu 2040 yilga kelib qayta tiklanuvchi energiya manbalariga 17,6 trln. AQSH dollar investitsiya qilinishini bildiradi.

Avtomobillar soni ikki barobar ko'p bo'ladi, lekin ular neftdan kamroq foydalanadi. Bunda elektrmobillar salohiyatiga doir barcha shov-shuvlarga qaramasdan, hozirgacha ularning jahon avtoparkidagi ulushi juda kichik. 2040 yilga borib, bu hol, shubhasiz o'zgaradi. Xalqaro ekspertlarning baholashicha, bu vaqtga kelib yo'llarda hozirgiga nisbatan ikki barobar ko'proq avtomobillar harakatlana boshlaydi, biroq ular hozirgisidan kamroq neft istehmol qiladi. Bunga bir qator sabab va omillar, jumladan, elektrmobillar sonining keskin ortishi hisobiga erishiladi - 2040 yilga borib ularning ulushiga sotilayotgan yangi avtomobillarning yarmidan ko'prog'i to'g'ri kela boshlaydi.

Kelajakni tasavvur etish uchun, Ford Motorning ("FORD MOTOR" — jahondagi eng yirik avtomobil kom'aniyalaridan biri. 1903-yilda AQSH avtomobil sanoati asoschilaridan biri, sanoatchi Genri Ford tomonidan tashkil etilgan) elektrmobillar va gibridlar ishlab chiqarishni kengaytirish borasida yaqinda oshkor qilingan rejalariga nazar tashlash kifoya. Kompaniya AQSHdagi o'z zavodini kengaytirish uchun 700 mln. dollar sarflamoqchi. U yerda elektrmobillarning ikki yangi modeli ishlab chiqariladi,

yaqin yillarda esa elektrmobillar va gibridlarning yana oltita modeli taqdim etiladi.

Yana bir qazib olinuvchi yoqilg'ı - tabiiy gazning ulushi ham global energetik bozorda oshib ketishi mumkin. Tabiiy gaz suvni zaharlovchi va smog hosil qiluvchi uglerod va zararli zarralar chiqishini generatsiya qiladi, biroq u bugungi kunda uglevodorodlarning «eng tozasi» hisoblanadi. Bundan tashqari texnologiya innovatsiyalar sharofati bilan tabiiy gazni qazib olish arzonlashdi, jahon bo'ylab talabning oshishi esa ishlab chiqaruvchilar yirik summalarni gazni suyultirish va eksport qilish quvvatlariga investitsiya qilishlariga zamin yaratdi.

Tabiiy gazdan neft-kimyo ishlab chiqarish sohasi uchun xomashyo sifatida kengroq foydalanila boshlaydi, ayniqsa AQSHda. Birgina keyingi 10 yilning ichida neftkimyo mahsulotlari ishlab chiqaruvchilari Meksika qo'ltig'ı sohillarida ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirishga 200 mlrd. dollar sarflashni rejalashtirishmoqda. Bu zavodlar o'nlab yillar ishlab berishi aniq.

Ko'plab rivojlangan mamlakatlarda shamol energiyasidan ham keng ko'lamda foydalanishadi. Hozirgi kunda shamol generatorlari ishlab chiqarishga katta e'tibor qaratilmoqda. Bir necha shamol qurilmalarining yig'indisi shamol elektrostansiyasini tashkil etadi. Quvvatiga ko'ra ShESlar 3 xil bo'ladi.

1. Kichik quvvatli 0,1-1KVt gacha;
2. O'rta quvvatli 10-100KVt gacha;
3. Yirik quvvatli 100 dan katta.

Vatanimizning geografik joylashuvi shamol energetikasi uchun qulay hisoblanadi va shuning uchun O'zbekiston BAA bilan shamol energetikasini rivojlantirish bo'yicha hamkorlik amalga oshirilmoqda.

Hamma narsada kamchiliklar bo'lgani kabi muqobil energiya manbalaridan foydalanishda ham ayrim muammolar mavjud. Masalan gidroenergetikaga qaraydigan bo'lsak, to'g'on orqali daryo oqimi to'silgani tufayli ularni o'zani o'zgarib ko'plab xududlarni suv egallashi mumkin, kichik gidroenergetikada esa chiqarayotgan quvvati kichik bo'lganligi tufayli ularga chastota rostlagich uskunalarni qo'yish biz uchun ancha qimmatga tushadi shu sababga ko'ra biz sifatsiz energiyadan foydalanishimiz mumkin bo'lib qoladi bundan tashqari bu energetika suv hayotiga masalan baliqlarga zarar yetkazishi mumkin, quyosh batareyalarining narxi juda ham qimmat bo'lganligi sababli aholi avtonom qilib ulardan foydalana olmaydi. SHES lar esa ekologik zararli bo'ladi chunki undan juda baland shovqin

chiqadi va bundan tashqari ular qushlar hayoti uchun ham zararlidir. Hozirda bu kamchiliklarni bartaraf e'tishga harakat qilinmoqda SHES lar insonlar yashash joylaridan uzoq hududlarga qurilmoqda, quyosh batareyalari arzonroq bo'lishi uchun esa kremniy o'rniga arsenir geliydan foydalanishga o'tilmoqda.

Xulosa sifatida aytishimiz mumkinki, muqobil energiya manbalarininig bir qancha kamchiliklari bo'lishiga qaramay ular iqtisodiy, energetik, ekologik barqarorlikni ta'minlash uchun juda zarurdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:

[1]. Majidov Taxir Shadmanovich "Noana'naviy va qaytatiklanuvchi energiya manbalari", Toshkent, 2004y.

[2]. B.U.Urishev "Kichik gidroelektrstansiyalar", Toshkent, "Tafakkur avlodi", 2020y.

[3]. <https://lex.uz>

[4]. <https://www.toshet.uz>

MUQOBIL ENERGIYADAN FOYDALANISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O`RNI

talaba O.O.Xamrayev (UrDU)

Bugungi kunda muqobil energiya manbalaridan keng foydalanish har bir mamlakatning ustuvor maqsadlari hamda energetika xavfsizligi vazifalariga muvofiq keladi va energetika sohasining jadal rivojlanayotgan yo'nalishlaridan hisoblanadi. Respublikamizda qayta tiklanuvchan energiya manbalarini rivojlantirish borasida ma'lum ishlar amalga oshirilmoqda. Qayta tiklanuvchan energiya manbalaridan kata sanoat miqyosida foydalanish respublikada elektr va issiqlik energiyasi ishlab chiqarishdagi tabiiy gaz iste'molini kamaytirish va shuning natijasida atrof-muhitga zararli moddalarni chiqarib tashlash hajmini sezilarli darajada qisqartirish imkonini beradi.



Hisob – kitoblariga ko'ra, har yili Respublikamizda 23 million t.n.e. yaqin

energiya resurslarini tejash mumkin. Ushbu salohiyat amalga oshirilsa atmosferamizga chiqadigan zararli gazlarini 40 million tonnage qisqartirsa bo`ladi. Mahalliy mutaxassislarning fikricha, mamlakat iqtisodiyotdagi energiyani ko'p iste'mol qiluvchi sektorlarida energiya samaradorlik choralari kompleks shaklda amalga oshirilsa, 30-40% birlamchi energiya, ya'ni 16-21 mlrd.kub. metr tabiiy gaz tejash imkoni yaratiladi. Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi va xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikdagi qo'shma loyihasi doirasida kam uglerodlik rivojlanish strategiyasi va uning doirasida 2050-yilgacha bo'lgan dasturi shlab chiqildi. Ushbu hujjatlarga binoan, hozirgi kunda respublikamizda amalga oshirilayotgan energiya samaradorlik choralari 2050-yilgacha 27,3mln. t.n.e. energiya resurslarini tejaydi. Agarda muqobil energiya manbaalari O'zbekistonning umumiy energiya balansida 19-23% ni tashkil etsa, shu tariqa 2030-yilda 3,28mln. t.n.e va 2050 yilda 5,88 mln. t.n.e. tejaladi. Ma'lumot o'rnida aytish joizki, elektr ishlab chiqishda an'anaviy energiya manbaalari bilan bir qatorda muqobil energiya manbalaridan foydalanish yiliga 1,5mlrd. kub/m, tabiiy gazni tejash va qo'shimcha 5 mlrd. kVt/s elektrni quyosh energiyasi evaziga ishlab chiqarishga imkon yaratadi.

Mutaxassislarning aniqlashicha, neft va gaz zaxiralari 45-75 yildan so'ng tugashi mumkin ekan. Shularni inobatga olsak, noan'anaviy energiya manbalarini rivojlantirish, uni hayotimizga yanada keng olib kirishni davrning o'zi taqozo etadi. Quyosh, shamol kabi muqobil manbalar nafaqat cheklanmaganligi, balki ekologiyaga zararsizligi bilan ham ajralib turadi. Mamlakatimizda yilning 300 kundan ziyodi quyoshli o'tadi. Demak, yurtimizda bunday salohiyat nihoyatda ulkan.

Xalqaro ekspertlarning fikriga ko'ra, dunyoda muqobil va qayta tiklanadigan energiya manbalarini izlab topish va ularning samaradorligini oshirish, xususan, elektr va issiqlik energiyasi olish uchun quyosh energiyasidan foydalanishga bo'lgan qiziqishning jadal o'sib borishiga olib kelayotgan sabablar ko'p. Birinchi navbatda, bu jahon iqtisodiyotida energiyaga bo'lgan talabning yil sayin ortib borayotgani bilan bog'liq. Yana bir sababi shundaki, an'anaviy uglevodorod xom ashyosi bo'lmish neft va gazning yangi manbalarini o'zlashtirish tobora qiyinlashib borayotgani va shu bilan birga, ularning zaxiralari kamayib ketayotgani xalqaro hamjamiyatda tashvish uyg'otmoqda. Ammo shu borada hechqachon e'tiborsiz qoldirib bo'lmaydigan shunday muhim bir omil borki, u ham bo'lsa, qazib olinayotgan yoqilg'idan foydalanish misli ko'rilmagan darajada kengayib borayotgani atrof-muhitga sezilarli darajada zarar yetkazayotgani, aholining salomatligi va hayot sifatiga salbiy ta'sir ko'rsatayotgani va kelajakda global miqyosda barqaror rivojlanishga xavf solayotgani bilan bog'liq. Yuzaga kelgan vaziyatdan chiqish yo'llaridan biri, bu, avvalo, qayta tiklanadigan energiyaning eng samarali va istiqbolli manbai sifatida quyosh energetikasini rivojlantirish loyihalariga investitsiya yo'naltirishni yanada

ko'paytirishdan iborat. Ikkinchidan, muammoni hal etishda ilmiy va tajriba-konstruktorlik ishlanmalarini har tomonlama jada rivojlantirish va shuningdek, quyosh elektr energiyasi ishlab chiqaruvchilar va uning iste'molchilarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash talab etiladi. Uchinchidan, bu boradagi yana bir imkoniyat uglevdorod xom ashyosidan foydalanishga asoslangan an'anaviy energetika tizimiga nisbatan quyosh energetikasi raqobatdoshligini ta'minlash bilan bog'liq.

Muqobil energiya – iqtisodiy barqarorlik omili hisoblanadi. Ma'lumki, keying yillarda energetika sohasining muqobil turi hisoblangan qayta tiklanuvchi energiya manbalari global ahamiyat kasb etib, dunyo iqtisodiyotidagi ustuvor yo'nalishlardan biriga aylanib bormoqda. Mutaxassislarning fikricha, yaqin kelajakda u yoki bu davlatning barqaror rivojlanishi uchun energetika tarmog'ida qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish salmog'iga uzviy bog'liq bo'lib qolishi ehtimoldan xoli emas. Shu bois ushbu sohaning qonunchilik bazasini takomillashtirishga e'tibor qaratilmoqda. Chunki aynan shu yo'l orqali ushbu soha munosabatlari huquqiy jihatdan tartibga solinadi va uning rivoji ta'minlanadi. Tahlillarga qaraganda, hozirgacha 80 ga yaqin mamlakatda muqobil energiya manbalari sohasida milliy qonunchilik yaratilgan. Ayniqsa, so'nggi o'n yillikda mazkur sohada Avstraliya, Avstriya, Belgiya, Braziliya, Kanada, Xitoy, Daniya, Estoniya, Chexiya, Fransiya, Germaniya, Irlandiya, JanubiyKoreya, Niderlandiya, Portugaliya, Singapur, Shvetsiya, Shveysariya, AQSH, Hindiston va Mongoliya kabi mamlakatlarda tegishli qonunlar qabul qilingan hamda amaldagi qonunchilikka o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilgan. Ko'pgina mamlakatlarda qonun yo'li bilan davlat, biznes va nodavlat sector e'tiborini mazkur sohaga qaratish, muqobil energiya manbalarining rivoji uchun davlat tomonidan rag'batlantiruvchi choralarni ko'rish, subsidiyalari siyosatini qo'llashga nisbatan munosabat shakllangan. 50 dan ortiq davlat qonunchiligida 18 rag'batlantirish va subsidiya aks ettirilgan.



Xulosa qilib aytganda, bugun sayyoramizda qayta tiklanuvchi muqobil energiya manbalarining bir necha turlari tajribadan o'tkazilyapti. O'zbekistonda ham muqobil energiya manbalarini rivojlantirish uchun zarur sharoitlar yaratilgan. Elektr quvvati olishda geothermal elektrostansiyalardan Markaziy Amerika davlatlari, Filipin va Islandiyada ko'proq foydalanilmoqda. Oqarsuvdan foydalanadigan elektrostansiyalarga Fransiya, BuyukBritaniya, Kanada, Rossiya, Hindiston, Xitoy kabi sanoqli mamlakatlarga ega. Quyosh elektrostansiyalaridan jahonning 30 dan ortiq davlati foydalanmoqda. So'nggi vaqtlarda ko'plab mamlakatlar shamol energiyasi qurilmalarini barpo etishni afzal ko'ryapti. Ularning aksariyati G'arbiy Yevropa (Daniya, GFR, BuyukBritaniya, Gollandiya) da, AQSH, Hindiston va Xitoyda joylashgan. Daniya energiyadan tejamkorlik bilan foydalanish, tabiatni muhofaza qilish doirasida asrlar mobaynida to'plangan bilimlar va o'zan' anaviy tajribasi bilan butun dunyoga mashhur. Bu mamlakatda energiyaning 25 foizi shamoldan olinadi, barcha chiqindilarning 90 foizi qayta ishlatiladi yoki energiyaga aylantiriladi. Daniya rivojlanish va «yashil» investitsiya doirasida dunyo yetakchilari tan olgan mamlakatlardan biridir. Braziliyada esa yonilg'I sifatida etilspirtidan ko'p foydalanishadi. Qayta tiklanuvchi muqobil energiya manbalaridan foydalanish istiqboli uning ekologik tozaligi, ekspluatatsiya qiymatining arzonligi bilan bog'liq.

O'zbekiston quyoshli kunlar soni bo'yicha quyosh energetikasi o'ta rivojlangan Ispaniyadan ham oldinda. O'zbekiston sharoitida quyosh resurslari, kichik gidroenergetika, shamol resurslari, biomassa va geothermal energiya muhim sanaladi. Bundan tashqari, qayta tiklanuvchi energetika olisda, tog'li va boorish qiyin bo'lgan tumanlarda joylashgan aholi punktlari uchun iqtisodiy asoslangan energiya manbai bo'lishi mumkin. Ekspertlarning baholashiga ko'ra, mamlakatimizda qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish imkoniyatlari 51 milliard tonna neft ekvivalentiga teng. Bugungi kunda mavjud texnologiyalar 180 million tonna neft ekvivalentiga teng energiya olish imkoniyatini beradi, bu esa, respublikada qazib olinayotgan yonilg'I hajmidan 3 barobar ko'p, shuningdek, atmosferaga 447 million tonna karbonatgidridi, turli sulfatli birikmalar, azot oksidi va boshqa ifloslantiruvchi moddalar tashlanishining oldi olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. A. Rahimov, "Umumiy elektrotexnika", Toshkent, "O'qituvchi", 1981-yil.
2. A. Rahimov, "Elektrotexnika va radiotexnikadan amaliyot", Toshkent, "O'qituvchi", 1983-yil.
3. A. Rahimov, "Elektrotexnika va elektronika asoslari", Toshkent, "O'qituvchi", 1988-yil.
4. www.Ziyonet.uz

ПРИМЕНЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ АЛЬТЕРНАТИВНЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ

д.т.н., проф. Р.Б.Жалилов, базовый докторант С.Т.Латинов (БухИТИ)

Статья посвящена исследованию и внедрению современных цифровых технологий в электротехнических комплексах отраслей промышленности с целью повышения их надёжности. На основе перспективных информационных технологий, предложена архитектура системы управления нового поколения комплектных трансформаторных подстанций 6-10/0,4 кВ. В результате исследований на базе современных информационных и коммуникационных технологий разработана энергоэкономичная микропроцессорная система автоматического управления режимом работы комплектной автоматизированной трансформаторной подстанции (КАТП) напряжением 6–10/0,4 кВ, которая служит для подключения солнечной батареи (СБ) параллельно с главными вводами от трансформаторов КАТП с помощью автоматического синхронизатора.

Основным преимуществом разработанной авторами системы автоматического управления комплектной автоматизированной трансформаторной подстанции (САУ КАТП) является использование программируемого логического контроллера (ПЛК) для управления КАТП, которые помимо повышения надёжности электроснабжения потребителей категории 1-й и ответственных, т.е. особой группы, есть возможность обеспечить высокую экономию энергии за счет использования нетрадиционных источников энергии, в частности солнечных батарей (СБ), подключенных параллельно с главными вводами от трансформаторов КАТП.

В схеме КАТП, показанной на рисунке 1, установка СБ вместо АДЭС, используемого традиционно в качестве третьего независимого источника питания, в свою очередь, использование СБ параллельно с основными вводами от трансформаторов, даст ожидаемые результаты. СБ подключается параллельно с главными вводами от трансформаторов КАТП с помощью автоматического синхронизатора и позволит сэкономить ЭЭ, потребляемую от основной сети.

Основными элементами разработанной САУ КАТП напряжением 6-10/0,4 кВ являются: микроконтроллер *ARDUINO UNO*; Релейный модуль *TONGLING JQC-3FF-S-Z* с техническими характеристиками - 5 VDC, 10A 250 VAC, 15A 125 VAC, 10A 250 VAC; Реле 12 В DC *Omron MY4N-j*; Реле 220 В AC *Omron MY4N-j*; Блок питания 5 В DC AC adaptor), модель ХС 313 напряжением 5 В при токе до 2 А; Блок питания 12 В DC *RS-300/120-S32512V/3A* (аналоги: AD

PV16, P30B-3P2J); Лампы сигнальные АРТ АД 16-220 D/S31 AC 220 V 20 mA.

Схема установки разработанной системы автоматизации приведена на рис.1.




Рис.1.Схемаразработанной установкисистемыавтоматизации управления режима работы КТП напряжением 6-10/0,4 кВ.

Вся аппаратура системы размещаются в металлическом шкафу размерами 50x75см. Для защиты элементов на входе установки установлен автоматический выключатель IEСмарки С на 25 А.Автоматический выключатель, реле 12 В DC Omron MY4N-j, реле 220 В AC Omron MY4N-j устанавливаются на Din рейке с соблюдением правил технологии монтажа. Блоки питания и микроконтроллер ARDUINO UNO размещены на дно шкафа располагаются удобным для монтажа цепей управления. Лампы сигнальные АРТ АД 16-220 D/S31 AC 220 V 20 mA установлены на входной двери шкафа для наглядности и удобства наблюдения за работой системы, а также удобства и легкости монтажа.

Для возможности интеграции автоматического выключателя Masterpact NT H1 в систему диспетчеризации, управления электропотреблением, контроля за электропотреблением, накопления информации о нагрузках секций шин КТП, используется [14] дополнительная функция передачи данных (communicationBus) COM, Эта функция реализована в АВ Masterpact NT в ячейках ввода от трансформатора, секционной и от резервного источника. Дополнительная функция передачи данных в этих выкатных аппаратах обеспечивается: устанавливаемым в аппарате модулем связи, поставляемым вместе с группой датчиков (микроконтакты OF, SDE, PF, CH) и устанавливаемым в шасси комплект с электромагнитами управления XF и MX; поставляемым вместе с группой датчиков (контакты CE, CD, CT) - модулем связи.

Присваивается адрес каждому установленному аппарату, или дистанционно

(*Batibus*) или при помощи клавиатуры блока контроля и управления *Micrologic* (*Modbus*).

Ниже рассмотрена схемасинхронизатор типа УБАС. Автоматический синхронизатор типа УБАС с постоянным углом переключения (устройство бесконтактное - автоматической синхронизации) состоит из шести основных частей (рис. 2):

- узел питания - обеспечивающий потребление полупроводниковых элементов, входящих в состав синхронизатора, и одновременно генерирующий колебательное напряжение U_s ;
- узел отключения - формирование импульса на перекрытие генератора
- относительно фазового соответствия векторов U_g и U_t ;




Рисунок- 2. Структурная схема синхронизатора типа УБАС.

- узел аппроксимации частоты - приближает частоту подключенного генератора к частоте работающих генераторов системы, воздействуя на систему управления солнечной мини электростанция (ES);
- узел подключения - выдает импульс определенной длительности для подключения коммутатора;
- промежуточный узел коммутации (рис.3) состоит из трансформатора TL4, выпрямительных элементов BC, фильтров 3B, дифференциального элемента ЭЛ, нулевой точки ЭА1 и реле KL1-KL3.

На вход узла подается колебательное напряжение, создаваемое разностью между напряжением мини электростанция ES - U_g и напряжением сети U_t . Чтобы генерировать напряжение, равное разности двух напряжений, эти две системы напряжения должны иметь общую точку в цепи. Поэтому в схемах синхронизации общие точки В фаз вторичных цепей ES и трансформаторов напряжения сети соединены между собой.

Таким образом, в схеме работы КАТП реализованы практические

рекомендации по параллельному использованию ES с основными вводами от трансформаторов, с установкой ES вместо АДЭС в качестве третьего независимого источника питания.

ҚУЁШНИНГ ҲАРАКАТ ТРАЕКТОРИЯСИНИ АВТОМАТИК ТАРЗДА АНИҚЛАШ ТИЗИМИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

С.И.Зокиров (ФарПИ)

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, гарчи қуёш трекерлари қуёш нурларининг қуёш элементлари юзасига оптимал бурчак остида тушишини таъминлаши ва ўз навбатида, уларнинг имкониятидан нисбатан тўлиқроқ фойдаланиш имконини берса-да, концентраторларга эга тизимлар билан ёки нисбатан иссиқ иқлим шароитида қўлланганда қуёш элементи ҳароратининг кескин ошиб кетиши натижасида тизимнинг умумий фойдали иш коэффициенти кутилган натижаларни бермайди. Кейинги бўлимларда айнан шу муаммоларнинг техник ечимлари келтирилган. Ушбу бўлимда икки ўлчовли қуёш трекерларининг самарадорлигининг таҳлили, тузилма, ишлаш тамойили ва хусусиятларига кўра, турларининг класификацияси ҳамда таклиф этилаётган фототермогенератор билан қўлланиши кўзда тутилган қуёш трекерини яратиш технологияси ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Қуёш трекерлари тизимлари турли мезонлар, жумладан, қўлланилаётган бошқарув тизимлари, драйверлар, қидириш (тақлид қилиш) тамойиллари, ҳаракат йўналишлари ва бошқалар асосида таснифланади.

Қўлланилаётган бошқарув тизими асосида уларни очиқ ва ёпиқ контурли трекерларга ажратилади. Ёпиқ контурли трекерларда ёруғлик датчиклари ўрнатилган бўлиб, улардан олинаётган сигналлар контроллерёки микропроцессор томонидан қуёш координаталарини аниқлашда йўл қўйилган хатоликни тўғрилашда қўлланади. Шу турдаги қуёш трекерларини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолашга бағишланган ишимизда датчик сифатида фоторезистор, панелни горизонтал ва вертикал ҳаракатлантирувчи восита сифатида серво двигателлардан фойдаланилган. Тизимда, ёруғлик манбаидан келаётган ёруғлик кучи, рақамли шаклда Arduino Uno микроконтроллерига узатилади. Контроллер эса, датчиклардан олинган қийматлар асосида мос серво-двигателларни ҳаракатга келтириш орқали, трекерга ўрнатилган қуёш панелларининг доимий равишда келаётган нурларга нисбатан оптимал бурчак остида жойлашувини таъминлайди.

Очиқ контурли қуёшга тақлид тизимларда эса контроллер аввалдан киритилган маълумотлар ва қатъий алгоритм асосида иш олиб боради. Бундай тизимларда реал шароитда кузатиш ва вазиятни баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли уларни яратиш ва қўллаш, нисбатан осон ва арзон, лекин юқори кўрсаткичли натижаларга эришиш учун доимий техник созлаш талаб қилинади.

Ҳаракатлантириш тизими асосида фаол ва нофаол қуёш трекерлари таснифланади. Нофаол қуёш трекерларида, фаол трекерлардан фарқли равишда, тизимни ҳаракатга келтирувчи воситалар сифатида ҳеч қандай электрон элементлар ва механик қурилмалар қўлланмайди. Фаол қуёш трекерларида эса датчиклар, двигателлар ва микропроцессорлар қўлланиб, нофаол қуёш трекерларига нисабан, самаралироқ. Лекин бундай трекерларнинг ишлаши учун маълум миқдорда электр энергияси сарфланиши лозим. Нофаол қуёш трекерларида, тизимнинг иши физик жараёнлар (харорат ўзгари натижасида газ босими, суюқлик ҳажмининг ўзгариши ва ҳ.к.) асосига қурилганлиги сабабли, улар алоҳида энергия манбасини талаб қилмайди.

Қуёш трекерларини таснифлашда, асосан, уларнинг ҳаракат йўналиши инобатга олинади. Улар бир, ҳамда икки ўқли, қуёш трекерларига бўлинади. Бир ўқли қуёш трекерларида одатда, орбитал бурчак, ўзгармас оптимал қийматга эга бўлади. Иккинчи ўқ эса, қуёш панелларининг горизонтал бурчагини қуёшнинг кунлик ҳаракатига мос ҳолда, ўзгартириш имконини беради. Бир ўқли қуёш трекерларининг вертикал (VSAT), горизонтал (HSAT), бурилиш модулига эга горизонтал (HTSAT) ҳаракатланувчи, бурилувчи (TSAT) [1] ва кутбли созланувчи (PSAT) [2, 3-б] турлари мавжуд. Икки ўқли қуёш трекерлари эса одатда, ўзаро перпендикуляр икки йўналишда ҳаракатланиш имконига эга. Бундай тизимлар бир ўқли тизимларга нисбатан самаралироқ, лекин техник жиҳатдан мураккаброқ. Масалан [2, 12-б] ишда, ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, муаллифлар томонидан тақлиф этилган икки ўқли трекерлар ёрдамида йиғилган иссиқлик миқдори бир ўқли трекерлардагига нисбатан 68.8% га ошгани, умумий самарадорлиги эса 15–17% га яхшилангани кузатилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Wikipedia contributors. «Solar tracker» // Wikipedia. [Online]. 2020. Available: https://en.wikipedia.org/wiki/Solar_tracker. [Accessed 15 01 2021].
2. S. Jie, R. Wang, H. Hong, Q. Liu. «An optimized tracking strategy for small-scale double-axis parabolic trough collector» // Applied Thermal Engineering, vol. 112, pp. 1408-1420, 5 02 2017.

БУГУНГИ КУНДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИНГ ЗАРУРАТИ

катта ўқитувчи С.Н. Камолова (ТАҚИ), ўқитувчи Х.А.Жўраев (НамМҚИ)

Илм-техника ривожланишининг мавжуд даражасида энергия истеъмол қилиниши органик ёқилғи (кўмир, нефть, газ)даги фойдаланиш ҳисобига тўлдирилиши мумкин. Кўпгина тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, 2030 йилга келиб органик ёқилғи дунё бўйича энергетикага бўлган талабни қисмангина қондиради. Энергияга бўлган талабнинг қолган қисми ноанъанавий ва янги ҳосил бўлувчи бошқа энергия манбаалари ҳисобига қондирилади.

Янги ҳосил бўладиган манбааларга қуёш энергияси, шамол энергияси, (дарёлар) гидроэнергия, оқимлар, тўлқинлар, ернинг чуқур қатламлари энергияси. Мамлакатнинг иссиқлик балансида энергиянинг янги ҳосил бўлмайдиган манбаалари 90% ни, шундан 30% и нефть, 40% и газ, тошкўмир 20%ни ташкил қилади.

БМТ бош ассамбеяси №33/148 сон резолюциясига мувофиқ ноанъанавий ва янги ҳосил бўлувчи энергия манбааларига қуйидагилар киради: қуёш, шамол, геотермал, денгиз тўлқинлари, океан ва денгизлар соҳилларидаги тўлқинлардан ҳосил бўлувчи энергия биомасса, ёғоч, ёғоч-кўмир, торф, сланецлар, битумсимон қумликлар, катта ва кичик сув оқимлари гидроэнергияси.

Янги ҳосил бўладиган энергия манбаалари ва маҳаллий ёқилғи турларидан фойдаланишнинг стратегик мақсадлар вазифалари қуйидагилар:

- янги ҳосил бўлмайдиган ёқилғи – энергетик ресурслар истеъмолини қисқартириш;

- ёнилғи – энергетик мажмуадан пайдо бўладиган экологик юкломани пасайтириш;

- узоқ ва мавсумий ёқилғи етказиб бериладиган ҳудуд ва истеъмолчиларни таъминлаш;

- аҳолини турғун электр ва иссиқлик энергияси билан тахминлаш ҳамда минтақаларда марказлашмаган энегия билан тахминлашни йўлга қўйиш;

Ҳозирги кунда ноанъанавий энергетикага ҳудудий ва маҳаллий маҳмурият қизиқиши ортиб бормоқда.

Янги ҳосил бўлувчи энергия турлари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланиш сезиларли кўлам касб этди ва турғун ўсиш суръатлари жадаллашмоқда.

Албатта, ҳозирги кунда табиий ресурслардан фойдаланмай туриб биноларни иссиқлик энергия билан тахминлаш қийин. Биринчи навбатда янги

ҳосил бўлмайдиган энергия ташувчилар сарфлаш миқдорини 1/5 га қисқартиришга, кутилаётган экологик талофат эҳтимолини пасайтиришга, энг муҳими уй эгасига ўз уйи ҳаражатларини қисқартиришга ёрдам беради.

Биоларни энергия билан таъминлаш тўлиқ ёки қисман янги ҳосил бўлувчи энергия ресурслари билан алмаштирилганда кўпгина муаммолар ҳал бўлади. Бундай йўналишларда олиб борилаётган ишланмалар истиқболларини ҳисобга олиб, шуни башорат қилиш мумкинки, 2030 йилларга келиб катта самарага эга бўлган гелиосистемалар пайдо бўлади ва улар ўз-ўзини қоплаш муддати 1 йилга тенг бўлади. Янги бино қурилишда ёки мавжуд бинони реконструкция қилишда янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг турли қурилиш усуллари қўлланилганда бундай натижага эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ва бизнинг мамлакатимизда ҳам ноанъанавий энергия турларидан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Маълумки, қуёш энергиясидан асосан кам қувватли коммунал-маиший иссиқ сув билан таъминлаш ва иситгичдан фойдаланилади.

Қайта тикланувчи энергия бўйича халқаро агентлик (ИРЭНА) тузилган бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 164 та давлатида ушбу энергетика турини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур давлатлар стратегиясида 2030 йилга бориб ҚТЭМдан фойдаланишни 50 % гача етказиш вазифаси қўйилган.

Мутахассислар фикрича, айти пайтда энергия истеъмоли ишлаб чиқариш ҳажмидан ортиб кетган. Шу боис, инновацион услубларни амалиётга жорий этиш пайти келган. Жаҳонда 2030 йилга бориб электр энергиясига бўлган талаб аср бошидагига нисбатан 5 фоиз ортиши башорат қилинмоқда. Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган “Физика-Қуёш” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий қурилмаси – Катта қуёш коллектори ҳисобланади. У минг киловатт иссиқлик қувватига эга.

Кўмир, табиий газ, нефть ва уран каби қазилма бойликлар энергетиканинг асоси ҳисобланади. Бироқ ушбу захиралар йилдан йилга камайиб борапти. Қайта тикланувчи ҳамда янги энергия манбаларини ўзлаштириш келгуси авлодлар учун табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва экологияни яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг. Техник имкониятлар эса 182,32 миллион тонна нефть эквивалентини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич мамлакат бўйича йилига қазиб олинadиган бирламчи энергетика захираларининг ҳозирги ҳажмидан уч баравар кўпдир. Бугунги кунда мазкур салоҳиятнинг атиги 0,31

фоизигина ўзлаштирилган, холос.

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 16 апрелда қабул қилинган, Сенат томонидан шу йил 3 майда маъқулланган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун жорий йил 22 майдан кучга кирди.

Ушбу қонун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш, мамлакат энергетика хавфсизлигини таҳминлаш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳамда соҳага оид норматив ҳужжатларни тартибга солишга хизмат қилади. Қонунга кўра, қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчилари ва истехмолчиларига имтиёз ва преференциялар берилган. Жумладан, ҚТЭМдан энергия ишлаб чиқариш ускуналари бўйича мол-мулк солиғи, ушбу ускуналар ўрнатилган участкалар бўйича ер солиғи, улар ишлаб чиқараётган энергия 10 йил муддатга “Ўзбекгидроэнерго” компанияси таркибидаги корхоналар сотаётган энергия қисмида қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Ускуналар ишлаб чиқарувчиси давлат рўйхатидан ўтказилгандан 5 йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод қилинади. Қонун билан турар жой биноларидан энергоресурс тармоқларидан тўлиқ узилган ҳолда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни бошлаган ойдан уч йил муддатга жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғидан озод қилинади. Ҳужжатга кўра, ўз эҳтиёжлари учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ва иссиқлик энергияси, шунингдек, биогаз ва биомасса ишлаб чиқаришда рухсат берувчи ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Мавзу бўйича адабиётлар рўйхати

1. “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун. 2019-йил.16-апрель.
2. “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғриси”даги президент фармони.2013-йил 1 март.
3. Алиназаров А.Х., Сафаров Н. Экологик макбул энаргия манбаалридан фойдаланиш. Тошкент «Фан» 2014 й.
4. Азезов Р.Р., Орлов А.Ю.Солнечные системы отопления и горячего водоснабжения. Тошкент «Фан» 1988 г.
5. Бринкворд Б. Солнечная энергия для человека. М. «Мир»

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

ўқитувчи Н.М.Шамсиева (ТАҚИ), ўқитувчи Х.А.Жўраев (НамМҚИ)

Инсоният ҳамиша энергиянинг энг самарали манбаларини излаб топишга ҳаракат қилади. Айниқса, бугунги даврда бу масала янада долзарб аҳамият касб этиб, энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат учун энг устувор йўналишлардан бирига айланмоқда.

Сўнгги ўн йилликларда углеводороддан кенг фойдаланиш учун катта миқдорда сармоялар йўналтирилмоқда. Айни пайтда жаҳон миқёсида ишлатилаётган кунлик органик ёқилғининг умумий ҳажми 12 млрд. тонна нефть эквивалентига тенг эканлиги шундан далолатдир. Яъни сўнгги қирқ йил давомида органик ёқилғи қазиб олиш миқдори, инсониятнинг бундан олдинги бутун тарихида қазиб олинган углеводород захиралари миқдоридан кўпдир. Ваҳолонки, анъанавий энергия захиралари чекланган.

Агар шундай суръатлар давом этадиган бўлса, ҳисоб-китобларга кўра, сайёрамиз бўйича қора олтин захиралари 55-60 йилга етади, холос. Бу муддат табиий газда 70-75, кўмир бўйича 150-160 йил баҳоланаяпти. Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳар йили атмосферага 5 млрд. тонна карбонат ангидрид, тахминан 300 млн. тонна углерод оксиди чиқарилади. Бу йигирманчи асрнинг биринчи ярмидагига нисбатан 3,5 баробар кўп, демакдир.

Ушбу шароитларда муқобил энергия манбаларини ҳаётга янада кенг татбиқ этиш кун тартибига чиқиши табиий. Сабаби, уларнинг гелио, гидро ва шамол энергияси, биомасса каби турлари деярли беқиёсдир ва қайта тикланаверади, ҳозирги жадал инновацион тараққиёт даврига жуда мос, янги иш ўринлари яратишда айни муддао. Қолаверса, шу асосда ишловчи техника ҳамда технология экологик жиҳатдан тоза, атроф-муҳитга безарар, техноген ҳалокатларга олиб келмайди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларидан ҳозирги кунга қадар давлатимиз раҳбари томонидан атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга тежамкор, экологик тоза технологияларни кенг жалб этиш, диёримизнинг бой қайта тикланувчи энергия манбаларини равнақ топтириб, уларни аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Пировардида юртимизда муқобил энергия манбалари, энг аввало, Қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида катта тажриба тўпланди. Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмалар, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгартиргичлар, махсус материаллар синтези технологияларини яратиш,

материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда Қуёш энергиясидан фойдаланиш сингари бир қатор йўналишларда қўлга киритилган натижалар алоҳида эътироф этилмоқда.

Шулар баробарида гелиоэнергия билан сув иситадиган қурилмалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилиб, улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Масалан, юртимиз шароитида қуёшли кун давомийлиги 10 соатга тенг, бир йилнинг 300 кунидан зиёди офтобли ўтиши кузатилади. Булар ҳудудлар, айниқса, узок, тоғли ва бориш қийин бўлган жойларни энергия билан таъминлашда жуда қулай, иқтисодий жиҳатдан тежамкор манбалардир. Умуман, ҳозир техник жиҳатдан Қуёш энергиясидан республикамызда 179 млн. тонна нефть эквивалентига тўғри келадиган энергия олиш имконияти бор.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати, мамлакатимизда шу сингари “яшил технологиялар”ни қишлоқ хўжалиги, энергетика, чиқиндиларни бошқариш, транспорт, таълим ва фан соҳаларига кенг татбиқ этиш келгуси ўн йил ичида 550 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Ишланмалар ичида иккита йўналишни белгилаш ва ҳисобга олиш лозим:

- майда автоном истехмолчиларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган чегараланган қувват даражали қуёш энергоқурилмаларини ишлаб чиқариш ва қўллаш;

- шимолий ва чўл ҳудудларда чегараланган қувватли қуёшли энергетик станциялар яратиш;

Бинологлардан фойдаланишда қуёш нуридан қандай фойдаланса бўлади? Бир нечта қоидаларни кўриб чиқамиз:

- қуёш нури-бино ёки қабул қилувчи юзага қуёш нурланишини таъсири. Қуёш энергиясини қабул қилиш учун қабул қилувчи юза жануб томонда бўлиши керак, яъни турар жой бинологларини кенглик бўйича жойлаштириш самарали;

- қуёш радиациясидан ойнали дарчалардан (дараза, витражлар, витриналар) тўғридан-тўғри нурларни қабул қилиб пассив фойдаланиш; билвосита мавзелар, деворлар, томлар, қишки боғлар тўсиқлари орқали фойдаланилади.

- қуёш радиациясидан фаол фойдаланиш махсус ускуналар-гелиоколлекторлар, ер устида фойдаланувчи қуёшли фотоэлектрик қурилмалар томонидан қабул қилинади ва узатилиш воситасида амалга оширилади;

- янги бино қуришда ёки эскисини қайта қуришда бинога янги энергияфаол қурилмалар ва конструкциялар қўшиб қуриладики, улар сунхий равишда шамол оқимлари тезлигини ўзгартиради;

- қуёш энергияси ва шамол энергиясиз турли вақт оралиғида фойдаланишга мўлжалланган интеграллашган системаларни ўрнатиш турар жой муҳитини ташкил қилишда алтернатив энергияни самарали ишлатишга ёрдам беради;

- гелиоэнергияфаол бинони архитектуравий ва конструктив ечими гелиосистемаларни қўллаш технологиясига боғлиқ. Тархларни ечими пластикаси шамол йўналиши ва қуёш нуруни тутиб қолишнинг максимал самарали йўналишини белгилайди.

Биринчи навбатда, ҳудуд иқлими ва муайян қурилиш жойи метеороити, гелиомайдони қуёш нурлари билан ёритилганлигини ҳисобга олиш лозим.

- лойиҳа албатта энергия тежаш шароитлари, бино томонидан қуёш нуруни оптимал қабул қилиш шартларини ҳисобга олиш керак;

- турар жой биноларини қуриш ёки қайта қуришда уларда кейинчалик алтернатив энергия билан таҳминлашни қўллаш мақсадида энергия жиҳатдан самарали бино яратишга ҳаракат қилиш зарур, бу бинодаги иссиқлик йўқотилиши хажмий-тархий ечим ва кучайтирилган иссиқликдан ҳимоя воситасида камайтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар, президентимиз томонидан ишлаб чиқилган фармон ва қарорлар, тадқиқотчилар томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар албатта мамлакатимиз аҳолисини қисман бўлсада энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишини кўришимиз мумкин. Қолаверса, анаънавий энергия манбалари танқислиги юзага келаётган бир вақтда экологик тоза муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниш мумкин. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти учун фойдали ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун. 2019-йил.16-апрель.

2. “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғриси”даги президент фармони.2013-йил 1 март.

3. Алиназаров А.Х., Сафаров Н. Экологик мақбул энергия манбааларидан фойдаланиш. Тошкент «Фан» 2014 й.

4. Азезов Р.Р., Орлов А.Ю.Солнечные системы отопления и горячего водоснабжения. Тошкент «Фан» 1988 г.

5. Бринкворд Б. Солнечная энергия для человека. М. «Мир» 1976 г.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛИ ВА ИНСОН ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

ўқитувчи М.Тўйчиева (НамМҚИ)

Ер юзида одамларни сони ортиб бориши, шу билан боғлиқ равишда ишлаб чиқаришни ортиб бориши энергия манбаларини ишлатишни ортишига олиб келмоқда. Ананавий энергия манбалари органик ёқилғи – кўмир, нефт, газ, ўтин, торф, ёнувчи сланец ва бошқаларни захиралари чекли бўлиб ва бу турдаги ёқилғилар тикланмайди.

Тикланадиган энергия манбалари бу дарё суви энергия потенциалли катта эмас, тоғ дарёлари кичик сони кам. Ўзбекистон қуёшли ўлка бўлиб йилнинг қарийиб 320 куни булутсиз бўлади. Жаҳонда яримўтказгичли фотоэлементлар ривожланиши сабабли электр энергиясини айниқса сахро ва чўл зоналари катта бўлган мамлакатларда қуёш электростанцияларда ишлаб чиқилмоқда.

Қуёш электростанциялари катта миқдорда электр энергиясини ишлаб чиқиш учун катта майдонлар талаб қилади чунки қуёш нурларини ер сиртини 1м^3 юзасига тушаётган энергиясини 0.25 Вт ни ташкил қилади. Бу борада Ўзбекистонда чўл ва қум сахролари бор бўлиб катта майдонларни эгалайдиган қуёш электростанцияларни қуриш имконияти мавжуд. Албатта бу қуёш электростанцияларининг фото ўзгартиргич-(ёруғлик энергиясини электр энергиясига айланттиргичлар) лар ер юзасига тушуётган қуёш нурларини ўзига ютиб олиб электр энергиясига айлантиради ва шу билан ердаги ўсимлик хайвонот ва хашорат оламига салбий таъсир этади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича бу таъсир унча катта зиён етказмайди ва қуёш электростанцияларини қуриши мумкин. Келажакда бундай электростанцияларини очик космосга ердан узоққа олиб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта бу масалани ечилиши катта маблағ ва космик техникасини ривожланишини талаб этилади. Бундай катта энергияни ишлаб чиқадиган қуёш электростанциялари саноатга зарур.

Лекин Ўзбекистонда ҳар бир хонадон яшаш уйларини ўзида индивидуал қуёш нурларидан эффектив фойдаланиш ҳар хил қурилмаларини қуриб ишлатиш мумкин. Бу қурилмалар қуёш энергиясини электр энергияга айланттирувчи, сувни, хонадонни иситувчи ва бошқалар. Уларни ишлаш принциплари ва конструкциялари жаҳонда ва шу жумладан Ўзбекистонда кенг ўрганиб келинмоқда. Ўзбекистонда ФА Физика техника институтида қуёш энергияси бўлими бор.

Энди кейинчалик “Қуёш илмий текшириш бирлашмаси” ташкил этилган эди. Кўриб чиқилаётган мазкур соҳада кўп илмий ишлар олиб борилиб ҳар хил

қурилмларни ихтиро патентлари олинган эди. Қадимда Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш уйлар қурилишида ва бу энергияни сақланишида халқимизни катта тажрибаси бор.

Халқимиз қуёшли уйлар қурган уйлар доимо қуёш тамонига қаратиб қурилиб қишда уйларни иссиқ бўлишини таъминланган. Қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш учун уйларни қуришда иссиқликни уй ичида қишда сақлаш ва ёзда уй ичини салқин бўлиш чораларини кўрган.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш истиқболи Ўзбекистонда катта ва бу масалада катта илмий ва техник изланишлар қилиб шу соҳани ривожлантириш керак. Ундан ташқари шамол алтернатив энергия манбаи бўлиб уни энергиясидан фойдаланиш ҳам истиқболга эга. Бу масалада кўп мамлакатларда АҚШ да Голландияда Европа мамлакатларида катта ишлар қилинган ва улар тажрибасини ўрганиб биз Ўзбекистонда қўлашишимиз керак. Хозирги вақтда бу масалада анча ишлар бажарилмоқда.

Инсон цивилизациясини хозирги замондаги ривожланиши шу даражага едики одамлар сонини кўпайиши вақт бўйича геометрик қонун бўйича ортмоқда. Янги демографик ҳолат ҳам шахсий ҳам саноат ишлаб чиқаришни талаб этади бу эса энергия истеъмолини ва энергия манбаларини борган сари кўпроқ истемолга олиб келади. Бу энергия манбалари асосан органик ресурслари бўлиб уларни захиралари ерда чекли. Буларни ҳаммаси ушбу ресурсларга эгаллик қилиш учун давлатлар аро глобал тўқнашувларга ва экологик фалокатга ҳамда иқлим ўзгаришига ифлосланишга олиб келади.

Буни олдини олиш йўлларида бирини кўриб чиқамиз. Хозирги вақтда бинолар темир бетондан ва ғиштдан қурилиб уларни иссиқлик ўтказувчанлиги жуда юқори. Энергияни кўп қисми яшаш маъмурий саноат ва бошқа биноларини қишда иситиш ва улардаги хавони ёзда совитиш учун кетади.

Юқорида айтилганга боғлиқ равишда табиий савол туғилади: нима учун биз бинолар мустаҳкам кўп йилга чидовчи қилиб қуриш устида ўйлаймизу лекин уларни энергия тежамкор яни қишда иссиқликни ёзда эса салқинни сақлаш кераклиги устида ўйламаймиз. Бу масалани ечиш учун бизни наздимизда биноларни иссиқликдан изолация қилиш керак , яни биноларни иссиқлик ўтказувчанлиги кичик бўлган материалдан қуриш ёки иссиқликни изолация қиливчи қатламни қўйиш керак. Бизни аجدодларимиз (жуда қадимда) чуқур ғорларда яшашган ва уйлар қуришни ўрганиб олишганда уйларни ерга чуқурлаштириб деворларни 2-2.5 метр қалинликда лойдан фойдаланиб , сомон ва бошқа иссиқлик ўтказувчанлиги кичик бўлган материаллар билан аралаштириб (мисол учун гўнг ва бошқа) қўришган.

Бу эса бино ичида иссиқликни ёки салқинни сақлашга олиб келган ва қўшимча

катта энергия сарфини талаб этмаган. Бино деразалари (бино олди томони фасади) хамиша қуёш томонига йўналган, бу қиш пайтида иссиқлик ва ёруғлик берган.

Ҳозирги вақтда химия технологиялари ривожланиши кўпкина мустаҳкам, енгил, иссиқликни изолятциловчи яни иссиқлик ўтказувчанлиги жуда хам кичик бўлган суний материалларни яратишга олиб келади. Агар шундай материаллар билан бино деворларини ички томонини ёки ташқи томонини қопланса иситиш тизимини олиб ташлаш мумкин ёки иситишга ва совитишга конденсанерга сарф бўлаётган энергия миқдорини кўп мартабага камайтириш мумкин.


O'ZBEKISTONDA SHAMOL ENERGIYASIDAN SAMARALI FOYDALANISH

dost. Q.B.Umarov, magistrant I.X. Izzatullayev (NamMQI)

Bugungi kunda mamlakatda ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasi umumiy hajmida qayta tiklanadigan energiya (QTE) manbalarining ulushi 10% tashkil etadi, qolgan 90% an'anaviy manbalardan ishlab chiqarilmoqda. Respublikada elektr energiyasi ishlab chiqarishning yangi yo'nalishlarini joriy qilish maqsadiga erishish uchun qayta tiklanadigan manbalarning shamol va quyosh energiyasi kabi ustuvor turlaridan foydalanish imkoniyatini beradigan texnologiyalarni o'zlashtirish, ularni amaliyotda qo'llash bo'yicha keng ko'lamli ishlar olib borilmoqda. Shamol energetikasi bo'yicha yetakchi mutaxassislarining fikriga ko'ra, O'zbekiston geografik joylashuvi va iqlim sharoiti bois ushbu yo'nalishda ulkan salohiyatga ega. O'zbekiston QTE yo'nalishini izchil rivojlantirish maqsadida shamol generatorlarini bunyod etish, ulardan foydalanish bo'yicha raqobatbardosh shartlarni taklif qilayotgan yirik kompaniyalar bilan muzokaralar olib bormoqda. 2020 yil 8-iyun kuni O'zbekiston Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi va BAA ning Masdar kompaniyasi o'rtasida investitsiyaviy shartnoma imzolandi. Mazkur hujjatga ko'ra, BAA kompaniyasi Navoiy viloyatida shamol elektr stansiyasini (ShES) loyihalashtirish, moliyalashtirish, qurish va undan foydalanishni ta'minlaydi Ekologiya muammolarining yuzaga kelishi va uning salbiy oqibatlari bevosita inson faoliyati bilan bog'liq. Dunyoda kuzatilayotgan atrof-muhitning ifloslanishi, iqlim o'zgarishi, ko'pgina o'simlik va hayvon turlarining qirilib ketishi, ozon qatlamining emirilishi, ichimlik suvining ifloslanishi va h.k. insoniyatning tabiiy jarayonlardan noto'g'ri foydalanishi natijasida tabiatdagi salbiy o'zgarishlar tufayli yuzaga kelmoqda. Ekologiya muammolari allaqachon milliy va mintaqaviy doiradan chiqib, insoniyatning umumiy muammosiga aylangan. Havo massasining yer atmosferasi

atrofida aylanishi ekspertlar tomonidan turlicha baholangan. Shamollarning yillik nazariy zahirasi yer yuzidagi barcha energiya zahiralardan 100 marta ortiq bo'lib, 3300 x 1012 kVt/ soatni tashkil qiladi. Ammo bu energiyaning faqatgina 10–12 % idan foydalanish mumkin. O'zbekiston Respublikasida birinchi bo'lib Chorvoq suv omborining dam olish hududida eng katta shamol energo qurilmasi o'rnatildi. Quvvati 750 kVt/soat bo'lgan shamol energo qurilmasini o'rnatish, Janubiy Koreyaning "Doojin Co.LTD" kompaniyasi yordamida amalga oshirildi. Shamol energo qurilmasi maydoniga 40 m balandlikdagi minoraga shamol tezligini o'lchovchi anemometrlar va boshqa nazorat-o'lchov asboblari o'rnatilgan. Shamol energo qurilmasi bir yilda 12,3 million kVt/soat elekt energiyasi ishlab chiqaradi, natijada 700 000 m³ tabiiy gaz tejalmogda, shamol energo qurilmasi o'rnatilgan hududida shamolning o'rtacha tezligi 4,3 m/s ni, qish mavsumida esa 6,6÷7,1m/s ni tashkil qiladi. Shamolning ko'rsatilgan tezliklari, shamol energo qurilmasini barqaror ishlashini ta'minlaydi. "Inter Gopa" (Germaniya) va GEO NET (Germaniya) kompaniyalari tomonidan uyushgan holda, qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirish salohiyatini baholash hamda O'zbekiston Respublikasida shamol energiyasi salohiyatini baholash ishlari amalga oshirildi. Ushbu ish natijalariga ko'ra Respublikaning shamol energetikasi salohiyatining atlasini ishlab chiqilgan bo'lib, unda shamol energiya stansiyalarni ikki hududda qurish tavsiya etilgan. "Nukus" va "Zarafshon" hududlari shamol energetikasining kelajakdagi rivojlanishi uchun salmoqli salohiyatga egadir. Shuni hisobga olib yurtimizda shamol energiyasidan elektr energiyasi olishni yanada rivojlantirish mumkin va bu bilan kelesavq avlod uchun tabiiy gazni ma'lum bir miqdorda tejashga erishiladi.

Hozirgi kunda shamol turbinalarinig ikkita asosiy turlari mavjud: vertikal va gorizontal aylanish o'qli. Vertikal o'qli turbinalar kichik tezlikdagi shamollarda ishlaydi va ular past samarali hisoblanadi. Shuning uchun vertikal o'qli turbinalar juda kam qo'llaniladi. Asosan ular uy uchun o'rnatiladi. Uy uchun kuriladigan shamol qurilmalarini qo'llash tez sur'atlar bilan rivojlanib bormogda. Odatda uncha katta bo'lmagan uy uchun 1 kVt atrofidagi elektroenergiyani 9 m/s tezlikda esayotgan shamol energiyasidan olish mumkin. Yurtimizning adirlik, tog' va tog' oldi hududlarida vertikal o'qli turbinalardan xonadonlar uchun shamol eneratorlari sonini ko'paytirish shamol energiyasidan foydalanish istiqbolining rivojiga salmoqli hissa qo'shadi.



1-rasm: Shamol generatori yordamida qo'zg'aladigan sinxron motorning go'zg'atish sxemasi: 1-stator chulg'ami; 2-rotor chulg'ami; 3- rostlovchi reostat; 4- akkumulyator; 5-doimiy magnitli o'zgaras tok generator

Ushbu no'anaviy sxema quyidagi tartibda ishlaydi: doimiy magnitli o'zgaras tok generatori parraklarini shamol aylantirishi natijasida generator elektr energiyasini (o'zgaras) ishlab chiqaradi. Generator ishlab chiqargan o'zgaras tok, sinxron motorning qo'zg'atish chulg'amiga rostlovchi reostat orqali beriladi, natijada sinxron motorda asosiy magnit maydon hosil bo'ladi. Demak, kichik va o'rta quvvatli sinxron mashinalarning qo'zg'atish tizimini o'zgaras tok bilan ta'minlashda doimiy magnitli o'zgaras tok shamol generatoridan foydalanish elektr energiyasini tejarkan. Shamol energetikasi, hozirgi paytda zamonaviy shamol energetik qurilmalari yaratilgan bo'lib, ular quvvatiga ko'ra mini va makro shamol energetik qurilmalariga ajratiladi. Makro shamol energetik qurilmalari (shamol energetik qurilmalari parklaridagi shamol generatorlarining quvvati har bir generatorki 1-5 MVt atrofida bo'ladi) asosan shamol parklariga o'rnatiladi. Shuningdek, makro shamol generatorlarining ishlashida shamolning tezligi o'rtacha 25-35 m/s atrofida bo'lib turishi yetarli hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdiev U.B. "Fizika ta'limida noan'anaviy energiya manbalari", ilmiy – uslubiy qo'llanma, Termiz 2013 – yil.
2. Farenbrux A., Byub R., "Solnechnye elementy: teoriya i eksperiment " M. Energoatomizdat, 1987 – g.
3. Koltun M. M. "Optika i metrologiya solnechnyx elementov» M. Nauka, 1985
4. Majidov T.Sh. "Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari" Toshkent 2014.
5. Allaev K.R. «Energetika mira i Uzbekistana». Moliya, Tashkent – 2007.
6. <http://forca.ru/spravka/bezopasnost/harakteristiki-sily-vetra>.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ЭНЕРГЕТИКЕ: АНАЛИЗ НЕТРАДИЦИОННЫХ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ

ст.преп.О.В.Порубай, студентка М.У. Хасанова (ФФ ТУИТ)

